


R 496

ГУЛИСТОН

12
1983

3. м.
№







КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советидан

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети-

нинг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович РАШИДОВ 1983 йил 31 октябрда тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

КПСС
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ
СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

СССР
МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, Ўзбекистонда партия ва совет қурилишининг атоқли ташкилотчиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК
ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

Шароф Рашидович РАШИДОВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Шароф Рашидович Рашидов 1983 йил 31 октябрда тўсатдан вафот этди. Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби Шароф Рашидович Рашидов ўзининг бутун ҳаётини коммунизм қурилиши улуг ишига бағишлади.

Шароф Рашидович Рашидов 1917 йил 6 ноябрда Ўзбекистон ССРнинг Жиззах шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилди. У 1939 йилдан буён КПСС аъзоси эди. Самарқанд Давлат университетини ва ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1935 йилда ўқитувчиликдан бошлади. Бир неча йиллар мобайнида журналистика ишида бўлди. У 1941 йилнинг августидан бошлаб Совет Армиясида комсомол ва партия ишида бўлди, немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда қатнашди. 1943 йилда оғир жароҳатлангандан кейин Совет Армиясидан қайтиб, Самарқанд область газетасида редактор бўлиб ишлади. 1944 йилда у Самарқанд область партия комитетининг секретари этиб сайланди. 1947 йилдан бошлаб республика «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори, кейинчалик эса Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленисининг раиси бўлди. Ш. Р. Рашидов 1950 йилдан 1959 йилгача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ва 1960 йилгача СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, 1970 йилдан буён СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси эди.

Ш. Р. Рашидов 1959 йилнинг мартдан умрининг сўнгги кунларигача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида ишлади. Партиянинг XX съездида Марказий Комитет аъзолигига кандидат этиб, XXII—XXVI съездларида эса КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. 1961 йилдан 1966 йилгача КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, 1966

Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Шароф Рашидович РАШИДОВ 1983 йил 31 октябрда тўсатдан вафот этганлигини республика коммунистларига, барча меҳнаткашларига чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

йил апрелидан эса КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат бўлди. Ш. Р. Рашидов III—X чақириқ СССР Олий Советининг депутати эди.

Ш. Р. Рашидов партия, давлат ва жамоат фаолиятининг барча соҳаларида коммунизм ишига чексиз садоқат, партия сиёсатини амалга оширишда ирода ва қатъият кўрсатиб келди. Янгиликни ҳис этиш, партия ва давлат турмушига доир масалаларни ижодий ҳал этиш, кишиларни жипслаштириш ва уюштириш маҳорати унга хос фазилатлар эди. У қарийб чорак аср мобайнида республика партия ташкилотига бошчилик қилиб, ўзининг бутун бой ҳаётий тажрибасини, ташкилотчилик истеъдодини республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга бағишлади. Шу йиллар мобайнида Ўзбекистон ССРда қудратли ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциали вужудга келтирилди, саноатнинг янги тармоқлари ривожлантирилди, қишлоқ хўжалиги йирик, механизациялаштирилган тармоқ бўлиб қолди. Ўзбекистон мамлакатининг асосий пахтачилик базасига айланди.

Шароф Рашидович Рашидов — таниқли совет ёзувчиси ва публицистидир. Бир қанча романлар, повестлар, адабиётнинг, интернационал тарбия ва халқлар дўстлигининг актуал масалаларига доир назарий асарлар унинг қаламига мансубдир. У СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси эди.

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун Ш. Р. Рашидовга икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвони берилганди. У кўпгина давлат мукофотлари: Ленин орденлари, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз, «Хурмат Белгиси» орденлари ва медаллар билан тақдирланган.

Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди, оташин ватанпарвар ва интернационалист Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси совет кишиларининг қалбларида ҳамиша сақланиб қолади.

Ю. В. АНДРОПОВ, Г. А. АЛИЕВ, М. С. ГОРБАЧЕВ, В. В. ГРИШИН, А. А. ГРОМИКО, Д. А. ҚУНАЕВ, Г. В. РОМАНОВ, А. ТИХОНОВ, Д. Ф. УСТИНОВ, К. У. ЧЕРНЕНКО, В. В. ЩЕРБИЦКИЙ, В. И. ВОРОТНИКОВ, П. Н. ДЕМИЧЕВ, В. И. ДОЛГИХ, В. В. КУЗНЕЦОВ, Б. Н. ПОНОМАРЕВ, М. С. СОЛОМЕНЦЕВ, Э. А. ШЕВАРДНАДЗЕ, М. В. ЗИМЯНИН, И. В. КАПИТОНОВ, К. В. РУСАКОВ, Н. И. РИЖКОВ, Т. Н. МЕНТЕШАВИЛИ, Е. АЙТМУРотов, И. Г. АНИСИМИН, Ю. П. МАКСИМОВ, В. К. МИХАЙЛОВ, М. М. МУСАХОНОВ, Т. Н. ОСЕТРОВ, О. У. САЛИМОВ, И. Б. УСМОНХУЖАЕВ, Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ, Қ. КАМОЛОВ, Н. М. МАХМУДОВА, У. УМАРОВ, Р. АШУРАЛИЕВ, Р. Ф. ҒОЙИПОВ, В. П. ЕСИН, М. КАМОЛОВ, А. КАРИМОВ, А. К. КАРИМОВ, С. МАМАРАСУЛОВ, Ҳ. УМАРОВ, В. А. ХАЙДУРОВ, М. ХУДОЙБЕРГАНОВ, Ҳ. А. ШОҒАЗАТОВ, Г. М. МАРКОВ, В. С. СОДИҚОВ, Х. РУСТАМОВА, Н. П. ЖЕЛЕЗНОВ, Ж. ЮСУПОВ, С. О. АЗИМОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1983 йил 3 ноябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди.

Пленум ўртоқ Иномжон Бузрукович Усмонхўжаевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари ўртоқ В. И. Долгих иштирок этди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Иномжон Бузрукович УСМОНХЎЖАЕВ

Иномжон Бузрукович Усмонхўжаев 1930 йил 21 майда Фарғона область Бағдод районининг Бағдод қишлоғида туғилган. Ўзбек.

Олий маълумотли: 1955 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаган.

1958 йилдан КПСС аъзоси. Партия XXVI съездида КПСС Марказий Комитети аъзолигига сайланган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутаты, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор.

1955 йилдан бошлаб «Ферганаводстрой» трестда инженер, трестнинг қурилиш участкасининг бошлиғи, Марғилон шаҳрининг бош архитектори бўлиб ишлади. 1960—1965 йиллар мобайнида область партия комитетининг инструктори, колхоз-

ларда қурилиш ишлари область бошқармасининг бошлиғи, «Сельхозтехника» область бирлашмаси раисининг ўринбосари, Фарғона шаҳар ижроия комитети раиси бўлиб ишлади.

1965 йилдан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Сирдарё область комитети секретари, 1969 йилдан эса КПСС Марказий Комитетининг ташкилий партиявий ишлар бўлими инструктори бўлиб ишлади. 1972—1974 йилларда Наманган область ижроия комитети раиси, 1974—1978 йилларда Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитетининг биринчи секретари бўлди. 1978 йил декабридан — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари.

Ленин ордени, Октябрь Революцияси, иккита Меҳнат Қизил Байроқ, «Хурмат Белгиси» орденлари ва медал билан тақдирланган.

R 496
1983/12



Едгор О Б И Д О В

Иил ёяр тўрт фасл неъматин тўкиб,
Орзудай покиза дастурхонини.
Сунг қутлар қошида ўзи тиз чўкиб —
Ўзбекининг каттакон хонадонини.

Энди у — биз учун шонли интиҳи,
Қалбларга битилган шарафли армон.
Ундан шакл топмиш эзгу муддаю,
Эрталар қошида бериб имтиҳон.

Гирдига кўз ташлаб оладй мағрур,
Пахтакор деҳқоннинг савлати билан.
Нуроний юзидан ёғилади нур,
Тиниқ кўзларнда акс этиб Ватан.

Эски ийл — эзгулик бағрингга сингди,
Меҳнат ва таваққур кучолди зафар.
Ватаним, Янги ийл муборак энди,
Янги орауларга этасан сафар.

Янги ийл — умиддек ўктам, навқирон,
Ҳар бир нигоҳидан ҳар бир имкони.
Унга ишонч билан боққандек жаҳон,
Эзгулик ва ишонч бўлиб қолади.

Порлаб Янги ийлнинг ёрқин тилаги,
Очиқ дастурхонга тўкмиш борини.
Давр зарби билан телар юраги,
Сақлаб қолмоқ истар асрим орини.

Даврага чорлайди. Кўсида кўли,
Эзгу ният билан кутади меҳмон.
Бағри кенг, нурафшон боражак йўли,
Очиқ бағрин тутгай унга ҳам замон.

Бундадир эл руҳи, замон армони,
Баҳорнинг рангидай ям-яшил умид.
Тиниқ йўларидай ҳар бир имкони —
Мисли райҳон каби таратмоқда ҳид.

Марду жўмард йилим Саҳоват қадар
Бағрида асрагай эллар иқболни.
Дунё тинч бўлгуси, дунё бехатар —
Дилдаги муқаддас орзу мисоли.

Эзгу халқ каби беғубор, беҳад —
Тўрт фасл ҳосили дастурхонда...
Шодлик аринмагай, кетмагай омад —
Советларнинг улкан хонадонидан.

КАЛБИ НАВҚИРОН ВETERАНЛАР

Наима МАҲМУДОВА,

Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг раиси

ПАРТИЯ ветеранлари, уруш ва меҳнат ветеранлари, фидокорона меҳнат қилиб, ҳақли равишда роҳат-фароғат гаштини сураётган нуроний отахон ва онахонларимиз ҳақида ғамхўрлик қилиш — жамиятимизнинг аjoyиб аънаналаридан бири. Улуғ Октябрь ғалабаси деб жонини тиккан, ленинча социалистик тузумни севсиз жангларда кўксини қалқон қилиб ҳимоя этган, қадок қўллари билан янги ҳаёт пойдеворини қўйган, Улуғ Ватан уруши жангларида матонат кўрсатган, халқ ҳўжалигини тиклаб, беш йиллик вазифаларини қаҳрамонона меҳнати билан ҳал этган кишиларни бугунги кунда биз ветеранлар сафида кўриб турибмиз. Ишлаб чиқариш новаторлари ва илгорлари, стахановчилик ҳаракатининг ташаббускорлари, коммунистик меҳнат ҳаракатининг кашшофлари улар орасида кўпчиликини ташкил этади. Шуниси қўвончлики, бу ветеранларнинг аксарияти бугунги кунда ҳам завод-фабрикаларда, қолхоз ва совхозларда фаол меҳнат қилиб, ўз граждандлик ва партиявий бурчларини шараф билан адо этмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ветеранлар ҳақида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқдалар, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Ноябрьр ва 1983 йил Июнь пленумини қарорлари бунинг ёрқин далилидир. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва граждандлар уруши иштирокчиларини яшаш шароитларини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитетида партия ва меҳнат ветеранлари билан бўлиб ўтган учрашув, бу учрашувда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг сўзлаган нутқи ветеранлар ҳақида кўрсатилётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Биз партия ветеранларини ҳақли равишда совет халқининг олтин фонди деб атаймиз. Зеро, улар ўзларининг бой тажрибалари билан улугвор ишларни амалга оширишда жамиятимизга жуда катта фойда келтирмоқдалар. Шу боисдан ҳам ветеранлар ҳақида муттасил ғамхўрлик қилиш, коммунистик бунёдкорликнинг ҳар бир жабҳасида уларнинг бой тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш зарур.

Республика касаба союзлари сафида ҳозир салкам 6 миллион киши бор. Шулардан 1 миллион кишидан кўпроги активистлардир. Биз ветеранларни касаба союз фаолиятига актив жалб этмоқдамиз, кадрларни тарбиялашда улар тажрибасидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга интилоқдамиз. Ветеранлар касаба союз ташкилотларининг турли комиссиялари ишда, айниқса, ий-жой, савдо, умумий овқатланиш соҳасидаги ишларни назорат қилишда ибратли ишлар қилмоқдалар. Касаба союз ва ишчилар ййғинларида, доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашларида, социалистик мажбуриятларни бажаришда, социалистик мусобақа якунларини чиқаришда уларнинг принциплари ва рўйи-рост мулоҳазалари ҳамиша хайрихоҳлик билан кутиб олинмоқда.

Ёшларни совет халқининг революцион, меҳнат ва жанговар аънаналари руҳида тарбиялашда ветеранларимиз жуда катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Биз ёшларнинг профессионал маҳоратини ошириш, уларнинг ишлаб чиқариш кўникмаларини бойитиш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ишларимизда ветеранларнинг ишлаб чиқариш ва ҳаётий тажрибаларидан фойдаланмоқдамиз.

Ёшларни тарбиялашда мураббийларнинг роли бебаҳодир. Мураббийлик ҳаракати замонамизнинг аjoyиб белгиларидан бири бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда республикамизда 175 минг нафар мураббий 270 минг йигит ва қизни оталиққа олганлар. Улар касб-корни ўзлаштиришда, ишчилар коллективига тез киришиб кетишда, қийин ҳаётий масалаларни ҳал этишда кўмакчи бўлмоқдалар.

Бу ўринда Фарғонадаги кимё толлари заводи, «Таштекстильмаш» заводи, Қорақалпоғистон АССРдаги «Халқдош» совхози, Жиззахдаги пахта ишлаб чиқариш бирлашмаси ва қатор бошқа корхоналар ва ташкилотлардаги ветеранларнинг фаолияти ибратлидир.

Андижондаги «Электроаппарат» заводида Эдгор Фаттоҳовни ҳамма ҳурмат билан тилга олади. У чорак аср мобайнида 35 ўсмирга ўз касбининг сирасорини ўргатди. Тажрибали ишчи корхонада рационализаторлик ҳаракатининг актив иштирокчиларидан ҳисобланади. Унинг кўксига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган рационализатор» нишони порлаб турирди. «Ўстозимизнинг: «Ҳар бир иш жарафини пухта бажариш, меҳнатни тўғри ташкил этиш, масъулиятни ҳаммиша ҳис этиш керак», деган ўғитлари бир ғайратимизга ўн ғайрат кўшади», дейишдаи унинг шогирдлари.

Наманган область Чуст районидagi Навоий номи колхозининг бригадери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Лочинов самарали иш фаолияти давомида ўз нафардан зиёд шогирд тайёрлади. Ҳозир у қарилки гаштини суряпти.

Давримиз ёшларнинг мураббийлари олдига, мураббийчилик ҳаракати олдига юксак талаблар қўймоқда. Шу талаблар даражасида бўлиш учун мураббийлар родини кучайтиришимиз, ёшларнинг меҳнат ва ахлоқий тарбиясига кўрсатилган таъсирини оширишимиз лозим. Эндиликда яшаш жойларида ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш масаласи кун тартибига катъий қилиб қўйилмоқда. Касаба союз ташкилотлари халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари, комсомол ташкилотлари, уй-жойлардан фойдаланиш идоралари билан биргаликда бу ишга ҳозир меҳнат қилаётган тажрибали ишчиларни ҳам, айна пайтда пенсиядаги ветеранларни ҳам жалб этишлари керак. Ҳар бир ветеран мураббий бўлиши керак, деган вазифа ўртага қўйилган ҳозирги пайтда касаба союзларининг масъулияти янада кучаймоқда.

КПСС Марказий Комитетида ветеранлар билан бўлган учрашувда инсон характери ни шакллантиришда ветеранлар тажрибаси фойда ақотиши жуда тўғри таъкидланган эди. Ҳозир кўнгинга тажрибали ишчилар, меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илгорлари ҳунар-техника билим юртлирида меҳнат қилмоқдалар. Жумладан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Жўраева ўз маҳоратини, ишчи касбига меҳр-муҳаббатни, ўзининг бой иш тажрибасини ҳунар-техника билим юртида ёшларга сингирмоқда. Унинг ташаббусига қўшилганлар кўпчилигини ташкил этади.

Партияимиз ишлаб чиқаришда уюшқоқлик ва тартибни ошириш, социалистик меҳнат интизомини янада мустаҳкамлашга фойда муҳим аҳамият бермоқда. Республикамизда 800 дан зиёд корхона ва ташкилот коллективга москваликларнинг «Меҳнатга яраш шон-шараф!» ҳамда Бухоро тўқимачиларининг «Касаба союз группасида бирорта ҳам меҳнат интизомини бузувчи бўлишига йўл қўймаймиз!» шиори билан бошлаган ҳаракатлари авж олиб кетган.

Касаба союз ташкилотлар меҳнат коллективлари орасида партиявий ишларни кучайтириш, бўшашувчиликка, тошйрилган ишга масъулиятсизлик билан қараш ҳолларига, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузувчиларга қарши жамоатчилик фикрини, уйғотми ишларига алоҳида эътибор бермоқдалар. Бунда ишчи ййғинлишлари, доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашлари, коллектив шертномалар таъсирчанлигини ошириш, мураббийлик родини кучайтириш, ўртоқлик судлари, жамоатчилик асосида ишловчи юридик консултациялар ва кадрлар бўлиминининг фаолиятини янада яхшилашга жиддий эътибор бермоқдалар.

Кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш кенгашларига ветеранларнинг киритилиши, баъзи ёшларнинг ноҳўра хатти-ҳаракати ўртоқлик судларида қўрилат-

Бугун дунё профессетарлари, бирлашмигиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадий журнали

№ 12 (406)

Декабрь
1983

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

ганида ветеранларнинг иштирок қилиши ҳам муҳим тарбиявий роль ўйнамоқда.

Интизомни мустаҳкамлаш учун курашда ветеранларнинг шахсий намунаси, образ-этибори муҳимдир. Шунга қарамай, айрим корхоналарда касабаси союзи ташкилотлари бу ишларга уларни етарли жалб этмаётгани афсусланарли.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети касабаси союзи ташкилотларига ўртоқлик судлари, коммунистик меҳнат мактаблари, халқ университетлари ишга ветеранларни актив жалб қилиш кераклигини ўқитмоқда. Шунга қўра, касабаси союзулари ўзларининг бу борадаги фаолиятларини янада яхшилашлари лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида ветеранлар билан бўлиб ўтган суҳбатда ўртоқ Ш. Р. Рашидов шуни алоҳида таъкидлаган эдики, ветеранларнинг актив меҳнат қилишга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш, уларнинг сиҳат-саломатлигига кун сайин эътибор қилиш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш барча ташкилотлар ва коллективларнинг шарафли бурчидир. Шунга қўра, республикамиздаги касабаси союзи Советлари ва комитетлари, бошланғич касабаси союзи ташкилотлари меҳнат фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи ҳар бир ветеранга қулай иш режими яратиб бериш учун барча тадбирларни амалга оширишмоқдалар.

Пенсионерларни иш билан таъминлаш соҳасидаги қонунийликми аввало уларнинг моддий аҳолини яхшилаш, актив меҳнат қилиш қобилиятини узайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу соҳада белгилаб қўйилган қонунлар, кўндан-кўп имтиёзлар қатнаштириш имконини бермоқда. Агар 1976 йилда республикадаги корхона ва ташкилотларда қариллик пенсиясини олаётган 91 минг нафар ветеран ишлаб чиқаришда иштирок этиб, уларга давлат социал страхование бюджетидан касабаси союзулари 65 миллион сўм миқдорда пенсия тўлаган бўлса, ўтган йили бундай пенсионерлар сони 138 минг кишидан ошиб кетди. Бу йил уларга ўтган йилдагидан 12 миллион сўм кўп, яъни 153 миллион сўм пул тўланади. Пенсионерлар, одатда, астойдил ишлайдилар, нормаларини ошириб бажарадилар. Бу эса ёшлар учун ажойиб ахлоқий образ ҳам бўлади.

«Тошкент трактор заводи» бирлашмасида 400 дан зиёд пенсионер меҳнат қилмоқда. Завод касабаси союзи комитети маъмурият билан биргаликда партия органлари раҳбарлигида социал таъминот соҳасида партия XXVI съезди белгилаб берган программани амалга ошириш борасида катта иш олиб бормоқда, меҳнат ва уруш ветеранларига муттасил ғамхўрлик кўрсатишмоқда, уларни енгилроқ ишларга жалб қилиш учун ҳамма шароитларни яратиб бормоқда.

Бирлашмада, унинг цехларида кўпроқ пенсионерлар, инвалидлар ишлайдиган касб-кор ва лавозимлар рўйхати бор. Бу рўйхатни маъмурият ва касабаси союзи комитети тасдиқлаган.

Кейинги йилларда республикамизда пенсионерларнинг уйда иш билан таъминлаш (касаначилик) кенг ривож топди. Ҳозир биргина Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги корхоналарида 11 минг киши уйига иш олиб ишлаб турибди. Улар йилига 30 миллион сўмдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Машиий хизмат соҳасида 3 мингдан зиёд киши уйига иш олиб меҳнат қилмоқда. Улар йилига 1,5 миллион сўмлик иш бажаришмоқда. Пенсионерларни тўлиқ бўлмаган иш куни билан таъминлаш системаси тобора кенг қўлланилмоқда.

Баъзи корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари тўлиқ бўлмаган иш куни режими ҳамда уйига иш олиб меҳнат қилувчилар миқдорини кўпайтиришдек муҳим резервдан етарли фойдаланмаётганлар. Касабаси союзи, социал таъминот органлари, халқ депутатлари Советлари, ҳўжалик раҳбарлари ва масалалар билан жиҳдий шуғулланишлари мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Касабаси союзулари санаторий-курорт шифолаш ишларида ветеранларга катта ердам беришлари мумкин. Амалда худди шундай қилинмоқда. Ҳар йили пенсионерларга дам олиш уйларида, пансионатларда хордиқ чиқариш учун имтиёзли шартлар билан минглаб путёвқалар берилмоқда. Социал страхование бюджетидан шу мақсад учун йилига 2 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланмоқда. Бундан ташқари, мингдан зиёд уруш ветеранлари ҳар йили профилакторий-санаторийларда ўз сиҳат-саломатликларини яхшилаб олмақдалар.

Касабаси союзуларининг кўнгилли спорт жамиятларига қарашли спорт базаларидаги саломатлик гуруҳларида, умумий жисмоний тайёргарлик гуруҳларида, ГТО, туризм секцияларида кекса ёшдаги ўн минглаб кишилар шуғулланишмоқда. Ўзбекистон касабаси союзулари республика Совети Президиумининг қарори билан барча спорт иншоотларида иш вақтининг ярмини жисмоний шуғулланиш учун ажратиб қўйиш кўзда тутилган. Тошкент ветеранларининг илтимосига биноан спорт иншоотлари бошқармаси Св. спорти саройидаги машғулотларни кечки пайтдан эрталабки пайтга кўчирди. Турли кросслар, мусобақалар ўтказиш ањана бўлиб қолди.

Аммо амалга оширилган бу ишларга қарамай, катта ёшдаги кишиларнинг аксарияти жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этилмай қолмоқда. Касабаси союзулари, уларнинг кўнгилли спорт жамиятлари бу соҳадаги ишни яхши йўлга қўйишлари зарур.

Касабаси союзуларининг маданий-маърифий муасса-

салари меҳнатқашларга маданий-маърифий кўрсатиш, уларнинг дам олишини тўри ташкил этиш ҳақида катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу ишда ҳам ветеранлар хизматида актив фойдаланилмоқда. Улар турли тўғаракларга, клублар ишга жалб этилган. Тошкент меҳнатқашлари орасида Тўқимачилар маданият саройидаги ветеранлар хори катта суҳрат қозонган. Худди шундай хорлар Ўзбекистон Қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлор колбинати маданият саройида ҳам мавжуд. Қўндаги Пойабзал фабрикасининг маданият саройида эса пенсионерлардан иборат халқ чолуғаси асбоблари оркестри ишлаб турибди.

Ветеранларга, пенсионерларга маданий хизмат кўрсатиш борасидаги ишларни янада тақомиллаштириш лозим. Ўзбекистон касабаси союзулари республика Совети ишлаб чиққан тадбирларга биноан биз ветеранларни бундан буён ҳам кутубхоналар, халқ университетлари ишга кенг жалб этаверамиз.

Мамлакатимизда ветеранларга катта ғамхўрлик кўрсатилаётган бир пайтда, айрим коллективлардаги баъзи ходимларнинг ветеранларга нисбатан қўполлик ва эътиборсизликлари ҳам гоҳо-гоҳо урчаб қолади. Ветеранлар бундай ҳолдан ҳақли риважида ранжишмоқдалар. Бутун билими ва куч-қувватини Ватанимиз бахт-саодатига бахш этган ветеранларга иззат-иқром кўрсатиш, уларни қариган чоғида ғамхўрлик билан қўраш олиш меҳнат коллективларининг, касабаси союзи ташкилотларининг муҳим бурчидир. Бу ишда ҳаммиш ҳам маблағ сарфлаш талаб қилинавермайди. Тажрибали кекса ишчи ё мутахассисга унинг қўлидан келадиган ишни тақлиф этиш, унинг меҳнати салмоғини қайта қўриб чиқиш, уй-жой тақсимланаётганда, боғ участкаси ажратилаётганда, дам олиш уйларига путёвқалар берилаётганда, уларни унутмаслик айни муддаодир. Шу билан бирга ветеранларнинг доно маслаҳатлари ва тақлифларига диққат-эътибор билан қўлоқ солиш ҳам уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, деган гапдир.

«Хизматларига яраша кексалик гаштини сураётган кўпгина ветеранларнинг баҳоли қудрат меҳнат фаолиятини давом эттириш иштиёқини рўёбга чиқариш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиб бериш керак. Бу ўринда ҳурмутоманалик, диққат-эътибор, ветеранларнинг сиҳат-саломатлигига, уларнинг шахсий муддаоларига эҳтиёткорлик билан қўраш, уларнинг ҳар бирига ўз кучига яраша ва кўнгилга ёқадиган ишни топиб бериш жуда катта роль ўйнайди. Хуллас, ҳар қандай ҳолатда,— ветеранларнинг ўз меҳнати билан ҳисса қўйиши тўғрисида ёки уларнинг ижтимоий фаолияти ҳақида гап боришдан қатъий назар,— ветеранларга худди шундай муносабатда бўлмоқ лозим». КПСС Марказий Комитети касабаси союзи, совет, комсомол, жамоат ташкилотларини ишга худди шундай тарада ёндашишга даъват этади.



Сурхондарё областида йирми сув ҳўжалиги объектларидан бири — «Искра» насос станцияси ва шу номдаги канал қурилиши жадал сурыатларда давом этмоқда. Суратда: участка бошлиғи [чепда] Жамолддин Нуриддинов қурилиш илгорлари — Тоштемир Тожбоев ва Жуматурди Бердиев билан суҳбатлашаётир.

И. Хўжаев фотоси [ЎзТАГ]



Республикамиз пойтахти Тошкентда — В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройида Осиё ва Африка ёзувчилари VII конференциясининг очилиши: конференция президиуми.

Н. Шарипов фотоси

«ТОШКЕНТ РУҶИ» МАЗМУНИ—ТИНЧЛИК

Биз шунга асосланамизки, ҳолис ниятли кишиларнинг умумий куч-гайратлари билан тинчликни қаттиқ туриб сақлаб қолиш ва ҳозирги замон цивилизациясининг ресурсларини миллионлаб кишиларнинг энг муҳим эҳтиёжларини қондиришга, мустамлакачилик ўтмишининг шармандали оқибатларини тугатишга сарфлаш мумкин. Гражданик бурчи ёзувчидан мана шу юксак мақсадларни амалга ошириш учун курашда актив иштирок этишни талаб қилади. Аминманки, халқлар тинчлиги, тараққиёти билан мустақиллиги йўлидаги кураш масалалари сизларнинг конференциянгизнинг ҳам диққат марказида бўлади, сизларнинг ёзувчилик талантингиз бундан буён ҳам инсониятнинг олижаноб идеалларида хизмат қилаверади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюмчаси VII конференцияси қатнашчиларига табриқномасидан

Тинчлик, халқлар дўстлиги, инсонпарварлик идеалларини қадрлаб келаётган Осиё ва Африка адиблари шонли сана — икки қитъа ёзувчилари биринчи Тошкент анжуманининг 25 йиллигини нишонлаш, ҳозирги замон адабий жараёнининг энг муҳим муаммоларини биргаликда муҳокама қилиш, икки қитъа ёзувчилари ҳаракатини янада ривожлантириш мақсадида 26 сентябрь кунини пойтахтимиздаги В. И. Ленин номида СССР Халқлари дўстлиги саройига

йиғилдилар. Залда чет эллик ва совет таниқли адиблари билан биргаликда Тошкент меҳнат коллективларининг вакиллари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари бор эдилар.

Конференция ташкилот комитетининг раиси, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. М. Марков Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг VII конференциясини очди.

Икки қитъа адиблари биринчи Тошкент анжумани раиси Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Юрий Владимирович Андроповнинг икки қитъа ёзувчилар конференцияси иштирокчиларига йўллаган табриқномасини Ш. Р. Рашидов узоқ давом этган гулдурос қарсақлар остида йиғилиш аҳлига ўқиб эшиттирди.

Ш. Р. Рашидов ўз нутқида икки қитъа адибларининг биргаликда босиб ўтган шонли ўтмишига, уларнинг ижодий ютуқларига, ғоявий душманга қарши курашда эришган муваффақиятларига юксак баҳо берди, Тошкент руҳининг илҳомбахш самаралари борасида тўхталди:

«Чорак аср муқаддам вужудга келган Тошкент руҳи берақали самаралар берди. Бу руҳ тинчликка, халқлар ўртасида дўстлик ва бирделикка, мамлакатлар ҳамда қитъаларнинг озодлиги ва раванқи учун курашга даъват этуви, юксак пафос билан сугорилган ажойиб дил шеърларида ва поэмаларда, романлар ва ҳикояларда, пьесалар ва мақолаларда моддий ифодасини топди».

Нотиқ икки қитъа ёзувчиларининг бўлиб ўтган нуфузли конференциялари аҳамияти хусусида, миллий маданиятларнинг ўнлаб мусоффо чашмаси кенг ва ляммо-лим интернационал оқимга бишлашганлиги тўғрисида, Африка-Осиё адибларининг ижодий ва иқтисодий куч-гайратлари барча қитъалардаги халқ оммасининг революцион-демократик ҳамда миллий-

озодлик ҳаракати билан уйғунлашиб кетганлиги ҳақида батафсил сўзлади. Революцион кучларнинг муваффақиятларида ёзувчиларнинг бевосита ва билвосита ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаб, жумладан бундай деди:

«Биз Вьетнам халқининг америкалик агрессор устидан қозонган улufe ғалабасига ўз ёзувчилик ҳиссамизни қўшдик, деб, Ангола ва Мозамбикда, Эфиопия ва Кампучияда, Афғонистон ва Никарагуада халқ революцион кучларининг муваффақиятларига жуда бевосита дахлдормиз, деб ҳисоблашга ҳақлимиз. Кейинги йилларда Осиё, Африкадаги кўпгина мамлакатларда ва бошқа мамлакатларда рўй берган катта тарихий силжишларга нисбатан ҳам илгор адибларнинг масъулиятли миссияси худди шундай яққол кўриниб турибди...»

Бугунги кунда ҳам адиб қайси тилда ижод қилишидан қатъий назар, унинг учун, умуман Африка-Осиё ёзувчилари ҳаракати учун янги уруш оловини ёзувчиларни тўхтатиб қолишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Термоядро уруши хавфига қарши, халқларга шундай хавфини солаётган империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши муросасиз ва фидоикорона кураш — бу инсон тўғрисидаги, жонажон халқи тўғрисидаги ва бутун инсоният ҳақидаги фикр билан яшовчи ҳар қандай санъаткорнинг имкон бўлган бирдан-бир гражданик ва ижодий позицияси.

Бугунги кунда соф поэзия қобиғида биқиниб қолиш вақти эмас. Империализм ва ирқчиликка қарши кураш энг юқори нуқтага етди. Фаластинликлар билан Лианв ва танпарварларининг қони тўкилмоқда. Озодлик учун курашчилар — Жанубий Африка Республикасидаги апартеид қурбонлари халқ бўлмақдалар. Сальвадор ва Никарагуада шафқатсиз олишувлар тўхтамаяпти. Чад узра булутлар тобора қуоқлашмоқда.



чиларнинг бирлиги бутун бир ижтимоий ҳаракатга айланган, ана шу ёзувчилар мунтазам учрашувларининг шонли аънаси ажулда келган худди шу серқуёш, бахтиёр Ўзбекистон диёрида ўтмоқда.

Биз шунинг қувонч билан қайд этимизки, «Тошкент руҳи» — шоируна ўхшатишгина эмас, шу билан бирга мавжуд реаллик ҳамдир. Бу — тинчлик ва социал адолат ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган адабиётлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳидир. Бу — меҳмондўстлик ва сидқидиллик руҳи бўлиб, шу кунларда қадимий ва абадий навқирон Ўзбекистон диёри ва осмони шу руҳ билан сугорилгандир. Бундай муҳитни ажулда келтиришда эса сўзсиз атоқли ёзувчи ва жамоат арбоби, бундан чорак аср муқаддам худди шу ерда Тошкентда ҳаракатимиз тарихидаги биринчи конференцияни очган Шароф Рашидов бошчилигидаги ўзбекистонлик ўртоқларимиз алоҳида роль ўйнадилар.

Бизнинг йўлимиз Тошкентдан бошланган эди, биз яна Тошкентга қайтиб келдик. Босиб ўтилган йўлга назар ташлаш ва янги марраларни белгилаб олиш учун қайтиб келдик. Икки қитъа ёзувчилари ўзларининг адабиёт соҳасидаги проблемаларини ва ер юзида яшовчи барча кишиларни тўлқинлантираётган проблемаларни муҳокама қилиш учун йиғилдилар. Бизнинг йўлимиз Африка, Осиё ёзувчиларининг конференциялари ўтказилган Қоҳира, Байрут, Дехли, Олмаста, Луанда орқали ўтди, мана шу конференцияларнинг ҳар бири ижтимоий ва маданий воқеа, жаҳон халқларининг бирлик ва ҳамкорлик учун, озодлик ва миллий мустақиллик учун, осмон одамлар учун мусаффо, тинч бўлсин деб олиб борган курашига қўшилган катта ҳиссадир...

Совет Ёзувчилари давлатимизнинг изчил ташқи сиёсий йўлини сўзда ҳам, амалда ҳам ақдллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Бу ерга йиғилган кўпгина чет эллик ҳамкасбларимиз ҳам матбуот саҳифаларида, халқаро анжуманларнинг минбарларида туриб кескинликни юмшатиш, мамлакатлар ва халқлар ўртасида ҳамкорлик сиёсатини неча марта қўллаб-қувватлаб чиқдилар. Шу боисдан конференциянинг кун тартиби Африка, Осиё мамлакатлари жамоатчилигининг, бутун жаҳон прогрессив жамоатчилигининг асосий муддасини — халқлар тинчлик ва дўстлиги учун курашни кучайтириш, нафрат ва ҳарбий вассасани авж олдираётган империализм ва реакциянинг манфур кучларини тўхтатиб қолиш, инсониятни ядро уруши хавфидан ҳимоя қилиш, унинг бахт-саодати ва фаровонлигини таъминлаш муддасини шубҳасиз ақс эттиради.

Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмасининг Бош секретари Алекс Ла Гума минбарга чиқиб, уюшманинг ўтган даврдаги фаолиятини кенг шарҳлаб берди, бугунги халқаро аҳоли ва ёзувчиларнинг вазифалари тўғрисида фикр юритди. Ундан кейин сўзга чиққан Осиё ва Африка ёзувчилари ҳаракатининг ветеранларидан бири, покстонлик машҳур адиб, «Халқлар ўртасидаги тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти лауреати, «Лотос» журналининг бош муҳаррири Файз Аҳмад Файз ҳам муҳим масалалар устида тўхтади. Йиғилиш пировардида шەърдан ўқилди, тарих учун одамларга олов келтирган Прометей сингари иш кўрсатаётган ёзувчиларнинг юксак вазифасини ақс эттирувчи мисралар минбардан янгради.

Конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, В. К. Михайлов, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, КПСС Марказий Комитети Маданият бўлими мудирининг ўринбосари А. А. Беллев, авторлик ҳуқуқлари Бутуниттифоқ агентлиги правлениесининг раиси К. М. Долгов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси ўринбосари Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Х. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, В. Г. Духанин, Б. Р. Раҳимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, таниқли маданият арбоблари, Ўзбекистон пойтахти жамоатчилигининг намоёндалари ҳозир бўлдилар. В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройида МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХРП Марказий Комитетининг секретари, Монгол — Совет дўстлиги жамияти Марказий кенгашининг раиси Дамдингийн Гомбожав бошчилигида Ўзбекистон ССРда МХР кунларида қатнашаётган Монғолия делегациясининг аъзолари, Совет — Монгол дўстлиги жамияти правлениесининг раиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. В. Горбатко бор эди.

Конференция қатнашчилари учун санъат усталари концерт кўйиб бердилар.

Осиё ва Африка мамлакатлари Ёзувчилари уюшмасининг VII конференцияси Тошкентда ўз ишини 2 сентябрга қадар давом эттирди. Бу нуфузли анжуман иштирокчилари республикамиз ҳаёти, жумладан, Самарқанд, Фарғона, Урганч, Хива шаҳарлари турмуши билан танишдилар, саноат ва қишлоқ ҳўжалик меҳнатқашлари билан учрашдилар.

Ёзувчининг ўрни жанг қилаётган халқнинг сафларидадир. Унинг эҳтиросли сўзи миллий-озодлик ва тикланиш ишига ошқора ва ҳалол хизмат қилиши керак.

Бизнинг конференциямиз — юбилей конференциясидир, деди СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. М. Марков ўз сўзида. — У адибларнинг 1958 йил кузида бўлиб ўтган биринчи мўтабар учрашувидан кейин йигирма беш йилдан сўнг ўтказилмоқда. Конференция кўни кеча ўзининг икки минг йиллигини нишонлаган худди шу қаҳрамонна Тошкент шаҳрида, Осиё ва Африка илғор ёзув-



Шароф РАШИДОВ, Файз Аҳмад ФАЙЗ, Чингиз АЙТМАТОВ.

Сердеш республикамиз пойтахти дунё эътиборидаги муҳим марказлардан бирига айланиб қолди. Ҳақли равишда унга «Тошкент — халқро анжуманлар, фестиваллар ва кенгашлар шаҳри», «Тошкент — жаҳон халқларининг тинчлик ва тараққиёт минбари» деган таърифлар берилди. Дарҳақиқат, Тошкент руҳи — жаҳон шукӯҳи бўлиб, бутун дунё халқларига тинчлик нафаси уфурди. Бу руҳ анжумандан анжуманга ўтаётди. Шу йил сентябрь ойининг ўзигагина Тошкентда ўтказилган халқро тадбирлар силсиласи фикриализининг ҳаққоний тасдиғидир. Тошкентнинг 2000 йиллик улкан тўйи арафасида қатор халқро анжуманлар ташкил этилди. Юзлаб мамлакатлардан меҳмонлар келди.

4 сентябрь куни Ҳамза номидаги республика Давлат академик драма театри биносидан очилган Ўзбекистонда Япония кунлари 5 кун давом этди. 8 сентябрь куни кечқурун «Баҳор» концерт залида бўлиб ўтган ёпилиш мажлисидан Ўзбекистонда Япония кунларига яқун ясалди.

5 сентябрь куни Тошкентда ЮНЕСКО Коммуникацияни ривожлантириш халқро программаси Ҳукуматлараро кенгашининг IV сессияси ўз ишини бошлади. Сессияни кенгаш раиси вазифасини бажарувчи мексикалик Луис Вильоро Торансо очди. Сессияда ўртоқ Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. Олти кун давом этган бу сессияда комиссиялар қатор муҳим тадбирларни кўриб чиқдилар.

Кенгашга аъзо бўлган 35 давлат делегациялари ҳамда кўнгина мамлакатлар ва халқро ташкилотлардан келган кузатувчилар сессияга тақдим этилган регионал ҳамда миллий лойиҳаларни муҳокама қилдилар ва маъқулладилар. Бу лойиҳаларда Осиё, Африка, Латин Аме-

ХАЛҚЛАР МИНБАРИ

рикаси мамлакатларида коммуникация воситаларини ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш кўзда тутилган.

Республикамиз пойтахтининг шонли юбилей кунлари «Тошкентнинг олтин кузи» Иккинчи Бутуниттифоқ санъат фестивали бутун серқуёш ўлка бўйлаб янгради. Тошкентга ташриф буюрган бадий коллективлар ва санъаткорлар репертуарида ижро этилган асарлар жонажон Ватанимизни, партиямизни, совет халқлари ўртасидаги беғубор дўстликни, бунёдкор меҳнатни, соф севги-муҳаббатни, бутун инсоният бахт-саодати ва тинчлигини тараннум этди.

22 сентябрь куни Монголия Халқ Республикаси кунлари иштирокчиларини Тошкент меҳнаткашлари қизгин ва самимий кутиб олдилар. Ўзбекистонда Монголия Халқ Республикаси кунлари программасига мувофиқ меҳмонларнинг саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари билан учрашувлари, Совет-Монголия дўстлиги митинглари, тасвирий санъат ҳамда амалий санъат кўргазмалари, фотокўргазмалар ўтказилди. Монгол фильмлари кинофестивали ҳам бўлди. Монголиянинг «Баян-Монгол» ансамбли артистлари пойтахтимиз санъат мух-

лисларига ўзларининг юксак ижрочилик маҳоратларини намойиш этдилар. Монголиялик меҳмонлар республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Навоий сингари йирик шаҳарларида ва Қорақалпоғистон меҳнаткашлари хузурида ҳам бўлдилар.

27 сентябрь куни пойтахтимизда Савдо-сотикда банд бўлган меҳнаткаш хотин-қизларнинг II халқро конференцияси очилди. Конференция қатнашчилари — 55 мамлакат ва 9 халқро ҳамда регионал ташкилотларнинг вакиллари савдо ходимларининг жамияти, меҳнат ва касба союзлардаги аҳволи, уларнинг ўз мамлакатлари ижтимоий ҳаёти ва иқтисодий тараққиётга, тинчлик учун курашга қўшаётган ҳиссалари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Конференция бир неча кун давом этди.

28 сентябрда эса Тошкентда Полимер композицион материаллар ва уларнинг халқ хўжалигида ишлатилиши муаммоларига бағишланган Бутуниттифоқ конференцияси иш бошланди.

Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ ва халқро миқёсдаги тадбирларга Самарқандда шу йил 8 сентябрь куни иш бошлаган «Яқин ва Урта Шарқ халқлари музика мада-

нияларининг аъёнлари ва ҳозирги замон» мавзусидаги Иккинчи Халқро музикашунослик симпозиуми ҳамоҳанг жаранглади. Бу улкан анжуман бир ҳафта давом этди. Симпозиумда қатор илмий масалалардан ташқари Шарқ музика маданиятини комплекс ўрганишдан иборат илмий масалалар ҳам кўтарилди. Библиографик ва нота кўрсаткичларини тузиш, Шарқ музикаси энциклопедиясини яратиш ҳақида тақлидлар киритилди.

Халқро музика анжумани ишининг сўнгги кунда ЮНЕСКО Халқро музика кенгашининг Бош секретари Владимир Штепанек, ЮНЕСКО аъёнани музика халқро кенгашининг президенти Эрих Штокман, ЮНЕСКО аъёнани музика халқро кенгашининг вице-президенти Салон ал Маҳди нутқ сўзладилар.


Самарқанд симпозиумининг қатнашчилари планета созандаларига мурожаатнома қабул қилдилар. Унда Ер юзиде тинчликни ҳимоя қилиш юзасидан тараққиёларваар жамоатчилигининг кенг ҳаракати қўллаб-қувватланиши изҳор этилган. Жумладан, Мурожаатномада шундай дейилади:

«Биз, энг тинч касблардан бирининг вакиллари бўлишиш музикачилар миллитаризм ва агрессияни қатъиян қоралашиш, тараққиёларваар жамоатчилигининг ер юзиде тинчликни ҳимоя этиш йўлидаги кенг ҳаракатини қўллаб-қувватлашни ўз бурчимиз, деб ҳисоблаймиш».

Республикамиз пойтахтида ўтказилган халқро миқёсдаги муҳим тадбирлар, йигилишлар, конференциялар, анжуманлар мазмунини Тошкент руҳи — бутун дунё халқларига бахт-саодат нафасини уфуровчи тинчлик ва тараққиёт мудоаси ташкил этди.

Георгий МАРКОВ,
Сервар АЗИМОВ





Ироқ шоирларидан [чапдан] ал-ДЕЛОЙМИ, Муҳаммад Меҳди ал-ЖАВО-ХИРИЙ, ливанлик шоирлардан Хусайн МУРУВВА ва Ҳабиб СОДИҚ Самарқанд таассуротларини ўртоқлашмоқдалар.

Н. Шарипов фотолари

Осиё ва Африка Ёзувчилари уюшмасининг шу йил сентябрь-октябрь ойларида Тошкентда бўлиб ўтган VII конференциясида Жанубий Африканинг йирик ёзувчиси ва жамоат арбоби Алекс Ла Гума яна қайтадан шу ташкилотнинг бош секретари қилиб сайланди. Алекс Ла Гума — тинчлик учун ва ядро ҳалокатига қарши ҳаракатнинг толмас курашчиси. «Биз, ёзувчилар, бу кутлуг ҳаракатда ўзимизнинг граждонлик ва ижодий бурчимизни кўра-миз», деди у Тошкент анжуманининг очилиш маросимида.

Ла Гума 1925 йилда Кейптаун шаҳридаги «рангли» кварталлардан бирида туғилди. Унинг отаси Жими Ла Гума — Жанубий Африка компартиясининг асосчиларидан биридир. Алекс Ла Гума таржимаи ҳолидаги қуйидаги воқеа диққатга сазовордир: 1927 йили икки яшар бо-ла отаси билан Москвага келади ва Октябрь революциясининг 10 йил-лиги байрамида қатнашади.

Алекс Ла Гума жуда ёшлигидан озошлик учун курашга қўшилди. Ун етти ёшида Коммунистик ёшлар ташкилотига, кейин эса Жанубий Африка компартиясига аъзо бўлди. Унинг дастлабки адабий таърибалари — ғазабкор мақолалари прогрессив матбуот органларида бо-силади. Ирқчилик режими Ла Гума-ни таъқиб остига олади, ҳаммаси бўлиб у ўзининг 11 йиллик умрини Жанубий Африка республикасининг зиндонларида ўтказди. Алекс Ла Гуманинг она тилида унинг китоб-ларини ўқиш қаттиқ таъқиқланади.

1966 йили — курашчи ёзувчи ни-ҳоятда қийин аҳволга тушиб қолган бир пайтда Африка Миллий кон-грессининг қарорига биноан у Жа-нубий Африка республикасини тарк этди. Дастлаб, Лондонда яшади, сўнгра Кубага ўтди.

Қалам унинг асосий кураш қуро-лига айланди. Жирқанч ирқчилик то-монидан эзилган ва ҳўранган ки-шилар — Ла Гума романлари, қис-салари ва ҳикояларининг қаҳрамон-ларидир. Унинг асарлари — «Тунд-зи саргардонлик», «Уч марта эшил-ган ип», «Тош мамлакат», «Қарқу-ноқлар фасли» ва бошқалар муал-



лифга жаҳоний шўҳрат келтирди, Совет Иттифоқида ва бошқа соци-алистик мамлакатларда миллионлаб тиражда нашр этилди. У халқро адабий мукофот — «Нилуфар»нинг дастлабки лауреатларидан биридир. Бу мукофот унга Осиё ва Африка ёзувчилари IV конференцияси пай-тида, Деҳли шаҳрида топширилган.

Алекс Ла Гума — Осиё ва Афри-ка Ёзувчилари уюшмасининг ҳамда Осиё ва Африка халқлари Бирдам-лик ташкилотининг ветеранидир. Ёзувчилик бурчи ҳамisha ижтимоий адолат учун курашнинг олдинги сафларида бўлишни тақозо этади. Шу боисдан у сўнгги йилларда Яқин Шарқда, Анголада, Чилида қизгин воқеалар содир бўлаётган жойларда юрди. Адиб ўзининг бор куч-ғайра-тини барча меҳнаткашларнинг озо-длиги ва тейлиги ғўзларининг рўёб-га чиқиши учун курашга бағишла-гандир.



Конференция иштирокчилари Самарқанда.



Ҳиндистонлик болалар шоири [ундан] Гита БАПЕРЖИ ва Камла Прасод ПАНДЕ Самарқанднинг қадимий ёдгорликлари билан танишмоқдалар.

Ашқарида тизза бўлиб, ичкарида эса саратон нафаси уфурди. Ташқарида одамлар иссиқ кийимларга ўралиб олишган, ичкарида эса кўйлакчан йигит-қизлар маржон-маржон пешона терларини сидириб, қатор оралайдилар...

Эндликда бундай манзаралар одатий бол. Куз қирови ерларни қопласи билан деҳқончилик ишларининг катта қисми ойнаванд «далаларга кўчирилади. Деҳқонларнинг бугунги юмуши ўн беш-йигирма йил илгариги ишдан фарқ қилади. У вақтларда қиш тушиши билан баҳоргача «бекорчилик» бошланар эди. Қишлоқ хўжалигини саноат асосида ривожлантиришга ўтилгандан бери, колхозчилар таъбири билан айтганда, «колхоз ичида колхоз» пайдо бўлди. Яъни шаҳар атрофидаги кўпгина колхоз-совхозларда теплица хўжалиги йўлга қўйилди. Уларнинг экин майдони ўн-ўн беш гектар бўлса ҳам, олинмаган даромад 800-900 минг, ҳатто миллион сўмдан ҳам юқори бўлмоқда. Шаҳар атроф хўжаликлари ана шу муҳим соҳага алоҳида эътибор бера бошлаганикларидан бери, биринчидан, хўжаликлар даромади ошмоқда, иккинчидан, шаҳарларнинг аҳолиси кеч қуз, қиш, эрта таҳорат кезларида ҳам турли सबзот маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминланадиган бўлиб қолдилар.

Қиш чилласи айна авжига чиққан кезларда тўй, меҳмондорчилик дастурхонларини «эз нэммати» — нуқрадек помидор, дала ҳида анқир турган кўм-кўк бодринг, турли резвор кўкатлар, барра пивэ, ҳозиргина теплицадан узиб келинган анвоий гул дасталари безамокда.

Йилнинг ҳамма фаслида теплица хўжалигини йўлга қўйишда ташаббускор бўлган Тошкент области, Калинин райони деҳқонларининг меҳнати, ният-мақсадлари ҳақида сўз юритиш гоят мароқлидир. Район далалари, боғлари, «ойнаванд пайкаллари» пойтахтимизнинг олимпиа райони билан туташиб кетган. Шу жиҳатдан ҳам пойтахт аҳолисини ҳаммиса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўйишни улар ўзларининг олий бурчилари деб биладилар.

Район партия ва совет ташкилотлари СССРнинг Озиқ-овқат программасини моддаме-модала бажариш, маҳсулот миқдорини йил сайин ошириб бориш, сифати харидорлар диди даражасида бўлиши зарурлигига сабаботвор ва боғдон, чорвадор ва теплица ҳодимларини сарфбар этмоқдалар. Шунинг учун ҳам улар ўз вазибаларига масъулиятини тўла ҳис этган ҳолда қараб, уни сидқидилдан бажармоқдалар.

Дала ва боғларда ер унумдорлигини ошириш соҳасида рақамлар суръати дилин қувонтиради. Чунончи, 1982 йилда 130 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 16 минг 500 тонна картошка, 17 минг тоннадан зиёд мева-узум топширилди. Буларни бунёд этиш учун қиш чилласининг аччиқ соғуғи, куз изғиринининг ноҳуш нафаси, саратоннинг жазирамасига деҳқон кўксини қалқон қилди, экинини, ток ва мева дарахтини асраб-авайлаб ўстирди.

Утган йилнинг декабрь ойи эди. Директор Тожиҳон Мелибоева безовта ҳолатда теплица томон шошиларди. Газ оқими камайиб, теплица совий бошлаган эди. Мурғак кўчатларни сақлаб қолиш керак, Директор мутасадди ташкилотларга телефон қоқди, райкомнинг биринчи секретари Раҳматали Қамбаровни хабардор этди. Натيجани кутмай, директор теплица ойналарининг ён томонидан полиэтилен пленкалари ўраб чиқисини топширди. Бунинг икки жиҳатдан ердани теғар эди. Биринчидан, ичкаридаги иссиқликни ташқарига чиқармайди, иккинчидан, қуёш кўтарилиши билан ўзи иссиқлик йиғади.

Тун ярмигача теплицада ўш қизгин давом этди. Райком секретари хабар олиб турди. Тонга яқин газ оқими асл ҳолига қайтди. Одамлар юзига табас-сум югурди.

— Меҳнатимиз оғирлигини лисанда қилмоқчи эмасан,— дейди Тожиҳон Мелибоева,— аммо деҳқончиликдаги шунақа воқеалар баъзан бизни синовдан ўтказиб туради. Бир йили баҳорда, айна карамларга ёлғир зарур бўлган кезларда қани хаводан бир томчи нам келса. Йўқ. Карам шунақа экинни, тепадан нам тушмаса, барглари қовушмай, ҳосил ўрамай қолади. Сунзий ёлғир ёғдиришни йўлга қўйди. Бугунги кунда шу ва шунга ўхшаш барча техника имкониятлари деҳқоннинг изида.

Районда ҳамма соҳаларда ўсиш, ривожланиш берқарор бўлиб бораётди. Буларга ердан унумли ва оқилона фойдаланиш, ички имкониятларни қидириб топиб тўла ишга солиш, ўрта бўгин каврларини жой-жойига қўйиш, илгор ташқибаларини кенг қўланиш, социалистик муносаба шартларининг бажарилиши устидан изчиллик билан назорат олиб бориш туфайли эришилмоқда.

Баҳор, ёз, қуш фаслида район хўжаликлари далаларида ажойиб манзарога дуч келасиз. Пайкаллар бекасмадан тўн қилган пахлавоини эслатади. Катта бетида оқ-кўларанг карам, унинг анида қизил ошлавлуғи, ундан нарироқда картошка, анави томонда кумуш тусда пивэ, кунчиқар ақда тилларанг гуллари кулб турган полилар, ҳаққидан исирға такен клубнайзорлар ястаниб ётган бўлади. Сабзавоткор деҳқон, агар таъбир жойиб бўлса, заргарга ўхшайди. У бир йўла бир неча ил ишини бажаради. Картошка топқиқа келса, шошилиш зарур, сабзи-пивэ ўтоғи вақтида ўтказилмаса, ўт эзиб қўяди, сув-

ЙИЛНИНГ ҲАММА ФАСЛИДА

дан чиққан помидорни об-тобида культивация қилиш керак. Нариги пайкалда қовун-тарвуз паланини тарош зарур. Донга экинган жўҳорини бугун-эрта гарамаса бўлмайди...

«Москва» колхозининг раиси Набижон Саидов дала оралаб юрибди. «Шаҳарлик биродарларга эрта-роқ етказиб берайлик», деб эртанги редиска уруғи сепилган эди. Битта-иккита уруғ кўкариб барг чиқара бошлагандан, совуқ забтига олиб, тонга боргандан қалин қиров тушди. Совуқ кучини кўрсатиб, юзага чиққан кўчатларни қожиратиб кетган эди. Шошилиш чора қўрилди. Редиска майдонига қалин қилиб чирган нури сепиб чиқилди.

— Утган йили эрта баҳор кезлари эди,— деб ҳикоя қилади Набижон Саидов.— Колхозимизга қўшини бўлган Фарҳод бозорига бориб қолдим. Гап келиб қолди, айтмай ўтолмайман. Менимча, колхоз-совхозларнинг раҳбарлари шаҳримиздаги бозорларга, бизнинг маҳсулотимизни олиб бориб сотувчи савдо дўконлари вақти-вақти билан бориб туришлари зарур. Шунда бозорга тушган харидорларнинг фикр-мулоҳазалари, талаб-эҳтижларини яхшироқ билиб оласиз. Баъзан дўкондаги маҳсулотдан юз ўғириб, кимингдир шаънига нордон гап айтганда харидорини унратасиз. Утган кунни сизнинг кўз олднгизда саралаб терилган помидор ёки бодринг, селкиллаб турган кўк пивэ ёки узингизда шарбати томган мева бу ерда айнаиб ётганигини кўрасиз. Албатта, буни харидор олмайд-да.

Илгари — Улуғ Ватан урушидан бурун, ундан ке-

Озиқ-овқат программаси амалда

йинги йилларда ҳам Тошкент атроф колхозларининг шаҳарда сабзавот дўконлари бўларди. Ана шу дўконларга сарва, харидор дидига мос маҳсулотлар юбориш зоясидан хўжаликлар ўртасида муносаба уюштирилди. Қайси колхоз сифатли маҳсулот юборса, ана ушанинг дўконлари олди доим гавжум бўлар, ўша хўжалик халқнинг миннатдорчилигини олар эди. Район, областда бўладиган мажлисларда хўжаликлар ишига ана шу дўконлардаги савдо-сотик ишларининг ривож, халқ талабини қай даражада қондирилаётганига қараб баҳо берилар эди. Колхоз дўконларини ана тиклаш вақти келмаганиман! Дарвоқе, маҳсулотни, айниқса резвор экинлар ҳосилрини эрта муддатларда етиштириш ҳақида ҳам гапирмоқчи эдим. Шу денг, бозорда юрсам, бир киши йигирма-ўттиз боғлам редиска сотаяпти. Одамлар олаятти. Нархини сўрадим, борм бармоқдек боғлами элик тийин экан. Урта ўшли киши икки боғ олиб: «Қани энди колхозлар ҳам шунақа эрта чиқарса, бунақаларнинг бозори касод бўларди», деди. Бу гап мена қаттиқ таъсир қилди. Талаб жуда тўғри эди. Ҳозирги пайта сабзавоткор колхозларда мўл ва эрта маҳсулот етиштириш учун барча имконият бор-ку, ахир!

Ривс бу масалга алоҳида эътибор бериш зарурлигини англаб, уни колхоз правлинеси муҳожамасига қўйди. Колхоз шаҳарга қўшини бўлганлигидан теплица хўжалигини ривожлантириш мақсадага мувофиқ деб топилди. Балки, кўп фурсат ўтмай, йилнинг ҳамма фаслида резвор экинлар, помидор, бодринг, лимон ва бошқа маҳсулотлар мўл-кўл бўлишига эришилди. Шаҳарлик биродарлар маҳсулотини бағри саҳий деҳқонлар дўконидан арзон нарҳда сотиб оладиган бўладилар.

Район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Раҳматали Қамбаров СССР Озиқ-овқат программасини бажариш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар, яқин йилларга белгиланган вазибалар хусусида сўзлаб, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сабзавотчилик, картошка, чорвачилик, узум ва боғ-

дорчиликка ихтисослаштирилган бизнинг районимиз меҳнаткашлари олдига маҳсулот етиштиришни йил сайин ошириш, унинг юқори сифатли бўлишини таъминлаш вазифасини қўйган. Бу топшириқни бажариш — районимиз меҳнаткашларининг шарафли бурчи. Топшириқ қандай бажарилмаётганини қуйдаги рақамлар аққол намоён қила олади: 1983 йилда зиммаимизга олганимиздек, давлатга 135 минг тонна сабзавот, 20 минг тонна картошка, 20 минг тонна мева-узум, 3 минг тонна қовун-тарвуз, 10 минг тонна гўшт, 15 минг 100 тонна сут, 75 миллион донга тухум, минг тонна балиқ ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бердик.

Ана шу улғувор вазибаларнинг шараф билан бажарилишига «Москва», Калинин номили, Куйбишев номили колхозлар, «Партия XXI съезди», «Қорасу», «Москва», «Назарбек» совхозлари ва бошқа қатор хўжаликлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. «Москва» колхозининг Сиддик Маҳмудов бошлиқ бригадаси гектаридан 506 центнердан сабзавот, Калинин номили колхозининг СССР Давлат мукофоти лауреати Солиҳ Каримов бошлиқ бригадаси 300 центнердан картошка етиштиришга муваффақ бўлдилар.

Колхоз ва совхозларда кечки картошка майдонларини кенгайтириш район партия, совет ташкилотларининг диққат марказида турибди. Бу йил шу мақсадда 500 гектардан кўпроқ ерга кечки картошка экилди.

Теплица майдонларини йил сайин кенгайтириш, ҳосилдорликни қўлгайтириш эш муҳим вазифа қилиб қўйилган. 8—10 йил илгари районда теплица майдони 17 гектар эди, ҳозир 35 гектарга қишлоқлаш қолди. Ҳар квадрат-метрдан олинмадиган ҳосил сўнгги йилларда 1,5—2 баробар оширилди. Бу соҳа тобора кенгайиб бормоқда.

Районда чорвачиликнинг ривожига ҳам алоҳида эътибор берилаётди. Колхозлар ва совхозлар ҳар беш сигардан 4 минг 200 килограммдан сут соғиб олиб, гўштга топширилаётган қорамолларнинг 550 килограмм, хўйларнинг 60 килограмм тош босишига эришмоқдалар. Бу соҳада пешқадим хўжаликлар, кесбиға меҳр қўйган чорвадорлар намуна кўрсатаётдилар.

Лекин бундай муваффақиятларга мустаҳкам ам-хашак базаси яратмай экинлари майдони бултурғига қараганда бирмунча кенгайтирилди ва гектаридан пландаги 60 центнер ўрнига 85 центнердан максажўхори дони олинди. «Назарбек» совхозидан Тўйчи Арслонов, «Москва» колхозидан Абдурахмонов Раҳимовлар бригадаси 122—132 центнердан дон олдилар. Молларни йилнинг ҳамма фаслида ширали, тўйимли озуқа билан боқишда оралиқ экинлари майдонининг кенгайтирилаётгани гоят қўл келмоқда. Давлатга топширилаётган мол юқори сезимликда бўлаётгани, пландан ташқари гўшт етказиб берилгани учун хўжаликлар 3 миллион сўм қўшимча пул олдлар.

Партияимиз Озиқ-овқат программасининг тўла-тўқис бажарилишига муносиб ҳисса қўйиш мақсадида райондаги йирик саноат, транспорт, қурилиш ташкилотлари қарамағандида 35 та, колхоз ва совхозлар далачилик бригадаларида 139 та ердამчи чорвачилик хўжаликлари ташкил этилган. Ҳозирги пайта уларда 2 минг 370 беш қорамол, 2 минг 850 беш қўчка, 2 минг 120 беш қўй ва 25 минг беш парранда парвари қилинаётди. Ердამчи хўжаликларини янада кенгайтириш тадбирлари амалга оширилаётди. Фақат район мелбуот жамияти ихтиёрида 2 минг беш қорамол, 5 минг беш қўчка, 5 минг беш қўй ва 100 минг фозга мўлжалланган комплекслар барпо этиш ниҳоясига етай деб қолди. Шу беш йиллик охирига бориб, бу ерда 2,5—3 минг тонна гўшт етиштирила-диган бўлади.

Калинин райони меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилдиникин охирига бориб, ҳозирги мавжуд ер майдонларидан асосан ҳосилдорликни ошириш, такрорий экинлар экишга алоҳида эътибор берган ҳолда, 150 минг тонна сабзавот, 25 минг тонна картошка, 25 минг тонна мева-узум, 14 минг тонна гўшт, 20 минг тонна сут, 100 миллион донга тухум ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштирадилар.

ТОНГ БИЛАН ҲАМНАФАС



БЕШ ЙИЛПИК
РЕЖАЛАРИ АМАЛДА

Ч

УЛПОН юлдуз тўлин ой ёнида ял-ял ёнади. Манзура Мухиддиновани худди ўша юлдузга ўхшатгим, уни гигант корхона — Андижон Ип-газлама комбинати 8 минг кишилик коллективининг чўлпон юлдузи, деб атагим келади. У — бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш ташаббуси билан чиққан республика илгор ишчиларининг бири. Бу илгор ишчиларнинг бир куни икки кунга, бир ҳафтаси икки ҳафтага, бир ойи эса икки ойга, бир йили икки йилга тенгдир. Бу бир беш йилликда икки беш йиллик деган гап!

Манзурада тўқувчилик касбига меҳр ўз-ўзидан туғилгани йўқ. У мактабда ўқиб юрган кезларида ивановолик машҳур тўқувчи Зоя Пухованинг, Тошкент Тўқимачилик комбинатидан Жўраева, Қулматова, Казанцеваларнинг номларини тез-тез эшитарди. Улар ҳақида телефильмлар ҳам кўрган. Уша зинтиган — Зоя Пухова Иваново Тўқимачилик комбинатига директор бўлди. Дилбар Қулматова депутат бўлиб сайланди. Авл ишчиларнинг бундай шухратга эга бўлиши Манзура Мухиддинованинг ёш қалбини тўлқинлантирди. Манзура ҳам дастгоҳ ёнида туриб ишлашни, ишчи деган шарафли номга муносиб бўлишни орау қиларди.

У ўрта мактабни тамомлаб, 217-техника билим юртига ўқишга кирди. Хунар ўрганди. Билим юртида ўқиб юрган кезларида унинг ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди, у КПСС аъзолигига қабул қилинди. Манзурадаги коммунистга хос принципиаллик, бурчни англаш комбинат партия ташкилотни диққатини ўзинга тортди. Уни комбинат партия комитети аъзолигига сайладилар.

Манзура Мухиддинова ишлайдиган йигирув цехида Назокат Қўзибоева, Гулбахор Отахўжаева, Светлана Ким каби коммунист ишчилар ҳамisha ибрат кўрсатадилар. Иш вақтининг ҳар бир дақиқаси улар учун қимматли. Бир минут ҳам бу илгор ишчиларнинг ҳисобида туради.

Йигирув цехи партия ташкилоти иш вақтидан фойдаланиш масаласини муттасил эйтиборда тутлади.

Манзура баъзан плани бажармайдиганлар ҳақида ўйлаб кетади. Илгерилари аравачалар етишмасди, ғалтақлар кәмчил эди. Мана ҳозир ҳамма нарса етарли — аравачалар ҳам, ғалтақлар ҳам. Энди плани бажармасликка нимани ваз-кәрсон қилиб кўр-

сатишни билишмайди... Партия йиғилишларининг бирида сўзга чиққан нотиқлардан бири шундай деди: — Ишга вақтида келамиз, вақтида кетамиз, план нега бажарилмайди, ҳайронман...

«Ҳайронликнинг сабабини Манзура биларди.

— Тўғри,— деди у вазилик билан,— ишга ҳаммамиз ҳам вақтида келамиз, ишдан вақтида кетамиз. Лекин иш вақтидан унумли фойдаланмаймиз. «Интизом-интизом...» деймиш, дастгоҳ ёнида зийраклик билан ишлаш ҳақида, топшириқни бажариш масъулияти ҳақида етарли даражада қайғурмаймиз. Масъулият, меҳнатга эътиқод, қаноат деган нарсалар ҳам бор. Айрим ёшларимизда сабр-тоқат йўқ. Аммо уларни тўғри йўлдан етаклаб кетишимиз, меҳрибонлик қилишимиз керак.— Манзура бир зумгина ўйла-ниб қолди. Сўнг сўзида давом этди.— Ҳаммаларингизга маълум: мөн уч дастгоҳни бошқараман. Бутун иш вақтингиз давомида иш жойимдан жилмайман. Шунда баъзилар ёнимга келиб, томоша қилиб туришди: «Манзура опа, сизга ҳавасимиз келади, дастгоҳингиз сира бузилмайдими», дейишди. Цех-ма-цех «гап сотиб» юрадиган дўстларимизга: «Бундай одатларга барҳам беришингиз лайим келди», деб қатъий айтишимиз керак.

Манзура жуда кўп марта кузатган: рўпарасига келиб, кўлини белига тираб турадиган ҳаммаси дастгоҳида баъзан қизил чироқ ёниб турган бўлади. Демак, унинг камераси тозалаб артилмаган, смөна бошлангичдан олдин яхши соланмаган.

Асл ишчи бундай камчилик билан сира келиша олмайди, албатта, қоқоқликка барҳам бериш йўллари-ни кидиради. Манзура ҳам шундай.

Комбинатда иш икки смөнада ташкил этилган. Биринчи смөна эрталаб соат еттида бошланади. Манзура эса соат олти яримда иш жойида бўлади. Етти-гача ўзи бошқарадиган йигирув дастгоҳларини кўздан кечиради. Қайта тозалайди, созлайди. Аммо унинг кунгли ҳамisha бир нарса хусусида хижил бўлади: йигирув цехига чиқариладиган ленталар керагидан ортиқ даражада қуруқ. Бу ҳол ипнинг кўп узиллишига сабаб бўлаётди. Оқибатда, яроқсиз маҳ-сулотларни ишлаб чиқаришга йўл қўйилмоқда.

Аммо, новатор ишчи ана шу камчиликка чек қўйиш йўлини ҳам топди: у машинага чанг кўнмаслиги учун атрофга сув сепиб туради. Шунда намлик бир оз сақланади. Баъзи йигирувчилар эса бундай қи-лишмайди, эринишди. Лентанинг қуриб кетишига

сабаб толини тараш цехида вентиляциянинг яхши иш-ламаслиги эди. Ленталарнинг меъьеридан ингичка чи-қарилиши ҳам ишга путур етказди.

Манзура бу ҳақидаги фикрларини комбинат партия ташкилотининг секретари Тожихон Эргашевга айт-ди. Худди шу масала партбюро мажлиси кун тар-тибига қўйилди. Ишда маълум ўзгариш рўй берди.

Шундай: Манзура ҳамisha ҳаёт билан ҳамқадам бўлишга интилади. Бинобарин, у бутун мамлакате-миз меҳнатқашлари каби, КПСС Марказий Комите-тининг Ноябрь (1982 йил), Июнь (1983 йил) пленуми қарорларини баланд руҳ билан кутиб олди.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар кў-нимсизлигига барҳам бериш учун тадбирлар белги-ланди. Цех иши олга силжиди. Прогулчилар кескин кәмайди. Ой сайин ишлаб чиқаришда яхши кўрсат-кичларга эришилди, меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ортди.

Бироқ Манзура кўп ўйлайди. Цехда бўш турган дастгоҳлар бор. Нега шундай? Бу савол унга тинчлик бермайди. Хунар-техника билим юртидан келган ёш-ларнинг баъзилари ишдан кетиб қолмоқдалар.

Уларни олиб қолиш йўллариини топиш керак. Ёш-ларга тўғри йўл кўрсатиш керак, меҳрибонлик қи-лиш, оилавий шароитларини ҳисобга олиш зарур! Устод, шоғирд муносабатларини янада мустаҳкам-лаш керак. Шу нуқтага назардан КПСС Марказий Комитетининг бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг ветеранлар билан учрашуви гоат ибратли воқеа бўлди.

Билим юртида бирга ўқиган Раҳима Усмонова, Матлуба Ҳамроева, Гулхумор Иброҳимова, Мухаббат Расулова, Ҳаётхон Умирзоқова каби талайгина дугона-лари шу комбинатда бирга ишлашади. Ҳаётхон ком-бинатда кўнмайди қолди. Манзура тавишига тушди. Ҳаётхонни суриштириб топди.

— Ишдан бўшаганим,— деди Ҳаётхон хўрсиниб.

— Нега бўшадинг, нима гап ўзи?— деб сўради Манзура.

— Цех бошлиғи билан...

Манзура тушундди. Ҳаётхон интизомсизлик қилган. Плани бажармаган. «Аризасига мувофиқ» бўшатил-ган. «Йўқ, уни ишга қайтариш керак», деб ўйларди Манзура. Дугонасига:

— Ишга қайт, бахтингни ўша ерда топсан. Узим ҳам ердамлашаман сенга,— деди у.

Ҳаётхон хижолат тортиди, ерга қаради. Нимадир демоқчи бўлди, дейлмади. У машинасозлик заводи-да ишлаётганини, лекин комбинатдан кўнгул узол-маётганини айтолмади.

— Қийинчиликларни биргалашиб енагимиз. Ишинг-га қайт,— деди қатъий билан Манзура.

Орадан кўп вақт ўтмай, Ҳаётхон комбинатга қайта ишга қабул қилинди. Манзура у билан тез-тез учра-шиб, қийин дамларда ўз ердамини аямасди.

Комбинатда Манзурага ўхшаш илгорлар тобора кўпаймоқда. Қўрғонтепа филиалдан Мукаррам Иса-қулова, Январшон Зоҳидова, Юлдузхон Ғаниева, Ба-ликчи райониغا қарашли Чинобод филиалдан Ман-зура Ғаниева, Манзура Имомова, Анорзон Мирзаева-лар шулар жумласидандир. Ана шу филиалларда юзлаб хотин-қизлар меҳнат қилмоқдалар. Районлар-да Тўқимачилик комбинати филиалларининг ташкил қилиниши минглаб хотин-қизларни ижтимоий-фойда-ли меҳнатга жалб қилиш имкониятини берди. Энди-ликда областда сановатчи хотин-қизлар сони яна ҳам кўпайди. Улар комбинатнинг бош корхонасида, йигирув-тўқув фабрикаларида, районлардаги бешта филиалда ишламоқдалар. Комбинат ва унинг фили-алларида республика тўқимачилигида биринчи бор жорий этилаётган камерали йигирув ва моқсиз иш-лаётган тўқув дастгоҳлари ўрнатилди. Уларнинг қу-вати олдинги тўқув дастгоҳларига нисбатан бир неча бор юқоридир. Беш йилликнинг охирига бориб иш-чиларнинг сони 12 минг кишини ташкил этади. 1983 йили комбинатда 100 миллион сўмлик маҳсулот иш-лаб чиқариш планлаштирилган. Бу, албатта, юксак ва шарафли вазифа. Уни бажариш Манзура Мухид-диновага ўхшаган шижоатли, юрағида ўти бор ишчи-ларга боғлиқдир.

...Кўзда юлдузлар милт-милт қарақлайди. Ой ҳали ботгани йўқ. Кўк дарвозали эшикдан ёшгина бир аёл чиқди. Қадамлари илдам, йўли ойдин. У комбинатга, дастгоҳлари ёнига шошади. Йўл-йўлакай хамроҳла-рига қўшилади. Кутиб турган автобус уларни ком-бинат дарвозаси олдига етлади. Соқин тонг бағрига Манзура ва унинг дугоналари бошқарадиган дастгоҳ-ларнинг садолари сингади...



Ўзбекистон Пластмасса буюмлари илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ташкил этилган Бутун-иттифоқ халқ истеъмол буюмлари савдо-кўرғазмаси залларидан бири.

Р. Нуриддинов фотоси
[УЗТАГ фотохроникаси]

Андижон

Раҳбар ФАЙЗИБОВА

ИСТЕЪДОД

Медицина фанлари доктори, профессор Раҳим ҲАЙИТОВ ҳақида



Раҳим Мусаевич Ҳайитовнинг фаолияти янги — иммунология фанининг шаклланиши, унинг тараққиёти билан узвий боғлиқ. Гарчи, Раҳим Мусаевич ёш бўлса-да, у иммунология фанининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда, унинг тафаккур дунёси ва шу фанининг ривожига хизмат қилмоқда.

Одамларнинг тақдирини ҳар хил бўларкан. Бировларнинг истеъдоди ёшлигида, баъзиларники улғайганда ўзини кўрсатар экан. Раҳим Мусаевич фанга жуда эрта — 18 ёшида кириб келди. Ушанда у Самарқанд Медицина институтининг II курсида ўқирди. Раҳим талабалик вақтидаёқ фанининг янги тармоғи — радиобиологияга қизиқди. Нурланишнинг инсон ва ҳайвонлар организмига таъсири, ундан муҳофазаланиш усуллари билан шуғулланганидан бу фан ёш йигитни бутунлай ўзига мафтун қилиб қўйган эди. У нурланиш асоратини чуқур ҳис қилган сари кўз ўнгиде Хиросима ва Нагасаки фожияларининг даҳшати яққол гавдаланарди. Раҳим ўша кезлардаёқ нурланишдек бедаво дардларга чалинган ногиронларга қандай ёрдам кўрсатиш ҳақида ўйларди. Айниқса, унда профессор Р. В. Петровнинг «Оғир нурланиш жароҳатининг иммунологияси» деган китоби катта қизиқиш уйғотган эди.

Одатда, ёш истеъдод тарбия қилинмаса, кўзи берк бўлоддек юзага чиқолмаслиги мумкин. Раҳимнинг бахти шундаки, уни талабалик вақтидаёқ Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, атоқли олим Уктем Орипов етакка олди. У ёш истеъдоднинг камолоти ҳақида меҳ-

рибон устоз сифатида ҳамхўрлик қилди. Устоз иштиёқли шоғирдиннинг фан билан шуғулланиши учун тегишли шaroит яратиб берди. Раҳим Мусаевич Медицина институтининг VI курсидаёқ кандидатлик диссертациясини ёзиб тутатди. У институт дипломини олиш арафасида эса диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ёш олимнинг фандаги дастлабки ютуғи унинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлади. У илмий изланишлари натижасида юқумсиз иммунология фанининг шаклланишини биринчилардан бўлиб тўғри англай билди.

Шу ўринда журналхонларда иммунология ҳақида батафсилроқ тасаввур ҳосил қилиш учун мавзудан бир оз чекинаман.

1881 йилда француз олими, Нобель мукофоти лауреати Луи Пастер фанга биринчи марта иммунитет тушунчасини олиб кирди ва ин-

яналади. Ҳозирги тасаввурларга кўра, иммунал система бир қанча органлардан тузилган бўлиб, унинг умумий оғирлиги бир ярим килограммдир. Бу органлар системаси ва уларнинг функцияси масалалари иммунология фанининг объектидир.

Ҳикоямиз қаҳрамони Раҳим Мусаевич ҳам, ҳали айтганимиздек, ўзининг илмий фаолиятини иммунология фани тараққиётига бағишлашга қарор қилди. У Самарқандда ўқиб юрган пайтдаёқ Москвага боришга ошиқар, совет иммунология фанининг асосчиси, профессор Р. В. Петров билан яқиндан танишишни истарди. Бу ният унга ором бермади. Раҳим Мусаевич институтни тамомлаши биланоқ, яъни 1967 йилда Москвага йўл олди, профессор Рэм Викторович Петровга шоғирд бўлиб тушди. Эндигина ташкил этилган Иммунология илмий-тадқиқот институтининг ходимларини ёш Раҳим

ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй беди: у илмий ишида илгари сурилган назарий хулосаларнинг амалий аҳамияти учун Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотида сазовор бўлди. Уша йили ёш олим Москвадан Самарқандга қайтди. Бу ерда у Самарқанд Медицина институтининг Марказий илмий-тадқиқот лабораториясини бошқарди. Раҳим Мусаевич бошлиқ лаборатория коллективининг тинимсиз ишлаши натижасида инсон организмидеги иммунитет (касаликка қарши табиий қураш) системасининг асосий вазифаси организмдеги турли шишларга (опухолларга) қарши қурашишидир, деган қимматли илмий хулоса яратилди. Иммунитет системаси бузилган етмишга яқин бемор аниқланиб, улар чуқур текширилди.

1973 йилда Раҳим Мусаевич Ҳайитов академик Р. В. Петровнинг ташаббуси билан Москвага — янги ташкил этилган Бутуниттифоқ Иммунология илмий-тадқиқот институтига тақлиф этилди. У бу ерда дастлаб иммуногенетика лабораториясига раҳбарлик қилди. Истеъдодли ҳамюртимиз ташаббуси билан Марказий илмий-тадқиқот лабораториясида иммунология бўлими, Тошкент Медицина институтида эса Медицина иммунологияси илмий кенгаши ташкил этилди.

Раҳим Мусаевич ёшларга меҳрибонлик билан мураббийлик қилаётган ажойиб устоз ҳамдир. Беvosита унинг раҳбарлигида 6 фан доктори, 26 фан кандидати тайёрланди. Айни вақтда эса, Раҳим Мусаевичнинг раҳбарлигида 16 киши диссертация ёзмоқда.

Раҳим Ҳайитов ҳозир Бутуниттифоқ Иммунология илмий-тадқиқот институти директорининг биринчи ўринбосари сифатида мамлакатимизда иммунология фанини ривожлантириш билан боғлиқ тадқиқотларни марказлаштиришда жонқуярлик қилаётир.

Унинг аини камолатга етган вақти, Ажойиб истеъдод эгаси бўлган Раҳим Мусаевичнинг иммунология фанини янги ютуқлар билан бойитишига ишончимиз комил.

Феруз ҒАРИБ,
биология фанлари доктори,
профессор

ЗАМОНДОНЛАРИМИЗ

сон ва ҳайвонларни маълум касалликларни қақирадиган микроорганизмларга қарши эмлаш билан юқумли касалликлардан холи тутиш мумкин, деган фикрини илгари сурди. Шу-шу юқумли касалликларга қарши эмлаш принципи дунё олимлари эътиборини тортди ва бу усул ҳозир ҳам қўлланилмоқда. Зардобларнинг муваффақиятли ишлатилиши эса, янги фоялар, фаразлар ва илмий ихтиролар учун асос бўлиб хизмат қилди. Организм ёт бошқа микроблар билан оқсон дончалари ҳужайралари (фагоцитлар) ёрдамида кураша олиши, бунда оқсон дончалари (антителлар) микробларга сингиб, уларни ўлдириши фанда исботланди. Шундан сўнг олимларда табиий равишда: «Оқсон дончалари ҳужайралари ва қон оқсиллари қаердан пайдо бўлади?», деган савол туғилди. Шундай қилиб, фанда организмнинг иммунал системаси мавжудлиги ҳақидаги тасаввур муай-

Ҳайитовнинг янги фан марказига итилиши унчалик ажаблантирмади. Негаки, уларнинг рўпарасида иммунологиядан хабардор, ёшлигига қарамадан, бу соҳа бўйича баъзи илмий ишларини эълон қилиб улгурган бир истеъдод турарди.

Ёш тадқиқотчининг истиқболли камолоти шундай бошланди.

1972 йил, июнь. Уша кун Раҳим Мусаевичнинг умрида ёрқин хотира бўлиб қолди. У бир неча йиллик илмий изланишларининг натижасини Тошкент Давлат медицина институтининг илмий кенгашига ҳавола қилди. Ёш олимнинг «Қон ҳосил қилувчи органларни кўчириб ўтказиш муаммолари амалий аҳамиятининг тажрибавий таҳлили» мавзусидаги докторлик диссертациясига илмий кенгаш аъзолари юксак баҳо бердилар. Ушанда у энди 28 ёшга тулган эди.

Докторлик диссертациясини ҳимоя қилган йили Раҳим Мусаевич



Бўка районининг Ҳамза номидаги пахта пунктда: район агроасаноат бирлашмасининг бошлиғи Ғафур Ботиров, Ҳамза номи колхоз раиси Шариф Валижонов, ишчи Қўқор Абдуллаев, пункт мудири Мўмин Утабоев.

А. Тўраев фотоси

ЯНГИ БОҒЛАР ГУРКИРАЙДИ

Қамчибек КЕНЖА

УСМОНЖОН Мансуров ўз ташаббуси билан район ижроия комитети раислигидан 8-палатачилик (ҳозирги «Октябрь 50 йиллиги») совхозига директор бўлиб ўтганида, экиш-тиқишга тайёргарлик келтирган давр эди.

Бир куни у, одатдагидай, ҳўжаликнинг нотаниш участкаларини айланиб қайтган, йўл бўйидаги чойхонада бир неча идора ходими билан тамадди қилиб ўтирган эди, узоқдан кирза этиқ, қора чопон кийган бир одам келаверди. Ташқи қиёфаси, кийимидан деҳқонлиги кўриниб турарди.

Деҳқон тахминан қирқ беш-эллик ёшларда эди. У тўппа-тўғри янги директор ўтирган чорпога яқинлашиб, икки қадамча нарида тўхтади.

— Хўжайин, ерни тайёрлаб қўйдик,— деди у Усмонжон Мансуровга мурожаат қилиб. Янги директор қўлидаги чойи ярим пиёлани дастурхонга қўйди.

— Аввало, мен сизга хўжайин эмас, совхоз директориман. Узингиз кимсиз?

— Мен 3-бўлимда ишчиман.

— Қани, бу ёққа чиқинг-чи.

Сурилиб, деҳқонга жой бўшатишди, чой тутилди.

— Уш, қанақа ерни тайёрлаб қўйдингизлар?— деб сўрашда давом этди Усмонжон Мансуров қизиқувчанлик билан.

— Адирдаги етти гектарликни-да.

Усмонжон Мансуров ўтирганлардан бир нечасининг деҳқонга ялт этиб, кўркували ва ғазабли нигоҳ ташлаганини сезиб қолди. Демак, бир гап бор.

— Уш, нима эқмоқчисизлар?— деди директор ўсмоқчилгадани, овозини ҳам анча юмшатиб.

— Шунни сиздан сўрагани келувдим-да.

«Гап нима ҳақида кетяпти? Нима деб жавоб бериш керак?»

— Сизнингча нима эккан маъқул?

— Бир қисмига чўқари билан босволди, бир қисмига амир билан шакарпалак эқсакми... Қолган ерга қўзивой тарвуз...

Масала сал ойдинлашгандай бўлди. Чунки совхознинг полиз экинлари планида қовун-тарвуз йўқ эди.

— Бўлмаса, ерни бир кўрсак, кейин яна маслаҳатлашармиз. Қани, ҳаммамиз борайлик-чи...— Директор, ундан кейин истар-истамас бошқалар ҳам ўрнидан турди.

Бориб кўришди. Аниқланишича, ниҳоятда ҳосилдор бу етти гектар ер бир неча йилдан бери собиқ директорнинг шахсий ҳамёнига фойда келтириб ётган экан.

Томорқага айланган бунақа фонд ерлардан кузда ҳам бир неча гектар чиқди. Арпа эқилган катта бир пайкалнинг қоқ ўртасига, плансиз ўн гектар жойга ҳурфина қилиб бугдой сеқилган экан. Қизқаси, совхознинг энг этли, жонли ерлари талон-тарож бўла бошлаган, демак, шунинг учун хўжалик ўтириб қолган эди. Ҳаммаси хўжалик ҳисобига киритилди: ерлар ҳам, эқинлар ҳам...

Янги директорнинг раббарлигида совхоз пахта ҳосили 11 минг тоннадан 18 минг тоннага етказилди. Усмонжон Мансуровнинг ўзи икки марта Ленин ордени билан тақдирланди, саккизинчи беш йиллик якунлангач, кўксиде Олтин Юлдуз порлади.

Шундан сўнг, Усмонжон Мансуров бир неча йил область совхозлар трестининг директори вазифасида ишлади. Кейин партия топшириғи билан яна Избосканга, районнинг энг катта, қишлоқ хўжалигида алоҳида аҳамиятга, улкан салмоққа эга бўлган хўжаликларидан бирига— Р. Р. Шредер номидagi Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-теқшириш институтининг Андижон области, Избоскан район Мичурин номидagi мева кўчатлари етиштириш совхозига директор бўлиб ўтди...

* * *

Улкан боғ Катта Фарғона канали билан туташ, унинг жануб томонида, кунгай жойда ястаниб ётади. Кўчатзор-боғ. Ердан эндигина кўтарилган зангор ярроқли ток қаламчаларининг денгиз мавжидай жимир-жимир қилаётганини кўриб, баҳри-дингиз очилади. Икки яшарли олма, шафтоли, нок кўчатларининг майдонда намоиш ўтказишга тўлланган тумонат аскардай шахмат шаклида саф тортиб туришига қарасангиз ёки игна барғли дарахтлар оиласига мансуб совур арназор, чинорзор, қарагайзорларни орасангиз, «жаннат» деган сўз ҳавелингизга қайта-қайта урилавезди...

Бу кўчатзор-боғ бундан 32 йил аввал 150 гектар ерда барпо қилинган, асосан мевали кўчат етиштиришга мўлжалланган эди. 1 миллион 200—1 миллион 600 минг туп кўчат боғнинг йиллик ҳосили эди. Асосан олманинг 3—4 хилдан эқиларди ҳолос. Чорак аср ўтди. Уч-тўрт хил узум, икки-уч нав

олмури кўшилди. Етиштириладиган кўчатлар умумий сони 2 миллион тупга етди. Давлатга 90—100 тонна олма, 50 тонна атрофида узум топширила бошланди. Бир йилда ишлаб чиқилган маҳсулот 550 минг сўмни ташкил этди.

Янги директор бу кўрсаткичлар билан қониқмади: ишни ерга ер кўшишда бошлади. Каналнинг нариги соҳилидаги қадим дарё ўзанидаги сув чиқмайдиغان— фойдаланилмай ётган қақроқ ерлар унинг эътиборини тортиди: совхозга янги бир участка—200 гектардан ортиқ майдон кўшилди. Табиийки, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортди. Ҳозир 5,5 миллион туп узум кўчати, 1 миллион 700 мингга яқин мева кўчати, 620 минг туп атрофида гул кўчати, 30 минг тупдан зиёд ҳар хил манзарали кўчатлар етиштирилмоқда.

Меваларнинг навлари ҳам йилдан-йилга кўпаймоқда. Биргина олманинг йигирмадан ортиқ нави мавжуд: Ренет, Смирненко, Киндварт, Самарқанд эртақиси, Ташкент баровникиси каби навларга, академик Р. Р. Шредер номидagi Ленин ордени Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-теқшириш институти селекционерлари томондан етиштирилган олма навларига, Қишки наштави, Кулола, Вильямс, Навоий, Комсомол, Лето, Нектарин, Эльберта, Узбекистон, Самарқанд катта Бехиси сингари нок, ўрик, олхўри, шафтоли, беҳи навларига талас ва эқтибж катта. Совхоз истеъмолчиларни Ризамат ота, Перлет, Келинбармоқ, Нимранг, Қора Қишмиш, Пушти тоғи, Эртаки Шредер, Великан, Хўсайин, Гўзал қора деб номланган узум мевалари ва кўчатлари билан таъминламоқда.

Хўжаликда мевали дарахтлар турини кўпайтиришда жойнинг иқлими, тупроқ таркиби ва бошқа шарт-шароитлар ҳисобга олинмоқда, асосан серҳосили навларни кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Совхоз меҳнатқиллари яна бир ташаббус ва тажрибани қўллаш авазига ҳосилдорликни ва даромадани кескин оширишга эришилди: хўжаликда паст бўйли олма ва нок кўчатлари ўтказиш, шу кўчатлардан мева етиштириш ихтисослаштирилди. Мазлумлик, қабул қилинган 10×10, 8×8 метрли сиемалар асосида эқилганда, 1 гектар ерга 80—100 туп кўчат жойлашарди. Зичлиқка асосланган янги тажриба натижасида кўчат қалинлиги 2—2,5 баравар ошмоқда. Ҳозир областдаги бир қатор боғдорчилик хўжаликлари шу тажрибани ўрганишиб, шу ердан пайвандагиларга улганган кўчатлар олиб кетишиб, алоҳида олмазорлар ташкил этишмоқда. Избосканлик боғ миришорлари, жумладан, Балқичидаги «Партия XXV съезди» колхози, Горький номидagi совхоз, Пахтаободаги «Москва» колхози, «Маданият» совхоз, Бўй районидаги «Ленинчи» ва «Партия XX съезди» совхозлари ана шундай боғлар барпо қилиш учун амалий ёрдам бермоқдалар.

Гуллиқликда эса совхознинг таърифи Иттифоқимизда машҳур. Москва шаҳрига Олимпиада йиллигини ўсида 100 минг туп ранго-ранг гуллар етказиб берилди. Қардош озарбойжонликлар ҳам— хўжаликнинг доимий мижозси. Улар деврли ҳар йили бу боғдан юз минглаб туп гул олиб кетишади. Клорей Дез, Супер стар, Паскал, Колхозчица, Меранду каби йигирма хилга эқин гул кўчатлари ортлган юк машиналарини қўшни республикалар, Ўзбекистондаги барча областларнинг йўлларида тез-тез ўрайтиш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республикада цитрус ўсимликлари етиштириш тўғрисидаги қарори чиққанда, Усмонжон ака: «Биз ҳам шу нобў ўсимликни кўқартиришга уриниб кўрсак, қандай бўларкин», деб ўйлади. Фикрини мутахассислар билан ўртоқлашди. Кимдир маъқулади, кимдир эқилланди: «Бизнинг иқлимга, табиий шароитимизга мослашмаган, меҳнат зое кетади», деювчилар ҳам бўлди. Алқисса, бу тажриба оталиғи агроном Турсунбой Мамадалиевага топширилди. Дастлаб синов учун институтдан лимон кўчати олиб келиниб, 20 сотих ерга ўтказилди. Ҳамманинг кўз-қўлоғи ойлаб ана шу нобў дарахт, бу воҳа иқлими учун ноҳос ўсимлик кўчатида бўлди. Айниқса, Усмонжон ака ҳар куни эрталаб ишни лимон кўчатзорларини орашдан бошларди. Хайрият, кўчатлар кўқариб кетди, ўса бошлади!

Лимон кўчатзор йилдан-йил кенгайиб, беш йилда икки гектару ўттиз сотихга етказилди. Ҳозир эса икки ярим гектар ерда боғдорчилик билан шугулланмоқдалар. Шу йилнинг ўзида,—6,5 тонна ҳосилдан ташқари,—35 минг туп лимон кўчати тайёрланди. Рақамлардан кўриниб турибдики, хўжаликнинг бу борадаги истиқболи ҳам порлоқ. Келажакда лимонзордан ярим миллион донз шифобахш мева етиштириш кўзда тутилмоқда.

Экин майдони кенгайгач, ишчилар сони ҳам икки баравар ортди, янги мутахассислар қўшилди.

Бу ерда совхоз маъмурияти фахрланса арзиғулик ишчи сулоларга бор. Кўчатчилик бригадасининг ишчиси, пайвандчи Абдулҳамид Раҳмонов салкам ўттиз йилдан буён ҳалол, ибратли меҳнат қилиб келмоқда. Унинг умр йўлдоши Турдихон—пайвандчи, ўғли Абдуллажон—механизатор, келини Марварзон—ишчи...

Мирзабэхром Раҳимовнинг пенсияга чиққанига икки йилдан ошди. Лекин ҳозир ҳам ишлаяпти. Фарзандлари Ҳабибулло, Нейматжон, Раҳматилла, Нурсатилла, Бўжол, келинлари—Мастураҳон,



Соҳибнор Сайлихон НАСРИДДИНОВА билан совхоз директори Усмонжон МАНСУРОВ кўчатларни кўздан кечирмоқдалар.

НАВОИЙ — Бухоро автобуси Уртачул кўйидаги кафедек текис ақнида йўл бўйлаб фарга томон илгариларди. Йўл ёқасида юкори вольтли электр линиялари, сахро бағрида қон томиларидак ёйилган бетон ариқлар кўзга ташланади. Кейинги бир-икки йил ичида ўзлаштирилган пайкаларда пахталар чаман-чаман очилиб ётибди. Йўл қисқариб борган сари узок-узокдан кўп қаватли уйлар, саноят корхоналари кўринади.

Автобус Қизилтепа шаҳрига кириб келди.

— Бу ерлар жуда ўзгариб кетибди,— деди теваракни синовчи билан кузатиб бораётган урта ёшлардаги киши ҳамроҳига.

Безан шундай бўлади: четдан қараганда, одатдагидай туюлган воқеа ёки кечинма кутулмаганда хайларанингизни остин-устин қилиб юборасиз. Нималарнидир беҳитёр ёдга тушади. Биз ҳам, йўловчининг гаплари сабаб, бундан беш-олти йилча аввал Қизилтепада бўлганимизни хотирладики: темир йўл станцияси атрофида қад ростлаган уйлар, кўрим-қизигина вокзал биноси, автовокзал... Қаватли уйлар у пайта умуман йўқ эди. Кўйи томондаги каровсиз ерларни қордек оппоқ шўр қоплаб ёттирди.

Эндиликда ана шу саҳродек яёдоқ, шўрхоқ ер ўрнида кўп қаватли қатор турар-жой кварталлари, замонавий мактаб бинолари қад ростлаб турибди. Навоий — Бухоро магистрал йўлининг ҳар икки томони хиёбонга айлантилган. Йўлнинг чап тарафида қизил тупроқдан тикланган баланд тепалик. Рамзий маънодаги бу тепалик узра Улуг Ватан урушида ҳалок бўлган райондошлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилган. Атрофи қарийб йигирма гектарлик майдонда бог барпо этилган. Йўлнинг ўнг томонида эса «Дўстлик» стадиони, отчоплар, ҳаммом, колхоз бозори, қатор савдо расталари, маъмурий бинолар... Уларнинг аксариятини район меҳнатқўшлари ҳашар йўли билан бунёд этганлар.

Қизилтепаларнинг турмуш маданияти масалалари билан қизиқиб, район партия комитетининг иккинчи секретари Мардон Шамсиевага уқрашдик ва мақсадни тушунтирдик.

— Айни муддао. Мен ҳам қури-

лиш объектларида аҳволи кўздан кечирмоқчи эдим,— деди Мардон Хайриевич столи устидаги қоғозга нималарнидир қайд этиб.— Юрнинг, йўл-йўлакка гаплшамиз. Юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши... Сафаримиз район марказидан бошланди. Суҳбат шаҳарнинг аввалги қиёфаси, қисқа мuddатда амалга оширилган ибратомуш ишлар ҳақида борди.

— Район маркази шаҳарга айлан-тирилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ,— дея гапни узокдан бошлайди ҳамроҳим.— Уни кенгайтириш билан бир қаторда, аввалдан мавжуд биноларни ҳам қайта қўрапмиз. Нега деганда, улар Қизилтепанинг истиқболли ҳисобга олинмай йўлқаштирилган. Масалан, темир йўл вокзалини олайлик. Вокзал биноси қулайликларга эга эмас эди. Урнига икки қаватли янги бино барпо этилмоқда.

Айни пайтада бу объектларнинг ўзига хос жозибали, миллий мезморчилик ютуқлари асосида қурилишига, уларни шаҳарнинг умумий манзарасига уйғунлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Вокзал олди — Калинин номи майдон. Унда мрамар фавво-

зиркача 16 митр 775 квадрат-метр уй-жой қурилиш фойдаланишга топширилди. Ҳамма ҳўжаликларда бош план асосида индивидуал ва кооператив участкалар қуриш тобора кучайтирилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 138 оила ҳўвли тўйларни ўтказди.

Албатта, меҳнатқашларнинг турар-жой шароитларини яхшилаш билангина кишлоқда юксак турмуш мзданиятига эришиб бўлмайди. Бунинг учун кўчалар асфальт қилиниши, қулай маданий-маиший шароит яратилиши, болалар богча-ясиллари, мактаблар, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари, савдо тармоқлари, хўшманзара хиёбонлар барпо этилиши зарур. Районнинг барча ҳўжаликлариде бош план асосида қурилаётган замонавий кишлоқларда ана шундай бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ульянов номидаги, Жданов номидаги, «Бўстон», «Ленинград», «Еш ленинчи», «Ўзбекистон» сингари бир қатор ҳўжаликларда бу борада диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. «Партия XXII съезди» колхозида келгуси йилнинг бошлариданоқ тажриба асосида янги

да махсудотла етиштиришга эришиш йўлида фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Албатта, етарли ишчи кучига эга бўлмай туриб, қўзланган мақсадларга эришиш мушкул. Шунинг учун қўлқуварларнинг доимий яшаб қурилишига эришиш, уларга ҳар томонлама қулай меҳнат ва турмуш шароитлари яратиш учун кўпгина ишлар қилинмоқда. Қўриқ совхозларда замонавий кишлоқлар қад ростлашмоқда. Биргина «Анджон» совхоз: миқсолида бу борада қилинаётган ишлар кўлемини тасаввур этиш мумкин. Қўриқ ҳўжалика мўлжалланган коттежлар, маиший хизмат уйи, ошона, шифохона, болалар богчаси, алоқа бўлими, магазин қўлқуварлар ихтиёрига берилди. Қўриқ ҳўжалик истиқомат қилишига мўлжалланган яна бир ана шундай кишлоқ қурилиши экин орада бошлаб юборилди.

Келгусида Урта чўлда маданий-маиший масканлар, богча-ясиллар, мактаблар, бог-роғлар, ўнлаб замонавий кишлоқлар,— бир сўз билан айтганда,— ишчилар учун ҳар томонлама қулай турмуш шароити вужудга келтирилади. Асрлар бўйи қақраб ётган чўлда мўл-кўл кишлоқ ҳўжалик ва чорва махсудотлари етиштирилади, Урта чўл ҳавт, меҳнат, жўшқинлик ва яратиш завқи уфуриб турган масканга айланади. Ана шу улугвор, эзгу мақсадларни рўёбга чқариш йўлида дастлабки мардона одимлар қўйилмоқда.

— Халқимиз: «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик», деб бежиз айтмаган,— дейди Мардон Хайриевич ана шулар ҳақида мароқ билан гапирар экан.— Албатта, районда кишлоқ ҳўжалиги ва саноятнинг муттасил ривожлантирилиши туфайли аҳоли турмуши ҳам йилдан-йилга фаровонлашиб бомоқда. Районимиз давлатга 50 минг тонна «оқ олтин» етказиб берди, социалистик мажбурият ортиги билан бажарилди. Шундан 22 минг тоннаси ингичка толали пахтадир. 1985 йилга бориб, районимиз ингичка толали пахта етиштиришга тўла ихтисослашди. Шунингдек, пахта тозалаш заводи, миллий гилам тўқиш тажриба фабрикаси, гишт заводи, асфальт-бетон заводи ва бошқа саноят корхоналарида 32 миллион сўм ўрнига 33,8 миллион сўмлик махсудот ишлаб чқарилади.

Халқ ҳўжалигининг барча соҳалари бўйича планларнинг ошириб бажарилиши туфайли Қизилтепа қиёфаси йил сайин кўркамлашди, аҳоли турмуш маданияти юксалиб бормоқда. Улуг шоиримиз Фағур Фулом таъбири билан айтадиган бўлсак, қизилтепалар ҳам асрлар тақдирини лаҳза-лаҳза ҳал қилмоқдалар, яратувчилик меҳнати, изланишлар билан ўтаётган лаҳзаларга муносиб ҳайкал қўймоқдалар.

Ҳақонир ИСМОИЛОВ

Навоий области

ҚИЗИЛТЕПА ЧИРОЙИ

ралар ўрнатилмоқда. Майдон атрофидаги «Нуруний» чойхонаси, универмак бинолари фойдаланишга топширилди арафасида. «Бўстон» кинотеатри, ресторан, меҳмонхона шаҳар чиройига чирой кўшиб турибди. Ҳа, томчида кўш акс этганидек, район марказида амалга оширилаётган шу сингари бунёдкорлик замирида қизилтепаларнинг бугунги турмуш даражаси, маданий савияси ва маънавий олами ҳам анёқ намоён бўлаётди.

Йўл ёқасидаги: «Хўш келибсиз», «Партия XXII съезди» номи колхозимизга» деган ёзувга кўзимиз тушади. Кўп ўтмай, пахта далалари тугаб, кишлоқ аҳли яшайдиган уй-жойлар бошланади. Бош план асосида қурилгани уларнинг тартиби, ташқи кўриниши, кўркамлигидан сезилиб турибди.

— Кишлоқларни қайта қуриш масалаларига қандай эътибор берилмоқда?— деб сўрадим Мардон Хайриевичдан.

— Хўтор системасини тугатиш — зиммаимиздаги асосий вазифалардан бири,— деди район секретари.— Қарийб беш йил муқаддам районда тўққизта уй-жой кооперативи ташкил қилинган эди. Улар томонидан ҳо-

қишлоқлар барпо этишга киришилди.

Район партия комитетининг аҳоли турмуш маданиятини ошириш кенгаши янгича аъёналарни омма-лаштиришга, тўй ва бошқа тантанали маросимларни замонавий, исрофгарчиликсиз ўтказишга ҳам катта эътибор берапти. Ободонлаштириш ва меҳнатқашлар фаровонлигини ошириш ишларини намунали йўлга қўйиш мақсадида қўриқ-конкурслар ташкил этилган. Унда барча ҳўжаликлар, корхона ва ташкилотлар қатнашди. Кенгаш йиғилишларида қўриқ-конкурс якуналари, шунингдек, турмуш маданиятини юксалтириш билан боглик барча масалалар муҳокама қилинади, бу соҳада бажарилиши зарур бўлган ишлар келишиб олинади.

Мамлакат Озиқ-овқат программаси қизилтепаларга ҳам янги истиқбол уфқларини очиб берди. Уртачул массивида ўзлаштирилган ерлар ҳисобига 2 та дончилик-чорвачилик, 3 та ем-хашак етиштирувчи совхозлар ташкил топди. Бу ҳўжаликларнинг ҳар бирида йилга 1 минг тоннадан гўшт, 5 минг тоннадан сўт тайёрланади. Янги совхозларнинг ишчилари давлат планнида белгиланган миқдор-



Ҳошияхон, Сайфураҳон — турли соҳаларда, аммо бир мақсадни — ҳўжалик бойлигини, юрт ободончилигини қўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Учаскга бошлиғи Раҳмонали Меҳмонов оиласи 6 кишидан, кўчат етиштириш бригадари Ражаббой Каримовларнинг оилавий екилжаси 9 кишидан иборат. Совхозда бундай бутун хонадони, авлод-аждоди билан богдорчиликка берилганлар кўп.

Совхоз маъмурияти ишчиларни моддий рағбатлантиришга катта аҳамият бермоқда: социалистик мусобақага ҳар йили 45—50 минг сўм, бошқа турдаги мукофотлар билан жами 100—110 минг сўм ажратилмоқда. Мусобақа пайвандаш даврида ҳар беш кунда, бошқа вақтларда эса бир иш тури тугаши билан якунланади. Умуман, ҳўжаликда ҳосилдорлик қўтарилиб, ишлаб чқариш ҳажми ортган сари ишчиларнинг даромади ҳам яхшиланиб бормоқда. Шунинг учун аксарият совхозлар учун ҳос бўлган умумий муаммо — ишчи кучи танқислиги бу ерда кейинги пайтларда қарийб сезилмайди. 43-ўрта мактабни битирувчиларнинг кўпчилиги совхозда ишлаб қолмоқдалар.

Умуман олганда, ҳўжалик аъзоларининг бемалол, бетаъшиш меҳнат қилишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда. 180 ўринли болалар богчасининг ишга тушиши билан иккинтойларни богчага тортиш 3 та фойиз ҳал этилди. Кейинги бир неча йил ичида 3 та типовой шйён, 400 ўринли ёзги кинотеатр, 25 дан ортик уй-жой қурилди.

Совхоз ҳавтида мактабига аризгулик бошқа воқеалар, рақамлар ҳам анчагина. Ноз-неъмат яратувчиларни, аввало партия ва ҳўкуматимиз муносиб тақдирламоқда. Абдулҳамид Сотиқов Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, Район Советининг депутаты, обком аъзоси Сайлихон Насриддинова икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан ёъзоланган, Мамасоли Собиров Хўрмат белгиси ордени нишондори. Кўпгина ишчи, хизматчилар медаллар, фахрий ёрликлар билан мукофотланганлар. Бош агроном, 26 йиллик тажриба эгаси Тўрирадин Мамадалиев — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном. Ҳўжалик раҳбари Усмоножон Мансуров «Октябрь революцияси» ордени билан тақдирланди. Совхоз СССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасининг 1-

ва 2-даражали дипломлари, партия ва ҳўкуматимизнинг, Р. Р. Шредер номидаги илмий-тектириш институтининг фахрий ёрликларига сазовор қурилди.

Совхоз ишчилари бундай юксак рағбат ва ишончларни оқлаш учун қийин-ёкин тинмай меҳнат қилишмоқда. Айни пайтда Избоскан районидеги «Ленинград» колхозини оталиққа оқ олишган. Улар бу қўшни ҳўжалик богларини меза ва кўчат билан таъминлаб, доллар паллардада кўмақлашиб юбордилар. Пахта йиғим-терими авж олган мавсумда совхоз ишчилари «Ленинград» колхози хирмонига ўз улшларини қўшадилар.

Хуллас, Миучирин номидаги меза кўчатлари етиштириш совхозни захматқашлари ўлкаимизни бог-бўстонга айлантириш, анвойи гулларга бурқаш йўлида селмоқли хисса қўшаётган саховатли, қўли гул кишилардир. Уларнинг ҳўжаликлари эса мевалар қонига, гуллар маконига айланган. Бу боллар, гулзорларнинг бутун мамлакат бўйлаб, улуг пойтахтимиз Москва, Москва области, Озарбойжон, Арманистон, Қозоғистон бўйлаб кенгайиб бораётгани айниқса қувончлидир.

МЕХНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

Болтабой ЮСУПОВ

БИЗНИНГ қишлоғимиздан шаҳарчага атиги икки-икки ярим қақирим йўл босиларди. Лекин улардаги турмуш тарзи бир-бирдан жуда катта фарқ қиларди. 50-йилларда қишлоғимизда янги уй-жойлар қуриш учун махсус жой ажратилди ва натижада янги посёлка пайдо бўлди. Тарқоқ, хутор типидagi чорбоғлар эгаллаб ётган ерлар пахтазорларга қўшилди.

Бизнинг қишлоқни кейинги йилларда бунёд этилаётган шаҳар типидagi осдаларни янги посёлка учун ажратилган ерларда уй-жойлар қуришга кўндириш осон бўлмагани каби, колхозлар ҳам бундай посёлкаларни ўз маблағи ҳисобига қуриб, ҳўжалик аъзоларига текинга ёки муайян муддатда ҳақини тўлаш шарти билан беришга қодир эмасди.

Энди-чи Бугунги кунда республикамизнинг қаериди бўлманг, қишлоқларимизнинг ҳусни-жамолига қараб тўймайсиз. Эски, тор кўчалар ўрнида кенг ва раvon кўчалар пайдо бўлди. Деҳқонлар ва чорвадорлар худди шаҳардагидек кенг ва ёруғ уйларда истиқомат қилишмоқда. Юқорида номи тилга олинган «Кўёш» шаҳарчасида, Хонқа районидagi Охунбобоев номи, Избоскан районидagi «Партия XX съезди» колхозларининг посёлкалари каби юзлаб уй-жой кварталларида эса аҳоли барча коммунал ва маъшият хизмат турларидан баҳраманд ҳолда яшамокда.

Шуларни ўйлаб, халқимизнинг: «Мехнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик», деган ҳикмати нақадар толиб айтилганига амин бўламиз. Дарҳақиқат, ҳали халқимиз турмушининг лаззатини тотишга улғурмасидан юртимизда бостириб қирган ёвуз душманга қарши мардонавор курашди. Сўнг, Улуғ Ватан уруши йилларида вайрон бўлган қишлоқларимиз жамолини тиклаш учун жонбозлик кўрсатди. Зеро, бугунги кунга келиб, улар яна чирой очди. Бунга аввало қишлоқ меҳнат аҳлининг ғайрат-шиқоати, қолаверса, ҳўжаликларнинг экономикаси тикланди,

бой-бадавлат бўлиб қолганлиги имкон берди. Олдинлари фақат кунги ўтишини ўйлаган деҳқон бугун фақат тўқинлик ва маъмуриликда яшашнигина эмас, балки янада шинамроқ, файзлироқ ва чиройлироқ ҳаёт кечиришни ўйлайдиган бўлиб қолди.

Мана бу рақамларга бир эътибор беринг: 1950 йилда мамлакатимиз аҳолиси 12 мингта оқ-қора тасвирли телевизор, 1 минг 200 та рўзгор холодильниги, 300 та кир ювиш машинасини харид қилган бўлса, кейинги пайтларда эса йилга ўртача 6,5—7 миллион (шу жумладан, 2,5 миллион донга рангли) телевизор, 4,7—5 миллионта холодильник, 3,4—3,7 миллионта кир ювиш машинаси харид қилмоқда. Агар 1960 йилда ҳар 100 оиладан фақат 8 тасидагина телевизор бўлса, ўтган йили уларнинг сони 92 тага етди. Ҳар юз оилага ҳисоблаганда, холодильниги бор оилалар сони 4 тадан 89 тага қадар, кир ювиш машиналари борлари сони 70 тага қадар ошди. Ҳозир аҳолининг янги ва, айниқса, узоқ муддат давомидида фойдаланиладиган қимматбаҳо буюмлар ва жиҳозларга, қурилиш материалларига, кооператив уй-жойга, баъзи бир хизмат турларига эҳтиёжи анча кучлироқ сезилмоқда. Хонадонларда енгил машиналар, мотоцикллар ва велосипедлар сони тибора ортиб бормоқда. Чиндан, яхши ишлагани билган қишлоқ аҳли яхши турмуш кечириши ҳам керак-да!

Бундан ўн йилча олдин рўй берган воқеани ҳали-ҳали эслаб юрман. Хизмат тақозоси билан Навоий районидagi Ленин орденли «Нарпай» совхозига боргандим. Совхоз партия комитетининг янги инсонини тарбиялаш борасидagi иш тажрибасини ўрганиб, шу ҳақда китобча тайёрланиши керак эди. Китобчада партком ва бошқа жамоат ташкилотларининг меҳнаткашлар ўртасида олиб бораётган амалий тадбирларидан бирортаси ҳақида айнан ўз кўзимиз билан кўрганларимизни мисол тариқасида киритиш истаги туғилди.

Совхознинг тўртинчи бўлимида ишлайдиган кекса механизаторлардан бери пенсияга узатишларини сўраб, дирекцияга ариза билан келиб қолди. Партком билан маҳаллий комитет совхоз ветеранини пенсияга тантанали вазиятда кузатадиган бўлди.

Маросимнинг ўтказилиш тартибини ҳам ўйлаб олишди. Ҳали маросимга тайёргарлик бошланмасдан унга «тузатиш» киритилди — кадрлар бўлими профессионал-техника билим юртини тамомлаган беш нафар ёш механикаторнинг касбга биринчи қадам қўйиш маросимини ҳам ана шу пенсияга кузатиш маросимига қўшиб юборишни таклиф қилди. Тадбирни тайёрлаш ва ўтказишда комсомол комитети ҳам фаоллик кўрсатди...

Ташқаридан қараганда, ўшанда тўртинчи бўлим устaxonаси дарвозаси олдиндаги гир атрофи сада-қайрағочлар билан ўралган ҳовуз бўйида ўтаётган тантана пахта йигим-терими айна қизган бир маҳалда ўринсиз-дайи кўринарди. Аслида эса, у худди шу пайтда жуда муҳим эди. Гап бир кекса ишчига қийдирилган беқасам тўнда ёки унга совхозда ҳалол ва фидокорона меҳнат қилгани учун тақдим этилган стол соғитида ҳам эмас, ённки беш нафар ёш йигитчага меҳнат дафтэрчалари билан бирга топширилган китоблар ёки трактор калитларига ҳам эмас. Шунингдек, гап тантана муносабати билан дошқозонда ошлар дамланиб, ўртага аэилган дастурхонда ҳам эмас.

Бу ерда гап бошқа нарсада эди. Пенсияга чикиб кетаётган отaxon табрикларга жавобан нутқ сўзлар ҳам, теварак-атрофда гўё оппоқ қор билан қоплангандек бўлиб, чаман-чаман очилган пахтазордан нигоҳини узолмас, намланган кўзларини ўзгаларнинг кузатишидан олиб қочар эди. Бу шодликдан, ўзининг кўп йиллик меҳнатлари эвазига тақдирланаётганидан беҳитёр қуйилиб келаётган ёшлар эди. Отaxon ҳалиги беш нафар йигит билан бирга ўз шоғирдига ҳам калит тақдим эди. Унга ўз тракторини ҳам топшираркан, трактор ўнида эсдалик учун суратга ҳам тушдилар. Бу эиндигина ҳаётга қадам қўяётган ёшларни ҳам, шу ерда ҳозир бўлганларни ҳам бе-ниқоҳ тўқинлантириб юборди. Кекса ишчининг шаънига айтилган илиқ сўз, бир томондан, меҳнат ветеранининг кўнглини тоғдек кўтарса, иккинчи томондан, ёшлар кўз ўнгига механизаторлик касбини улуғлар, меҳр уйғотар, ҳалол меҳнат ҳақидаги қўшиқдай жеранглр эди.

Бу воқеа халқимизнинг тўқ, фаровон яшай бошлаганини, турмушнинг социал мазмуни бойиб бораёт-

ганини намойн қилар эди. Зеро, энди биз меҳнат кишиларини рағбатлантиришнинг фақат моддий томони-га эмас, Балки маънавий-мафкурвий томонига ҳам эътибор бериш имкониятига эга бўлди. Худди ана шу кейинги ўн йиллар ичида қишлоқларимизда бу каби тадбирлар шу қадар оммавийлашиб кетдики, ҳозир ветеранларни пенсияга узатиш ёки ёшларнинг касбга биринчи қадам қўйиш маросимлари гўё халқимиз орасида азалдан давом этиб келаётган қадимий анъаналардек туюлади кишига. Туғилган кунларни нишонлаш, никоҳ кечалари, балo-ғатга ётганларга паспорт тақдим этиш, Совет Армияси сафига кузатиш, меҳнат зарбдорларини шарафлаш каби маросимлар ҳозирги кунда қишлоқда турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланиб қолди.

Бугунги ўзбек қишлоғини муҳташам маданият саройлари ва клубларисиз, бадиний ҳаваскорлик ансамбллари ва кутубхоналарисиз, ошхона ва новойоналарисиз, кир ювиш корхоналари ва ҳаммомларисиз тасаввур қилиш қийин. Бу ўзгаришлар республикамизда, мана, салкам ўн йилдирики, Аҳоли турмуш маданиятини ошириш комиссиясининг, шунингдек, областларда ва районларда иш олиб бораётган худди ана шундай комиссияларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ, албатта. Биланбарин, бу комиссиялар қишлоқ аҳлининг турмуш маданиятини юксалтириш масалаларини комплекс ҳал этиш юзасидан қатор муҳим тадбирлар ва тасвирлар ишлаб чиқшди. Улар қишлоқларимизда хутор системасини туғатиш ва обод посёлкаларни барпо этиш билан бир қаторда уйларни қандай яшатишдан тортиб то ҳовлиларнинг саранжом-саршталигини кузатиш учун ҳам вақт топмоқдалар.

Аҳоли турмуш маданиятини ошириш комиссияларининг қишлоқларида тўйларни ўтказиш борасидagi фаолияти айниқса диққатга сазовордир. Ҳар бир қишлоқда партия ва меҳнат ветеранлари, жамоат ташкилотларининг намояндаларидан иборат тўй комиссиялари тузилган бўлиб, улар тўйларимизнинг мазмунан бой, тарбиявий аҳамияти кучли бўлишига эришмоқдалар. Турмуш фаровонлиги тибора юксалишига кутарилаётганининг белгиси сифатида энди тўйлар ва бошқа тантаналар байрамона безатилган қошоналарда — шoҳона маданият саройларида, завқ-шавққа тўла даяраларда ўтказилмоқда. Буни қарангки, уларда қишлоқ клублари ва маданият уйлари қошидаги халқ ансамбллариини иштирокчилари ҳамиша хизматда. «Олтин қўллар», «Калдирғоч», «Гўзал», «Чин-чун», «Гуллола» каби бадиний ҳаваскорлик коллективларининг номини эндиликда бутун дунё биледи, десак янглишмаймиз. Шуларни ўйлаб, қишлоқда яшаётган қадрдонларимизга: «Даврангиз ҳамиша кенг, нурафшон бўлаверсин», дегимиз келади. Зотан, гўзал ҳаётимизга ана шундай кенг, серзавқ даяралар жуда ҳам ярашди.

ЖОНКУЯР

Субҳидама Наманган шаҳридаги Ленинград кўчаси бўйлаб салобатли, оқ-сарикдан келган нуруний киши завод дарвозаси томон бурилди. У пахта тозалаш заводининг цехлари бўйлаб айланди, тунги сменада ишлаган кишилар билан учрашди, ҳол-аҳвол сўради:

— Ҳорманг, Уктамжон, смена натижаси қандай бўлди!
— 27 тоннага етди,— дея табассум билан жавоб қилди Уктамжон.
— Яхши. Сифат-чи!
— Юз!
— Балли!
Бу киши шу завод дирек-

тори Абдулла Ғаниев эди. Унинг одати шунақа. Тонг саҳардаёқ ишда бўлади, ишчиларнинг руҳиятини билди, бажарилган ишлар билан танишади, кун тартибиде турган муаммоларни ҳал этади. Сифат пастроқ, тола камроқ чиққан бўлса, Абдулла Ғаниевнинг тинчи йўқолади. Инженер ва мастерлар билан турли тадбирлар тузади, технологияни қайта-қайта кузатади, пахта сифатини текширади. У 37 йилдирки, мана шундай жонкуярлик билан меҳнат қилади.

Абдулла ака қарийб 40 йилдан бери КПСС сафида. Армияга ВЛКСМ нишонини тақиб борган йигитнинг кўксини «Қизил юлдуз» ордени ва «Жасурлиги учун» медали безади. У 1944 йилнинг 15 май кунини — Августия тупроғиде юрган кунларда партия сафига қабул қилинди. Жангларда кўрсатган қаҳрамонлиқлари учун учинчи даражали «Улуғ Ватан уруши» ва «Шуҳрат» ордени билан тақдирланди.

Абдулла ака урушда ро-та командир бўлди, галабадан сўнг уруш қолдирган

вайроналарни тиклашда қатор участкаларда командирлик қилди. Партия қаерга, қайси муассасасга ишга юборса, уша жойда юксак самарадорликни ва иш сифатини таъминлай олди. Урушдан кейинги йилларда Наманган пахта тозалаш трестиде ишлаб чиқариш командири бўлди. Областдаги пахта тозалаш заводларида катта инженерли ишларини бажарди. Заводларин энг яхши техника ва илгор технология билан таъминлашда жонкуяр ин-

ЧўЙ БАҲОДИРИ

Майин шабада баҳорнинг ҳарир рўмолини тортқилаб ўйнайди. Форуза осмон тиник, беғубор. Қўшлар тилида баҳор кўшиги. Пинанзорда сайраган бедана хонишининг завқи бўлакча.

Айвон деразасидан табиатнинг бу нашъу намосига маҳлиб бўлиб ўтирган Йўлдош ака дала юмушларини бир зум ҳавлидан ўтказди-ю, қалби ёқимли депсиниб кетди. Бу орада оила аъзолари Дастурхон атрофига тўпланиб улгуришган эди. Муҳаррам опа эрининг бир нима дейишга шайланиб турганини пайкаб, пивёладаги чойдан бир қултум ҳўплади-да, унга юзланди:

— Мендан бир нима сўрамоқчимисиз, دادаси!
— Ҳа, маслаҳатли иш бор эди,— Йўлдош ака гапни бошлашга бошлаб кўйди-ю, кейинига мулоҳазага бориб жимиб қолди.

— Айтаверинг.
— Чўлга бориб ишламоқчиман. Кўриқ очиб, пахта экимоқчиман,— деди Йўлдош ака дилидагини ортик яшириб ўтиришни лозим топмасдан.

Кенжабойга муборро едирётган Муҳаррам опа ялт этиб эрига қаради. Йўлдош аканинг гапи унга ёқмади чамаси:

— Ие, бу ерда иш топилмай қолдимми? Чўлда ёғлиқ палов тайёр эканими сизга?— деди у эрига.

— Авваламбор чўлда биров менга ёғлиқ палов тайёрлаб кутиб ўтиргани йўқ,— деди Йўлдош ака Босиқлик билан.— Иккинчидан, кўриқ очиб, пахта экимоқчи эканман, бунинг нимаси ёмон. Ахир, бу хайрли иш-ку. Зеро, янги ер очил, чўлда ишлаш осон бўлмайди. Аммо кўплар чўлга отланаётганда, қийинчиликини баҳона қилиб, бир четда туриш ҳам инсофданмас, аяси.

Муҳаррам опа ер остидан эрига синчков назар ташлади.

— Обдон ўйлаб кўрдингизми ўзи!

— Ҳа-да...

— Бир қарорга келиб кўйган бўлсангиз...— Муҳаррам опа шу тода эрининг реяйига қарши туриш бейфойда эканини тушуниб етганди.— Мен нима ҳам дея олардим. Ер очил— савоб иш, дейишадик-ку, ахир.

Эртаси кунга эрталаб Йўлдош ака колхоз идорасига очик чехра билан қилиб борди. Колхоз раҳбарларига дилидаги ниятини айтди. Иш хамирдан қил суғургандек олла-осон битиб кетади, деб ўйлаганди у. Йўқ, донгдор бригадирнинг таклифи колхоз раҳбарларини ўйлантириб қўйди. Улар «ҳа» дейишни ҳам, «йўқ» дейишни ҳам мулоҳаза қилиб қолишди. Йўлдош аканинг ўзига ҳам у деқончилик қилаётган ер, бригадирлик— синашта, 1965 йилда у падаги бузруквори, миришкор кекса пахтакор Азим отадан бригадирликни қабул қилиб олгандан буён узлуқсиз ҳосилга ҳосил қўшиб келаяпти. Агар у кўч-кўронини кўтариб чўлга кетиб қолса...

Йўлдош ака барибир ўз аҳдидан қайтмади. Колхоз раиси Йўлдош аканинг кўлини қаттиқ қисиб, зинҳа кузатаркан, ҳолисаният билан оқ йўл тилади:

— Жуда қийин, аммо оталарининг орзу қилган хайрли ишга отланаёсиз. Ниҳатингиз йўлдошингиз бўлсин. Ишингиз ҳамиса ўнгидан келсин!..

Ҳақиқий дехтон ташлашдаки бир бўлак ерни кўриб-қо юраги ачшади. Варахша даштида эса одам меҳрига ташна бўлиб ётган ерлар озмунчани! Она ерга чексиз садоқат, олий инсоний туйғу ва муқаддас бурч Йўлдош акани, у бошлиқ бригада чўлқуварларини— Толиб Файзиев, Фатхулла Саломов, Карам Гойибов, Музроб Саломов сингари чапдаст механизаторларни чўлга отланди.

«Овчининг зўри шер отади, дехтоннинг зўри ер очади», дейди халқимиз. Йўлдош ака ва унинг шерчилари ана шундай чўлқуварлардан эдилар. Чўл-



нинг эқл бовар қилмайдиган нафасни бўғувчи гармисели ҳам, саратоннинг тандирдек қизиган офтоби ҳам уларни ҳолдан тойдиролмади. Мақсад, ирода ҳаммасидан устун эди. Улар Варахшанинг эртанги нуриди истиқболини, янги бўстонлар манзарасини аниқ тасаввур қилиб туришарди.

«Юрган— дарё, ўтирган— бўйра!» Дарёдек сергаклик коммунист Йўлдош Эргашевга хос фазилат эди. У бошлиқ бригада ахлининг чўлга бошлаган шердек ҳамласини худди жўшқин дарёга қиёс қилгудди.

Катта синов йили Йўлдош Эргашев бошлиқ йигитлар Варахша чўлининг қишлоққа туташ Минг маҳалидан 200 гектар янги ер ўзлаштиришди. 40 гектар кўриққа сув чиқарилиб, илк бор «оқ олтин» уруги қадалди. Кўп ўтмай эгитлар яшил либосга бурканди. Ҳам қувончи, ҳам ташвишли кунлар бошланди. Ниҳоят, зарбадест елкасида меҳнат сармоясини ортомлаб тўкин-сочин куз ҳам кириб келди. Бригада азаматларининг чўлда яратган «оқ олтин» хирмони ҳаммани қувонтирди.

Чўлқуварлар ўша йилиёқ Ватанга кўриқ ерининг ҳар гектаридан 28 центнердан «оқ олтин» армуғин отишди. Жуда катта зафар эди бу. Чўл тилсинин очан коммунист Йўлдош Эргашев бошлиқ бригада азаматларининг довуғи Варахша чўллари оша бутун республикага таралди. Меҳнат қилган элда азиз, деганларидек, бригадир кўксини безаган Меҳнат Қизил Байроқ ордени ёнида энди Ватанимизнинг олий мукофоти— Ленин ордени порлади. Булар қаҳрамонона меҳнатнинг чинакам эъзоси эди!

...Йўлдош ака газета ўқиб ўтираркан, Варахша тарихи ҳақида ёзилган мақолага кўзи тушиб қолди. Бир бошдан шошилмай ўқишга тутинди. Мақола охирига етганда, у жумлаларини овозини баланд чиқариб ўқий бошлади: «...Лойиҳага кўра, ўзлаштириладиган 50 минг гектар янги ер зонасида 8 та

пахтачилик, боғдорчилик совхозлари ташкил этилади. Кейинчалик ўзлаштириладиган ер майдонлари 100 минг гектарга етказилиб, пахтачилик ва чорвачилик кўмплексларининг миқдори икки ҳиссасига ортади. Булар ақл бовар қилмайдиган афсонга ўхшайди. Аммо бу— ҳақиқат!»

Йўлдош ака ўқишдан бир дам тиниб ўй суриб кетди. «...афсонга ўхшайди. Аммо ҳақиқат!»— жуда тўғри айтибди, дилидан ўтказди у. Бригадир беҳитиёр тунов кунни йигилишда район партия комитетининг секретари айтган гапларни эслади.

— Ҳозирги ишларимиз келажакдаги халқ жасоратининг дебоҳасидир! Биз Варахша чўллариини йилга 70 минг тонна пахта, 30—35 минг тонна полиз маҳсулотлари, 700 тонна гўшт ва бошқа ноз-неъматлар етиштириладиган воҳага айлантирмамиз. 1985 йилгача бу ерда 11 та марказий посёлка қад кўтарамиз. 100 километр узунликда канал қазилади, бетонлаштирилган ҳўжаликларор ички суғурти тармоқларининг жами узунлиги 2 минг 249 километрдан ошиб кетади. Шунга яраша янги йўллар қурилади. Неча юзлаб километр масофага электр линиялари, телефон симлари тортилади. Катта-катта майдонларда ихста дарахтзорлари барпо этилади. Ҳар бир ҳўжаликнинг ўз мевазор боғи бўлади...

Учқур хўларин Йўлдош акани зумда чўл оғушига, кадрдон даласига етаклаб кетди. У ям-яшил пахтазорларга хўларин боқиб, қилинган барча ишларини кўз олдига келтиргандай бўлди. Дилида янги-янги орзу-умидлар уйғонди. Отасининг: «Қоғга чиққан чўққини кўзлайди», дегани эсига тушиб, руҳида ғайрат жўшурди.

Уй юмушлари билан ичкарига кирган Муҳаррам опа эрига сўз қотди.

— Ҳаёл суриб қолибсизми, دادаси? Чойингиз ҳам совиб қолибди.

— Варахша ҳақида яхши ёзишибди. Фурсат топиб, сен ҳам ўқиб чиқ,— деб газетани олиб, умр йўлдошига узатди. Муҳаррам опа Варахша сўзини эшитиб, бир вақтлар чўлга отланган эрининг ўзига қандай маслаҳат солгани едига тушди. Яхшиям, ўшанда эрига: «Чўлга бормайсиз!» деб оёқ тираб туриб олмагани. Андишга боргани яхши бўлган экан. Мана, турмушлари зўбда, рўзгорлари тўкин, бут, оилагари энг бообру хонадонлардан. Умр йўлдоши эса Пешку районида кимсан биринчи қаҳрамон, область Советининг депутати, халқ сўйган вакил. У бугун ҳамма-ҳаммасидан қувонар, боши кўкка етиб, эзгу орзулари ушалгандан беҳад севинар эди.

...Бригадирнинг «оқ олтин» далалари чўл ичкарига қараб кенгайиб, пахта хирмонлари юксалсаверди. Ҳосилдорлик ортади.

1982 йилнинг 5 марти Йўлдош ака ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолиши шубҳасиз. Ун биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида эришган улкан меҳнат зафарлари учун варахшалик чўлқувар Йўлдош Эргашевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Кўп ўтмай, варахшаликлар ана бир қувончи хушхабарнинг шоҳиди бўлдилар. Колхоз 1981 ҳўжалик йили якунларига кўра Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг фоллиб, деб топилди. Тўйга тўй уланиб кетди.

Қаҳрамонлик унвони чўл баҳодирин Йўлдош Эргашевни меҳнат жаҳбасида янгидан-янги жасоратларга ундамоқда. У янада юксак доvonларни қўзламоқда. 60 центнерлик маррани забт этишга интилишмоқда. Варахшалик чўлқуварларнинг бу ниятлари амалга ошишига шубҳа йўқ.

Рашид АСЛОНОВ,

Вухоро область Пешку районидида
Ибн Сино номли колхоз

женернинг хизматлари катта.

Мана, беш йилдири, у Намангандаги 3/4-пахта тозалаш заводининг директори. Авваллари завод чиқараётган маҳсулотга бюуртманчилардан эътирозлар катта бўлди. Абдулла Фаниевич аҳволини сиңчиқлаб ўрганди: демак, сифат кўнгиладигайди эмас, Давлат стандарти талабига жавоб бермайди...

У инженер-техник ходимлар билан маслаҳатлашди. Кейин пахта етиштириб берадиган Наманган ва Тўра-

қўрғон район партия комитетларининг секретарлари, колхоз раислари, совхоз директорлари ва етакчи мутахассислар билан суҳбатлашди. Натияжада, «Дала— принцип — пункт — завод» усулида пахта ташиш жорий этилди. Бу система Абдулла Фаниевичга катта шўхрат келтирди, унинг таклифи бутун республикада қўлланила бошланди. Бу таклиф 1,4 миллион сўм фойда келтирди.

Абдулла Фаниевич Наманган ва Тўрақўрғон район ҳўжаликлари билан завод ўрта-

сида оталиқ ҳамкорлигини, ўзaro мусобақани йўлга қўйишда фаол қатнашди. Бу, аввало, икки томонга катта маъсулият юкляди. Мусобақанинг ошкоралиги ва олмавийлиги таъминланмоқда. Ҳар тонна пахтадан 33 процентгача тола олиш имконияти юзага чиқди, бу юқори кўрсаткичдир.

Абдулла Фаниевичнинг бевосита иштирокида чигитнинг тукини юзлагандан, маҳсулот сифати учун зарур бўлган арралар ўзгартирилди, жинлардаги арралар сонини 80 та ўрнига 90 тага кў-

пайди. Раҳбарнинг ана шу хизматлари бошқаларини ҳам ўз вазифасига нисбатан виждонан муносабатда бўлишга ундамоқда.

Абдулла Фаниев бошлиқ коллектив ҳамиса илгорлар сафида. Корхона КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофотини олмиш сазовор бўлди.

Тежамкорлик ҳаракатининг самаралари аиникса диққатга молки. Илг бошдан буён 12 минг метр ўров

материаллари, 4,2 тонна сим, 25 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинди. Бунинг натижасида 327 минг сўм фойда олинди.

Яқинда фойдаланишга топширилган 240 ўрилли болалар боғчаси, профилакторий, турар-жойлар завод ишчиларига гамжўрликнинг нишонасидир. Корхона шўхрати эса Абдулла Фаниев бошлиқ коллектив меҳнатининг самараси тарзида рўёбга чиқайтир.


Тўғрунғулат СУЛАЙМОНОВ



Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкентда бўлиб ўтган VII конференцияси қатнашчилари: Файз Аҳмад Файз (Покистон), Алекс Ла Гума (Жанубий Африка), Сарвар Азимов (СССР), Субхас Мукержи (Ҳиндистон), Мамаду Траоре Диоп (Сенегал), Александр Косоруков (СССР), Абдулраҳмон ал-Ҳомисий (Миср) ва бошқалар.

Фаластин шоири Муин Бсиясу.

Н. Шарипов фотолари





Тошкент шаҳридаги 17-касалхона бош врачлари ўринбосари Лола Гуломова (чапдан), врач Бория Маҳкамова, ҳамшира Ҳақима Одилова.



Тошкентнинг 2000 йиллик тўйига бағишлаб, «Пахтакор» стадионида катта спорт байрами ўтказилди.

Н. Шарипов фотолари




Қўғайтепа топилмалари.
(VII асрга мансуб).



Мозийга саёҳат.

Э. Йўлдошев фотолари

Тарихни тилга киритиб...



Кулдон. Қўзача.

Бинкентдан топилган ўйинчоқ.
(X аср).



Иликдек ош бўлибди.



Бурчмулла манзараси.



Ҳисор тоғ тизмалари.



Н. Шарипов ва Е. Богиров фотолари



Сўз ҳақида

Сўз деган нарсанинг қудратини сен
Бирон бир нарсага тенг қила кўрма!
Сўз деган нарсанинг шухратини сен
Бирон бир нарсага тенг қила кўрма!

Сўз деган нарсанинг шиддатини сен
Бирон бир нарсага тенг қила кўрма!
Сўз деган нарсанинг ҳимматини сен
Бирон бир нарсага тенг қила кўрма!

Сўз деган нарсанинг қимматини сен
Бирон бир нарсага тенг қила кўрма!
Сўз деган нарсанинг омадини сен
Бирон бир нарсага тенг қила кўрма!

Нимага тенг қилсанг барчаси бекор,
Сўз — сўздир, мўъжиза, сирли,
пурвқор!

Бир гул эдим...

(ҚУШИҚ)

Бир гул эдим, тушдим сенинг қўлингга,
Озор бериш ниятим йўқ дилингга!
Олиб кетсанг мени севиб элингга,
Ҳамроҳ бўлай умрим бўйи йўлингга!

Қалбинг тоза, кўзинг равшан — биламан,
Сен юрган йўл гўзал гулшан — биламан.
Билганимдан мана яшнаб турибман,
Бахт уфқимда сени ёлғиз кўрибман.

Мени отма қўлларингдан ногаҳон,
Қора тунга юз тутайди бу жаҳон!
Охирида ўзинг ўқиб юрмагин,
Елғиз қолиб оху фарёд урмагин!

Мени кўтар жондан севиб бошингга,
Бахт қушлари келиб кўнғай қошингга.
Бахтинг билан яшаб ўтсанг ёмонми?
Мендай гулни кафтда тутсанг ёмонми?

Бир гул эдим, тушдим сенинг қўлингга,
Ҳамроҳ бўлай умр бўйи йўлингга!



ШУҲРАТ

Янги шеърлар

Юрагимнинг сири — шеърим

Юрагимнинг сири — шеърим,
Юрагимнинг олови.
Юрагимдан севган пирим,
Имонимнинг ялови!
Қувончим ҳам бордир унда,
Фигоним ҳам бор унда.
Қулочим ҳам бордир унда,
Умид — орзум, зор унда.
Олис кетсам йўлда ҳамроҳ,
Дилда ҳамроҳ шеърим.
Гар ўзимдан тутсам йироқ,
Урган ох-воҳ шеърим.
Жангга кирсам қилич бўлган,
Найза бўлган шеърим.
Яхши кунда нурга тўлган,
Гулга тўлган шеърим,
Умидим ҳам унинг ўзи.
Нажотим ҳам у ўзи.
Ҳақиқатдир ҳар бир сўзи,
Уфқларда ўт кўзи!
Ҳаётимни унга бердим,
Унга бердим ўзимни.
Мендан кейин қолса дердим,
Еруғ қилиб юзимини!



Сабаблар

- Эй гунча, сен бунча жилмайиб қолдинг?
- Тонг билан афсунок кулмак орзум бор.
- Эй дарё, сен бунча йўлни тез олдинг?
- Боғу рағ, дала-қир менга интизор.
- Эй сайёҳ, сен бунча эрта турмасанг?
- Манзилга кун ботмай борагин етиб.
- Эй, шамол сен бунча ёчимли, сарин?
- Димикқан кўкраклар олсин хуш нафас.
- Эй, булбул, сен бунча молон, камтарин?
- Одамлар дард-ғамни унутса бир пас!
- Эй, одам, сен нега оламга келдинг?
- Бу дунё жамолич очмоқ мақсадим!
- Эй, гавҳар, сен нега қимматбахосан?
- Билмасам, нарҳимни ўзинг қўйгансан!
- Эй қуёш, сен нега кўкда танхосан?
- Чунки, сен ортиқча мени суйгансан!



Бозор НАМОЗОВ Оппоқ, чўққилар

Уйчан уфқларга туташ хирмомим
Помир чўққисидай мағрур, сарбаланд.
У — менинг мангулик ризку имоним,
У менинг риштаи жонимга пайванд.
Ҳандон кулар қуёш пешонасида,
Бошида ўрғилар белови осмон.
Мен учун буюклик қошонасида
Бу — очилдастурхон, бу — олий унвон!
Қиёми маътовин келтирмоқ учун
Балки оз минг битта «Шоҳнома» битмак.
Ва лекин минг битта тоалар кучи
Космонавт белигиз бўларкан тиргах,
Уйлайман шу оппоқ чўққига боқиб,
Заминда у тоғдай мўъжиза эмас,
У саҳий халқимнинг қалбидан оқиб
Кўк билан ўпишган дунёвий ҳавас!
Англайман шу оппоқ чўққига боқиб,
Оқсоч оналарнинг замазмасини.
Эгатда бир-бирин кўнглини ёқиб,
Ошиқ йигит-қизнинг илк гавмасини.
Унда тўйдим нимхоҳ, боқира кўзлар
Ва жажжи қўлларнинг тақдим тафтини
Қучоққамас, унга босилган юзлар,
Интиқ гўшанганинг нозли савтини.
Уқдим бу қуёшга дастини тутган
Ўзбекининг дунёга тонгдай саломи.
Кўкси сутга тўлиб фарзандин кутган
Она Ўзбекистон еруғ аъмоли.
Шу оппоқ чўққилар сервиқорлиги
Қалбингга ер бўлсин, о, она халқ ҳар дам
Ва мангу бор бўлсин бахтга ёрлингиз,
Кўксингга қуёшдай боққанда олам.
Уйчан уфқларга туташ хирмомим,
Сўнгги мўъжизадай турар сарбаланд.
У — менинг мангулик ризку имоним,
У менинг риштаи жонимга пайванд.

Оний бир сукутни туймоқ даҳшати
Киприқдан узилган ёшдан нозикроқ.
Биринчи бўсангир оний лаззати
Қалбимиз қаърида ёқилган чироқ.

Лаҳза бу танкига кирган бир нафас,
Балки паймонанинг сўнгги адоси.
Гўдакдай оламга йўғрилган ҳавас,
Юрак соватининг битта садоси.

Кўз очиб юмгудек ўтган сония,
Қуёш ҳузурда балки бир умр.
Чақмоқ қақнашдай дил ошенига,
Ҳамзали кўзлардан қуйилган бир нур.

Йўқ, йўқ! Лаҳзалардир умрим қаноти,
Дунёга қанотсиз учиб бўлмайди.
Лаҳзадан иборат инсон ҳаёти,
Лаҳза етмаса ҳам умринг тўлмайди.

Майсалар кўксига марварид шода,
Еруғ чехрасида кумуш табассум.
Гуллар қадаҳида аргувон бода
Тутқазган табиат бунчалар масъум.

Майсалар кўксига марварид шода,
Ол рўмол остида кўзлари сузук —
Қизгалдоқ чайқалар сархуш сабода,
Уйларим руҳбахшу нурдай югурик.

Майсалар кўксига марварид шода,
Нурафшон этади қуёш жилваси.
Гуллар нафаси бор бугун ҳавода,
Қўлоқда энтиқкан она ер саси.

Майсалар кўксига марварид шода,
Нозанин нозидек нозик истиғно.
Келиндек солланар ушбу аснода,
Бу қадар севинччи туймасдим асло.

Майсалар кўксига марварид шода,
Бағрида боладай ётибман атай.
Қалбимга қуйилган гўзал навода,
Баҳор сармастлиги оқар мисли май!

Қашқадаро

ЗАМИН САДОСИ

ДОСТОН



Болам —
Кўксим эмиб ўсган одамзод,
Кулоқ бер,
Очайин дил ҳасратимни
Миллион йиллар сақлаб
Сукут ва сабот,
Бугун ўйлаб қолдим ўз қисматимни.

Баски,
Ўз қисматим этар экан банд,
Сенинг ташвишингда баттарроқ бандман.
Сенга,
Тирикликка
Онаман гарчанд,
Ўзим коинотга битта фарзандман...

Сайёралар аро митти сайёра,
Битта арзандаман
Боқий Қўшга.
Учраб қолмагай, деб
Бир дайди тошга,
Мени асраш билан
Борлиқ овора.

Шундоқ,
Коинотга мен ҳам бир фарзанд,
Инсонга муштипар онаман!
Сен менинг фарзандим —
Тўрт ярим миллиард!
Баринг учун ўзим
Танҳо онаман!

Бўйсуниб бормоқда
Изингга борлиқ,
Мен қувнаб боқаман камолатингга...
Лекин асабларим
Тарангдир тордек,
Сабаб бўлмасанг деб ҳалокатимга!

II

То сен туғилгунча
Сўқир, нотаваон,
Меҳрдан бегона ер эдим, болам,
Сени қучоғимга олганим замон
Онага айландим,
Аталдим Олам!

Димоғимга урган
Чақалоқ исинг
Жонбахш нурдай сингди қалбу чеҳрамга.
Уша ондан нотинч оналик ҳисси
Сенинг тақдирингни
Кўйди зиммамга...

Сен ҳали кўксимда
Илк нафас олиб
Тасаввур қилмасдинг ҳатто жисмингни,
Одил бўл,
Доно бўл,
Абжир,
Мард бўл, деб
Одам қўйган эдим исмингни

Томирингга ёйдим
Қатим-қатим нур,
Кўксингга бир нарча қуёш жойладим,
Қонинг —
Ҳарорат ва зиёдан эрур
Мен эса жон ҳада айладим.

Кўз очиб,
Тамшаниб ризқинг қидирдинг,
Тутдим, болагинам,
Ҳар неки борим.
Сутимга омухта меҳр эмдирдим
Қўлингга топширдим эрк — ихтиёри.

Боқий бўлса дея оламда ҳаёт,
Ҳаётни асрасим, дея муҳаббат,
Боқий қолсин, дея
Сени, Одамзод,
Наслинг кўпайтирдим бахт тилаб ғайбат.

Юрагингга солиб севги оташин,
Кўзингга дунёни этдим мунаввар,
Висол лаззатию
Фарзанд ғам-ғашин
Баҳам кўрмоқ Сенга бўлди муяссар.

Менинг томиримдан ўтган шу хислат,
Қалбинг ошна этди эзгу хисларга.
Ҳаёт нажоткори — олов муҳаббат,
Бағримни тўлдирди
Ўғил-қизларга.

Сен кўпайган сайин
Дилимни хушлаб,
Барингга бир хилда очдим юрагим.
Барингга бир хилда
Меҳрим бағишлаб,
Барингни бир хилда нурга ўрадим.

III

Сўнгсиз севинч эди
Сенга тилагим,
Раво кўрмас эдим эчки кўз ёшни,
Нечун,
Бошланганда атак-чечагинг,
Ўйинчоқ ахтариб ушладинг тошни?

Ажаб,
Эрмак учун тутганинг тошни,
Кейин бир-бирингга ота бошладинг.
Кейин шўхликларинг
Ҳаддидан ошди,
Шу йўсин илк бора дилим ғашлатдинг.

Улғайиб борардинг,
Ўсарди онинг,
Чорларди камолот пиллапоёси.
Қай бир тонг
Уйқудан нохуш уйғондинг,
Бирингга туғилиб зўрлик гоёси.

Таваллуд толгандинг
Яктан ва яқдил.
У баттол ўртага илк раҳна солди.
Бўлинди меҳрлар,
Бўлинди кўнгил,
Оқибат ўзинг ҳам бўлиндинг-қолдинг.

Болам,
Тош отишдан топди ибтидо:
Зиддият,
Ихтилоф,

Кўзларнинг ёши...
Табассум ўрнида ингради нидо,
«Уруш» деган сўзинг
Шу бўлди боши.

IV

Иккига бўлиниб кетдинг
Бирдан
Ўз-ўзингни қилмоқ учун темиртан
Ўт ёқиб,
Қай бир кун тўнмоқ темирдан
Чўқморни кашф этдинг, ниҳоят.

Ғафлат босганмиди.. Ва ё...
Билмадим...
(Минг лаънат, қотиллик туғилган онга!)
Шаҳид ётар эди қанча дилбандим,
Тандан жудо боши беланиб қонга.

Шаҳид фарзандларим бағримга олиб,
Уша кун
Мозорга айландим, нетай...
Оҳ, нечун шаҳидлар кўксимда қолиб,
Қотилин ютмабман,
Садаған кетай?!

Ҳамон шу армондан
Доғдодир дилим,
Турфа қуш учгандай
Битта уядан,
Ўзим фарзанд туғиб,
Яна қотилин
Ўзим туққанимга қуяман.

Сенга-ку ҳаёт бахш айлаган ўзим!
Қазони кашф этган,
Сен бўлдинг, Одам!
Бир-биринг ўлдириб,
Сен топсанг тўзим
Тирик ўлдирарди мени ҳам мотам.

Қочиб бўлмас экан...
Даво йўқ экан,
Ўз ичингдан чиққан ачкик балога.
Гўё бир новдада гул билан тикан,
Жо бўлдим.
Гул — ҳаёт,
Тикан — қазаг...

Камон-ўқ яратиб,
Кўксим тепкилаб,
Кўпайиб бордилар қотиллар қавми.
Елборганим сайин
Мен инсоф тилаб,
Лафзимни кесарди шамширлар дами.

Кун-бакун такомил топарди қурол,
Ҳар бирингда айри-айрича гоё:
Солмоқ бўлар эдинг бировинг қирон,
Биринг ўлдирардинг истаб ҳимоя.

Фарзандлар улғайиб,
Қасб этса камол,
Тор келиб қолгандай кийган кўйлаги.
Парвозга шайланган поллопон мисол,
Тарк этмоқ истадинг
Тўққан уйларинг.

Бағримни кенг тутдим,
Боламсан, ахир!
Овёинг етган жой бўлсин, деб макон,
Босган изларингга
Сочдим-да меҳр,
Бошинг етган жойда тутдим соябон.

Зарра аямедим саховатимни
Ахир бир юракдан жон эмар бадан.
Тенг улашдим
Қалбим ҳароратини,
Баробар бўлсин деб бағримда одам!

Барчага баробар бўлинган ризқ-рўз
Барчани баробар тўйдирди...
Аммо,
Тўймаслик дардига гирифторм,
Очкўз —
Зотлар ўзга ризқин қиларди даъво.

О, бир бало бўлди
Очкўзлик дарди.
Чанг солиб борарди ҳўлу қуруққа.
Кун сайин,
Кун сайин томир отарди
Ўхшаб намхуш ерга тушган уруққа.

Баробар туққандим
Барчангни, болам,
Бир хилдир одамзод — номинг маъноси.
Аммо бир маконда
Туздинг қўш олам,
Очкўзлар ва қуллар дунёсин.

V

Ажаб,
Дунё ичра тузиб дунёлар,
Тирқираб кетдинг қўзим ўнгида.
Қондошлар, қардошлар бўлдилар ёвлар
Босқинлар авж олди сўнгида...

Шундоқ айри тушди
Орзу-мақсадинг,
Шундан бир-бирингга қарадинг ғайри.
Ягона тақдирни бўла бошладинг,
Юртинг айри тушди,
Ўзлигинг айри.

Гэрчи ҳар бирингга
Ўз маконингда,
Ўзга-ўзга Ватан бахш этган эдим,
Бари бир очкўзлик тепди қонингда,
Қўшинг фарзандини қолдирдинг етим.

Ҳўқморонлик истаб
Қўшни Ватанга,
Қиргин-барот қилдинг бетўхтов, ажаб...
Бировинг гуллатган
Боғу чаманга,
Бировинг ўт қўйдинг, очкўзлик сабаб.

Кўп бор бад ниятдан
Тутдим қўлингни,
Бўлгил бир-бирингга дея бедахл.
Битта қавм бўлган
Қизу ўғлимни,
Битта халқ деб атадим, ахир.

Ҳар қавмингни халқ атадим,
Узга қилдим одатинг.
Узга бўлди мамлакатинг,
Узга-узга миллатинг.
Ҳар бирингга ўзга тақдир,
Узга-ўзга тил бердим.
Уз тақдиринг билан банд бўл,
Урушга йўл йўқ, дердим.
Не иложки, яхши ният —
Билан қилган бу ишим,
Доғда кўйди мени баттар,
Ортида яна ташвишим.
Қайси тилда сўзлашмасин,
Қонхўр, урушқоқ зотлар,
Уруш учун топди сабаб,
Топди сабаб безотлар,
Бир-бирини камситмоққа
Чора излаб атайин...
Битта халқни буюқ деди,
Бирин эса нотаийн.
Мен — баланду

У — паст, дея

Хоҳ гердайсин, хоҳ ансин,
Мен барчангни тенг кўраман,
Ким-ишонсин, ким — тонсин!
Мен сен билан сўзлашаман
Илк бор берган тилимда,
Бу тил бир хил садо берар,
Таваллудда, ўлимда.
Ишонмасанг, тингла, болам,
Ҳамма кулар бир хилде,
Ишонмасанг, тингла, болам,
Ҳамма йиғлар бир тилда,
Сезгиларнинг тили бирдир,
Туйғуларнинг тили бир,
Кувончларнинг тили бирдир,
Қайғуларнинг тили бир.
Муҳаббатнинг тили битта,
Ҳижронинг ҳам тили бир.
Орзуларнинг тили битта,
Армоннинг ҳам тили бир.
Мен-ку сенга ўргатгандим
Сўзлашнинг минг хилини,
Сен кашф этдинг менга ёт бир
Урушларнинг тилини.
Ҳа, ўша тил заҳри мудом
Юрагимни яралар.

Уша тилда сўзлашади
Мудом дили қоралар...

VII

Сенга ҳаёт берган илоҳий қудрат
Овнинг остида ётган Мен — эдим.
Сен эса Худони яратиб бир пайт,
«Тириклик ўшанинг измида!» — дединг.

Сен худо номини қилардинг тақдор,
Мен — сени йўқликдан яратган худо!
Фаҳм эт!

Мен — ҳаётинг қасрига меъмор,
Мен — сенга ибтидо!
Уруш — интиҳо!

VIII

Динлар занжирида
Қолма, деб ночор,
Сенга ато этдим ақлу заковат.
Дунё кўзларингга кўринганда тор,
Йўл курсатмоқ учун
Бердим даҳолар.

Оқиллар кашф этса зив ва олов,
Қайнаб турсин, дея олам қозони.
Жоҳиллар боғларни ёндириб лав-лов
Ваҳшийлиги билан шуҳрат қозонди.

Донолар дур топди уммон остидан
Зебу зийнат учун,
Гўзаллик учун,
Жоҳиллар от солди ўзга устидан,
Гавҳар орттирмоғу
Афзаллик учун.

Болам,
Бисотимни тутганим сайин,
Бойлик сабаб бўлди қирғин, ажалга,
Юртлар,
Мамлакатлар
Эллар етмайин,
Қитъалар урушга киришди дангал.

IX

Бундай разолатдан тоқатларим тоқ,
Сени қирғинлардан асраш истадим.
Солдим юрагингга эзгу иштиёқ —
Осойишта яшаш истагин.

Шундан идрокингда чақмоқ чакдию,
Уруш иллатларин очиб ташладинг.
Кўнингда кўпирди муқаддас туйғу,
Бирлаштирмоқ бўлдинг бошларинг.

Сездинг қон тўкишмас ҳаёт маънисини:
Урушқоқлар бошқа,

Эллар бошқарди,
Қалиб келди қону қондошлик ҳисси,
Қалбингни ёритди инсоний қадр.

Қалбингда янраган ларзақор садо
Куйланди армонли кўшиқларингда.
Донолар шу йўлда этди жон фидо,
Шу армон жо бўлди тарих қаърида.

Аммо, нажот қайда,
Чора қайдадир?
Кутулмоққа уруш исканжасидан...
Қандоқ озод бўлар инсоний қадр,
Бойлик бандаларин дастланжасидан.

Менинг ҳам,
Сенинг ҳам бошинг қотириб,
Кўндаланг турарди шундоқ масала,
Тафаккур дунёсин нурга тўлдириб,
Бир даҳо туғилди тутиб машъала.



Т. САЪДУЛЛАЕВ чизган расм

Сенинг армонларинг.
Менинг иродам
Унинг идрокида топди ниҳоя...
Асрий мударрани этди ирода
Коммунизм деган башарий ғоя.

Шу ғоя мазмуни — Меҳру Оқибат,
Сен ошуфта бўлган Гўзаллик йўли.
Инсоний Эрк,
Қадр,

Муҳаббат

Онгларга сингарди нурдеста бўлиб.

X

Бу кун қиёс йўқдир тафаккурингга,
Қилин қирққа ёрмоқ келар қўлингдан.
Умр кўша олдинг
Қисқа умрингга,
Ғолиб чиқа олдинг ҳатто ўлимдан.

Болам,
Чексиз қудрат, чексиз идрокинг
Парчалаб ташлади зарраларни ҳам.
Олиб кела билдинг Ойнинг ҳам хоқин,
Фикрингга тор ҳатто бепоён олам.

Тафаккур бобида фазлу камолот
Ҳар бирингга ошно
Бўлган ушбу чоқ,
Биринг — боғ яратиб, безатсанг ҳаёт,
Биринг — қилмоқчисан бағримни жангоҳ.

Бирингинг қўлингга иқбол мағфи,
Еритмоқ истайсин истиқболимни.
Биринг-чи, ўчириб Ҳаёт чирогин,
Сундирмоқ бўласан бахт-толеимни.

Букун қанот олиб
Мендан, дилбандим,
Фазо пучмоғида учиб юрибсан.
Теграмда айланаиб, жонга пайвандим,
Жароҳатли бағрим кўриб турибсан.

Сенинг янридан банди-бандимда
Нурдан тез учувчи ракеталар жо.
Бедаво дард бўлиб уллар танимда,
Гўё тиламоқда менга ҳам қазо.

Денгиз, океанлар, қитъалар оша,
Бир-бирини нишонга олган бомбалар.
Мени излаб юрган ажалга ўхшаб
Эс-хушим ўғирлар,
Ташвишга солар.

Наҳот, қуёш янглиғ ёритиб умринг,
Камолот бахш этган нурли тафаккур.
Бемаврид ёнгиндай қуриб шўринг,
Эртанги кўнингни муллоқ йўқ қилур.

XI

Болам,
Кўксим эмиб ўсган одамзод,
Сўзимга қулоқ бер,
Ишлат идрокинг!
Сенга бахш этганим — Тириклик, Ҳаёт,
Менга ажал бўлиб қайтмағай токи...
Бугун чақнажак ўтдан кўрқаман,
Оламга етади ул олов тили.
Билгил, шу учкунни ногоҳ чакнатган
Сенинг ҳам, менинг ҳам бўлар қотилим!

Чунки миллион йиллар,
Мингларча жангда —

Мен барчангни қонрон кўрмоқ истарман,
Орзум барчанг учун
Тенг ва тинч ҳаёт!
Фақат Сен тинч бўлсанг,
Мен тинч яшарман,
Кўркув, таҳликадан эт мени озод!

Қай кун эди!
Ҳатто чиқмиш эсимдан,
Сени туғиб, Сенга берганим ҳаёт!
Бугун тақдиримни Бериб измингга
Сендан, эй Одамзод,
Сўрайман нажот!

Намайини

Пахтазор юлдузлари

Юртимизнинг марду майдон эрлари,
Манглайда ҳур меҳнатнинг герлари,
Пўлат оти ҳайқиртирган шерлари,
Олқиш сизга, пахтазор юлдузлари.

Ҳамма қойил ажиб суръатингизга,
Шиддати зўр ҳамда журъатингизга,
Дарё бўйин эгар кудратингизга,
Олқиш сизга, пахтазор юлдузлари.

Кийин ишга қўлни аллдай урдингиз,
Гўзал кишлоқ, обод шаҳар курдингиз,
Дарё сувини тўплаб чўлга бурдингиз,
Олқиш сизга, пахтазор юлдузлари.

Москвага рапорт берган шоввози,
Ишингиздан улуг партиям рози,
Сизни куйлар Зоҳир қўлида сози,
Олқиш сизга, пахтазор юлдузлари.

Ш.Олимов



Жиззах область, Дусллик районидagi Қосим Раҳимов номли совхоз пахта ташувчиларидан Пўлат Холматов, Абайир Усаров етиштирилган мўл-кўл пахта ҳосилини нес-нобуд қилмай пунктларга етказиб бериш ишда жонбозлик кўрсатдилар.




Фарғона область, Олтиариқ районидagi «Ўзбекистон» колхозининг КПСС XXV съезди делегати Раъно Каримова бошлиқ бригада аъзолари пахта топириш планини ортиги билан адо этдилар. Суратда: Раъно Каримова, механизаторлар — Ҳамда Ҳожиёва, Имом Эминов, Араббой Мадалиевлар келгуси режалар хусусида маслаҳатлашмоқдалар.

Ш. Олимов фотоси [ЎзТАГ]

РЕСПУБЛИКАМИЗ

Самарқанд область, Большевик районидagi «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози пахтазорларида машина терми пайти.

Р. Гафуров фотоси [ЎзТАГ]



Онлавий экипаж қувончи: Бухоро область, Шофирмон районидagi «Шофирмон» колхозининг механизатори, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Мастура Каримова билан унинг турмуш урғоги Илҳом Ҳусанов мавсумда 750 тонна пахта тердилар.





Анджон область, Москва районидagi Октябрь колхозининг илгор теримчи қизлари — З. Олимпоева, Б. Араббоева, Х. Исомиддинова, З. Каримова, М. Раҳмонова.

ИФТИХОРИ

Бўка район, Ҳамза номидаги колхоз раиси Шарифжон Валижонов илгор механизатор Турсун Қўзиёв билан пахтазорда.



Фарғона область, Олтиариқ районидagi Энгельс номи колхоз бригадирини Шаҳодат Тўйчиева (ўнгда), илгор теримчилар — Орзухон Аллонова, Доноҳон Абдуллаева.

Самарқанд область, Иштихон районидagi «8 Марти» колхозининг бош инженери (ўнгда) Болта Тошмуродов илгор механизатор Худойберди Хитоев билан пахта ҳосилдорлигини кўздан кечирмоқдалар.



Ж. Тўраев фотолари

БАРХАНЛАРДА ЯШИЛ ЎРМОНЛАР

Анна МОЛЧАНОВА,

Урта Осие Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти директорининг
уринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари доктори

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Май ва 1983 йил Июнь пленумлари қарорларида мамлакатимиз илмий муассасалари ходимлари олдида ҳам жуда масъулиятли вазифалар қўйилди. Урта Осие Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти олимлари ва мутахассислари партия-мизнинг бу ҳаётий кўрсатмалари асосида ўз илмий фаолиятларини янги вазифалар сари йўналтирмоқдалар, халқ хўжалигининг туб масалалари билан боғлиқ бўлган муаммоларни тегишли ва ўрганиш объектлари қилиб олмақдалар, хусусан, Урта Осие шароитида муҳофазавий ўрмончиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Маълумки, мамлакатимизнинг деҳқончилик учун яроқли бўлган катта қисмида вақти-вақти билан қургоччилик бўлиб туради. Бу эса қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг кескин камайишига олиб келади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида, ҳайдалади-ган ерларнинг тўртдан уч қисмида юз бериб турадиган шамол ва сув эрозияси ҳам анча зиён етказмоқда. Шунинг учун ҳам табиатнинг стихияли кучларига қарши курашиш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифадир.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Май пленуми қарорига мувофиқ ўрмон хўжалиги ҳам агросано-от комплекси тармоғига киритилди. Демак, ўрмон хўжаликлари коллективларнинг масъулияти ва ҳуқуқи маълум даражада ортди. Шунга қараб, ўрмон хўжалиги ходимлари ва бу соҳадаги мутахассислар учун чўл ва ярим чўл шароитида экинларни қургоччиликдан, гармселдан ҳимоя қилиш биринчи даражали вазифалардандир. Олимларимиз томонидан қум кўчадиган жойларда Урта Осие республикаларо қургоччиликка чидамли иҳотазорлар ташкил этиш ва дашт-яйловлар самарадорлигини оширишга қаратилган «Озуқа» программаси ишлаб чиқилди ва бу программани амалга оширишга киришилди.

Коллективимиз мазкур программа асосида қум барханларини мустаҳкамлаш, қумлоқ ерларда ўт-ўланларнинг яхши ўсишини таъминлаш, ва шу йўл билан унинг ҳар гектаридан камида 70 озуқа бирлиги олишга эришиш тадбирларини ишлаб чиқмоқдалар. Ғиёҳлар ҳам ўсадиган ва эгизсимон гадир-будир қумлоқлардаги яйловларни муҳофаза қиладиган иҳотазорларни ўстириш ағротехникаси ишлаб чиқилмоқдаки, бу тадбир яйловлар унумдорлигини ошириб, ҳар гектардан қўшимча равишда 50—70 озуқа бирлиги олиш имкониятини беради. Биз ҳозир шу ағротехника бўйича Қизилқумнинг жанубий, жануби-шарқий ва жануби-ғарбий, шунингдек, Марказий Фарғонанинг ички қумлоқ воҳисида ҳамда Қорақум этакларида жойлашган хўжаликларда 220 гектар майдонда тажрибалар ўтказмоқдамиз. Тажрибалар ўрмон мелиорацияси бўйича етук мутахассислардан А. А. Данилин, М. Собиров, М. Парфенов, Ш. Фузайлов ўртоқлар раҳбарлигида олиб борилмоқда.

Урта Осие Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг яйловларда ҳимоя иҳоталари ўстириш бўйича тавсиялари, мана, икки-уч йилдирки, ишлаб чиқаришда кенг жорий этилмоқда. Фақатгина 1981—1982 йилларда бундай иҳотазорлар 200 минг гектардан кўпроқ майдонда ташкил этилди. Яқин йилларда ўрмон хўжаликлари ходимлари ва ишчиларининг

кучи билан 2 миллион гектарга яқин майдондаги яйловларда мелиорация ишлари бажарилиб, ихота кўчатлари ўтказилади. Бу эса келажакда қўйлар сонини тахминан 400—500 минг бошга кўпайтиришга шароит яратади.

Яйловларнинг махсуддорлигини ошириш тадбирлари «Озуқа» комплекс программасидан ташқари ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера» халқаро программаси бўйича ҳам амалга оширилмоқда. Мазкур программа асосида ҳам институтиимиз олимлари СССР Фанлар академиясининг «Биогеоэкология ва табиатни муҳофаза қилиш» марказлаштириш плани бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Умуман, қумлоқларни ўзлаштириш, чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлаш, эрозияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш соҳаларидаги тадқиқотлар Урта Осие ва Қозғоғистоннинг чўл ерларини комплекс ўрганиш ва ўзлаштириш плани бўйича изчил амалга оширилмоқда. Мазкур

лар билан муҳофаза қилинмоқда. Бундай иҳотазорлар, айниқса, кучли шамол бўладиган районларда яхши натижалар бермоқда. Масалан, Қўқон атроф районларининг иҳотазорлашган далаларида чигитнинг ўсиши ва ривожланиши меъёрида, ҳосили ҳам гектарига 35—40 центнерни ташкил этмоқда.

Биз республикамиз ўрмонларини ҳашаротлардан муҳофаза қилиш ишларини ҳам амалга оширмоқдамиз. Масалан, 1982 йилда биргина Боботғў ўрмон хўжалигига қарашли 1 минг 425 гектар майдондаги бодомзорлар ҳашаротлардан муҳофаза қилинди. Бу йил эса ўша хўжаликда 2 минг гектардаги шу хил дарахлар биопреларлар билан дориланди.

Саройқўрғон ўрмон хўжалиги мевали дарахлар, хусусан, анғоқ, бодом бўйича тажриба-намуна хўжалиги ҳисобланади. Бу ерда 35 гектар майдонда саноат асосига қурилган кўчатзор ташкил этилган бўлиб, унда турли навлар синалмоқда. Масалан, ўша майдоннинг 16 гектарига до-

Фан — халқ хизматида

тадқиқотлар натижасида биз эрозия жараёнларининг олдини олиш, тупроқни муҳофаза қилиш ва ўсимликларни кўпроқ ундириш, ҳуллас, бизни ўраб турган табиат ҳолатини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқишга муваффақ бўлаемиз.

Олимларимиз ва мутахассисларимиз 1981 йилдан бери Орол денгизи муаммоси билан ҳам шуғулланмоқдалар. Маълумки, денгизга Амударёдан қуйилаётган сув миқдори кескин камайиши оқибатида Оролнинг сув сатҳи йил сайин жуда пасайиб кетмоқда. Бу эса, денгиз атрофи районларига, унинг ҳайвонот дунёсига ва табиатига ҳавф туғдирмоқда. Биз денгиз атрофи зоналарида 200 минг гектар майдонда иҳотазорлар ташкил қилиш мумкин, деган хулосага келдик. Бу эса денгизнинг қуриган қисмидан кўчадиган қум, чанг ва тузлар миқдорини бирмунча камайитиришга олиб келади. Айни вақтда бу иҳотазорлар ўша жойлардаги яйловлар шароитини ҳам яхшилайди.

Далаларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ўрмончиликни ривожлантириш тадбирлари Бутуниттифоқ Пахтачилик институти, Урта Осие Суз хўжалиги институти, Урта Осие Қишлоқ хўжалигини механизмлаш ва электрлаштириш институти ва бошқа бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари ҳамкорликда бажарётган республикаларо «Пахта» комплекс программасига ҳам киритилган. Бу борадаги тадқиқотлар ер имкониятларидан самарали фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш ва махсуддорлигини оширишга қаратилгандир. Бу эса пировард натижада пахта ҳосилини гектарига 4—6 центнерга ошириш имконини беради.

Институтиимиз коллективи айни вақтда тадқиқотлар ва изланишлар натижасини ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор бермоқда. 1981—1982 йилларда иҳотазорларни жойлаштириш, унинг кенглиги, тузилиши ва ўстириш ағротехникасига доир тавсиялар 31 минг гектардан кўпроқ майдонда жорий этилди. Ҳозир республикамизда 1 миллион гектарга яқин пахта майдони иҳотазор-

квадрат-километр майдонда атроф муҳитни муҳофаза қилишга мўлжалланган ўрмонзорлар мавжуддир.

Институтиимиз коллективи Жиззах областидаги «Фалларол» ва Сирдарё областидаги «Партия XXIII съезди» совхозлари билан 1982—1985 йилларга хўжалик шартномалари тузиб, экинзорларни табиат эрозияларидан муҳофаза қиладиган иҳотазорлар самарадорлигини юмшатувчи ағротеллар илмий ютуқларни ўша жойларда ишлаб чиқаришга кенг жорий этмоқда.

Биз фаннинг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигини институт устaxonаларида ўрмон хўжалиги ишларига қўл келадиган турли техника воситаларини тайёрлаб бериш йўли билан ҳам амалга оширмоқдамиз. Масалан, кейинги уч йилда ўрмон хўжаликлари учун 125 та кўчат ўтказувчи, 54 та тоғ этакларини юмшатувчи ағротеллар ҳамда 227 та бошқа хил молсамалар тайёрлаб сотилди. Мутахассисларимиздан С. С. Шабурян, П. Мамедов, Л. И. Корсун сингари ўртоқлар кейинги йилларда бажарган иxtиrolар ва кашфиётлари учун СССР Министрлар Совети тузуридаги Иxtirolар ва кашфиётлар бўйича давлат комитети томонидан авторлик гувоҳномалари билан тақдирландилар. Масалан, истеъдодли олима И. Малаяина ҳам дарахларни ҳашаротлардан муҳофаза қиладиган трихограммааларини ўрчишти усулини яратиб, ҳашаротларга қарши биологик курашни йўлга қўйгани учун Иxtirolар ва кашфиётлар бўйича давлат комитетининг тақдирномасига сазовор бўлди.

Хулоса қилиб, шунга айтиш мумкинки, Урта Осие Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг коллективи тадқиқот ишларини КПСС Марказий Комитети тарихий пленумлари асосида ташкил этиб, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш йўлида астойдил изланмоқда.



Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўрмончи Ғаффор Пиримов 38 йилдан бери ўз насабига садоқат билан хизмат қилиб келмоқда.

Ш. Шаропов фотоси
[ЎзТАГ фотохроникаси]



Моҳира МАМАДАЛИЕВА

ЖИГОРАНИНГ заводга биринчи бориши эди. Цех бўйлаб борар экан, ҳамма нарса унга галати туюларди. Айниқса, катта-катта печлар, уларга оҳиста кириб бораётган чойнак, пивёла, лаган, коса ва ликопчалар эрталар дунёсини эслатарди. Йўл-йўлакай ўзиюрар жавон қутиллар чинни маҳсулотларини қаергадир элтар, қизғи, бу жавон қутилари на биров бошқарар, на биров кузатиб юрар эди.

Нигора цехдан ўтиб, иккинчи қаватга кўтарилди ва «цех бошлиғи» деб ёзилган эшикни секингина тақиллатди. Ичкаридан рухсат бўлгач, хонага кирди. Эши ўттиз бешлар атрофидаги цех бошлиғи — Мирза Топшўлатов Нигорага қараб:

- Хўш, хизмат! — деди.
- Ишга кирмоқчи эдим.
- Яхши. Маълумотингиз?
- Учинчи синфни тугатганман.
- Цехни айланиб кўрдингизми?
- Ҳозир... цехдан ўтиб келдим.
- Йўқ, сиз шошилманг, ҳозир тўқ

шиб, цехни бир айланиб чиқинг, илож бўлса, ишчилар билан суҳбатлашинг. Обдон ўйлаб, кейин кириш.

Нигора цехни айланди. Қизлар билан гаплашди. Завод унга ёқди. Айниқса чойнак участкаси маъқул бўлди. Узун лента атрофида қизлар қатор ўтиришар, лента улар олдиндан худди оқар сувдек ўтар эди. Лента устида турна қатор ярим тайёр чойнаклар тизилиб келарди. Қизларнинг бири чойнакка жўмрак ўрнатса, яна бошқаси банд ёпиштирарди. Хуллас, бир зунда оддий лойдан чойнак яғаларди...

Нигора, илтимосига кўра, чойнак участкасига ишга қабул қилинди. Биринчи иш кунни қизиқарли ўтди. Уни Махмуда деган ўзидан кичик қизга бикритиб қўйишди. Ишга кириш қатъан Нигора тушликка чиқиш вақти бўлганича ҳам билмади қолди.

- Нигора опа, тушликка чиқамиз, — деди Махмуда.
- Дарров-а!..

Улар кўпчилик бўлиб ошхонада овқатланиб, ташқарига чиқиди.

- Қизлар, кимда соат бор! — деб сўради Мавжуда.
- Ҳа, тинчликми ёки тушликда ҳам учрашув бормиди? — дея ҳазиллашди Саида.
- Кутубхонага кириб чиқмоқчи эдим.
- Биз ҳам қирайлик-чи, балки янги китоблар келтиришгандир...
- Қизлар бир-бирлари билан ҳазиллашиб, кутубхонага киришди. Сўнгра яна цехга қайтишди.

Нигоранинг биринчи иш кунни кўнглили ўтди. Смена тугагандан кейин Махмуда қизларга:

- Хайр, Яхши дам олинглар. Мен бугун сизлар билан кета олмаман. Эрталабдан тишим оғриётганди, иш охирига келиб кучайди, докторга учрашмасам бўлмайди, — деганиче медпунктга кириб кетди.

Қизлар Махмуда билан хайрлашиб, кўчага чиқиди.

— Заводда тиш доктори борми? — қизиқиб сўради Нигора.

— Сизни бирор кунни завод бўйлаб экскурсия қилдириш керак экан... Медпунктимиз катта. Полклиника дейиш мумкин. У ерда терапия, физиотерапия, хирургия, тиш кабинетлари бор. Кейин-чи, Нигора опа, ательемиз бор. Кўйлакларни дидингиздагидек тикиб беришадди, — деди Махаббат.

— Сенинг дардинг — кўйлак тиктириш, — дея гапга қўшилди Саида.

— Э-э, кечирасиз, Саидахон, билмабман, — ҳазиллашиб сўзини давом эттирди Махаббат. — Нигора опа, бизда ҳаваскорлик тўғраги ҳам бор. Унда Саидахонга ўхшаш ишчиларимиз раққосалигу хонандаликни ўрганишадди.

Саида бироз қизариб, Муҳаббатга гап қотди:

- Сиз олдин ўқувчилик давридан ўтиб олинг, кейин сизни ҳам тўғаракка олармиз.

Муҳаббат ишга саккизинчи синфни тугатиб келган бўлиб, ҳозир заводдаги ишчи ёшлар мактабининг ўнинчи синфида ўқиётган эди. Саида шунга шавма қилиб гапирётганди.

- Биласизми, Саида, мактабни тугатсам, тўғаракда вақтимни ўтказмайман.
- Хў-ў-ш?
- Институтга киранман. Касбим бўйича сиртдан ўқийман.

— Нима бўпти, ана, Ноибани ҳам, Салима ҳам сиртдан ўқишпти. Тўғаракни ҳам қойил қилишпти-ку.

— Тўғриси айтсам, сизларга ҳавасим келади. Лекин қўшиқ айтиш ёки рақс тушиш қўлимдан келмайди. Фақат маза қилиб томоша қилишни яхши кўраман...

...Нигора ишдан жуда мамнун қайтди. У ишлаётган бригада аъзолари асосан қизлардан иборат эди: ҳаммаси ишчан, шўх, ёш бўлишига қарамай, ўз касбининг устаси. Мастерлари Сардор ҳам ақлли, зийрак, тажрибали, жуда талабчан, аммо меҳрибон.

Нигора иложи борица тезроқ бошқаларга ўхшаб мустақил ишлашга ошиқарди...

У касбини жуда қисқа вақт ичда ўрганди. Ишга кирганининг иккинчи йили мастер ёрдамчиси, бешолти ойдан кейин эса мастер қилиб тайинланди. Энди вазибалари илгаридан анча кўпайди. У ишончи

оқлаш учун доимо елиб-югурар, аммо ҳеч қачон ишдан нолимас эди. Раҳбарлар унинг жонкуярлигидан, заводнинг ҳар қандай юмуши учун доимо тайёрлигидан мамнун эдилар. Ишчан, табиятан бир оз шаддодроқ бўлган Нигора мастер сифатида ҳам ўзини кўрсата олди.

Бир кун Нигора ишдан чиққиди қизчасини олиш учун боғчага йўл олди. Шу пайт орқасидан бировнинг: «Уйингиз бу ёқда эмас шекилли», деган овозини эшитиб, орқасига қаради: қўшни бригада мастери Сардор келарди.

— Қизимни боғчадан олмоқчи эдим.

- Узоқми боғча?
- Икки бекат нарида.
- Сизга боғчагача ҳамроҳ бўлсам, қарши эмасмисиз?
- Йўқ, нега энди?
- Уйингизнинг олдида боғча бор эди-ку, Нигора!
- Жой йўқ экан.
- Завод боғчасига бера қолмасиз-да. Яхши боғча. Тарбиячилари ҳам ширинсўз, кичкинтойларга меҳрибон қизлар.
- Олдинига заводда боғча борлигини билмадим. Кейинчалик кўчиргим келмади. Сиз мендан хафа эмасмисиз?
- Нимага?
- Сизнинг ўрнингизда ишлаётганим учун.

— Асло. Менга бари бир. У бригадада ишладим нимаю бунисида ишладим нима... Биласизми, Нигора, мен сиздан бир оз ноқулайроқ бир нарсани сўрамоқчиман. Хафа бўлмайсизми?

- Ававал сўранг-чи.
- Қизингизнинг отаси қаерда?
- ...
- Биламан, сўрамаслигим керак эди, лекин анча бўлди, бир гап эшитгандим, шунинг учун...
- Тўғри эшитибсиз, қизимнинг отаси йўқ...

— Нигора, мен аслида гапга нўноқроқ одамман. Айниқса, аёллар билан гаплашишга... Лекин сизга анчадан бери бир гап айтмоқчи бўлиб юрбман.

- Хўш, нима экан?
- Айтмоқчиманки, бир-биримизга анча синашта бўлиб қолдик. Сизни билмайман-у, мен анчадан бери сизни кузатиб юрбман. Агар қарши бўлмасангиз, бирга турмуш қурсак, деган умидим бор.

Нигора қутилмаган бу гапдан саросимага тушиб қолди.

— Ҳар жолда икки йилдан бери бирга ишлаймиз. Яхши бўлларди таклифимга кўнсангиз. Мен институтни тугатган йилим бир курсдошимга уйланган эдим. У меҳрибон, оқила қиз эди. Иккимиз ҳам турмушимиздан рози эдик. Аммо тақдиримизда айрилиқ бор экан. Турмушимизнинг иккинчи йили фарзанд кутаётган бир пайтда бахтсизлик руй берди. У анча қийналиб фарзанд кўрди. Врачлар кўп ҳаракат қилишди-ю, фақат чақалоқни асраб қолишди. Ўзини эса...

Нигора негандир Сардорнинг қалбига бирон-бир дарди борлигини тасаввур қилиб кўрмаганди. Йигитга ички бир ачиниш билан қараб қўйди. Сардор эса жавоб кутарди.

- Қанча бўлди?
- Уч йил... Хўш, менинг таклифимга нима дейсиз?
- Сардор, мендан хафа бўлманг. Мен турмушга чиқмайман. Хўп, хайр, мен етиб келдим.

Уч-тўрт кундан кейин Сардор яна турмуш қурди тўғрисида гапириб кўрди. Аммо Нигора уни қатъий рад этди.

Нигора ҳам, Сардор ҳам ишларини ўз вақтида бажаришар, ўз бригадалари учун, план учун тинмай ишлашар, аммо бирпас холи қолишса, ўртада қандайдир ноқулайлик ҳуки сураар эди. Баян Нигора Сардорнинг узоқдан ўзига қараб турганини кўриб қолар, ўзини кўрмасликка олар эди.

Орадан икки-уч ой ўтиб Сардор яна ўз илтимосини такрорлади. Нигора уни эшитишни ҳам истамасди.

— Нигора, тушинсангиз-чи, менга сизсиз яшаш қийин бўляпти. Нега мени эшитишни ҳам истамасиз?! Йўқ дейишингизга бирор сабаб борми?

Нигора бир оз индамай турди-да, сўнг Сардорни лол қолдириб, ишдан кейин бир айланиб келишга таклиф қилди. Сардор олдинига ҳайрон бўлди-ю, кейин тезроқ смена тугашини интиқ бўлиб кутди. Ишдан кейин иккалалари айланиб ишхоналаридан унча узоқ бўлмаган хиебонга боришди. Нигоранинг хоҳиши билан четроқда турган бўш семакекага ўтиришди. Гапни Нигора бошлади:

— Биласизми, нимага бу ёққа таклиф этдим. Турмуш тўғрисидаги илтимосингиздан рад этишим сизга оғирроқ ботаяпти. Шунинг учун гаплашиб олишимиз керак. Бундан олти йил илгари мактабни тугатиб, магазинда ишлаб юрган кезларим бир магазинчи йигитга турмушга чиқувдим. Мен учун у дунёдаги энг азиз одам эди. Биз уч йил жуда яхши яшадик. Аммо негандир у кейинчалик ўзгариб қолди. Кўпича ишдан кеч қайтадиган, арзиманган нарсадан можаро ахтарадиган одат чиқарди. Мен буларнинг ҳаммасини иши кўпчилигига йўйдим. Бошқа нима бўлиши мумкин? Мен уни жуда хурмат қилардим, унинг раъйига қа-



Расми Н. ИБРОҲИМОВ чизган

ШИЛЛИККА бурканлар кимёгарлар шаҳарчасининг марказий кўчасида бир киши шаддам одимлаб бормоқда. У йўловчилар билан салом-алик қилар, атрофдаги салобатли биноларга, кўркем хибонга меҳр билан назар ташлар эди. Кўчанинг бир тарафидоги мактаб ҳовлисида ўқувчиларнинг, унинг рўпарасидаги бинодан кичкин-тойларнинг қаҳқаҳаси эшитиларди. Шу топда уни аллақандай илқ хислар чулғарди.

...Ҳамон ёдида. Дарғом каналининг кунботар томонида завод қурила бошлаган пайтда бу ерларда туякоринлар юмалаб юрарди. Инсоннинг қўли гул деб шуни айтсалар керак-да: корхона тикланган сайин бир учи «Москв» колхозининг қишлоқлари билан туташ бўлган бу тап-тақир жойда иморатлар пайдо бўла бошладди. Аста-секин шаҳар атроф қишлоқлардан заводни, унга йўлдош Химиклар шаҳарчасини барпо этишга бел боғлаган одамлар сони тобора орта борди. Кўп ўтмай шимм шаҳарча бунёд этилди. Шу вақт ичида суперфосфат заводининг дастлабки қувватлари ҳам қуриб битказилди.

Ушанда янги корхона ишчи кучига жуда-жуда муҳтож эди. Ававалига қурувчилар қилиб юрган юзлаб қишлоқлар заводга ишга кирдилар. Атроф қишлоқлардан келиб кимёгар бўламан деювчилар ҳам кўпайди... Орадан йиллар ўтди. Энди бу шаҳарчани ҳақиқий кимёгарлар маскани деса бўлади. Ҳашаматли маданият саройи, машиий хизмат уйи, стадион, савдо маркази, қават-қават турар-жой бинолари...

Сайдмурод ака ана шуларни хотирдан бирма-бир ўтказаркан:

— Ҳўш, ўзим кимман!— дедию ана ўзи жавоб берди.— Кимёгарман.

Кимёгарлик Сайдмурод ака учун мўътабар касба айлиниб қолди. У бу шарафли номни ҳамиша эъзозлайди. Ахир, бу касбини эгаллагучна озмуна машаққатлар кечкди! Ўғит тайёрлаш технологиясини мукаммал ўзлаштириш, асбоб-ускуналарнинг ишлашини назорат қиладиган датчикларни ўрганишининг ўзи бўладики. Энг аввал у корхонада бажариладиган жараёнларни пухта эгаллашга киришди. Лекин унинг ҳунар-техника мактабида олган билими улкан корхонада яйраб ишлаш учун камлик қиларди. Шунинг учун завод маъмурияти Сайдмурод ва у сингари ўнлаб маҳаллий кадрларни ўқишга юборишни лозим топ-

КИМЁГАР

ди. У бир гуруҳ тенгдошлари билан Украинадаги кимё заводларидан бирида аппаратларни юрғизиш ва ишлатиш жараёнларини, махсулот ишлаб чиқариш технологиясини ўрганиб қайтди. Кўп ўтмай, Суперфосфат заводида дастлабки махсулот— олтингугурт кислотаси олина бошланди.

Бироқ ўшанда ишлаб чиқариладиган махсулот миқдори жуда кам бўлиб, бир суткада 320 тонна ташкил этарди. Олдинда эса, жуда катта муаммолар турарди. Буни чуқур ҳис этган Сайдмурод Қаландаров бутун борлиги билан меҳнатга берилди. У иктидорли кимёгар сифатида заводда танилди. Уни оғир участкалардан бири— печь бўлимига ўтказишганида, шижоати янада яққолроқ кўринди.

Заводада суперфосфат цехининг ишга туширилиши деҳқонларимиз учун айни мудабо бўлди. Завод йил сайин ўсиб, кенгайиб борди. 1959 йилга келиб ана бир янги цех ишга туширилди— аммонийлашган суперфосфат ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу эса истиқбол сари ана бир қадам эди. Бироқ Сайдмуроднинг иши ҳали мураккаблигича қолаётган эди. Чунки улар печларда ҳамон калчедан унни ёқишар, ундан экралиб чиқадиган турли газлар атроф-муҳитни анча булғатар эди. Сайдмурод Қаландаров эса, тез орада бу ишлар замонавий технология асосида қурилган асбоб-ускуналар ёрдамида бажарилишига ишонарди. Бу ишонч уни дадилликка ундарди.

1962 йилда совет мутахассислари томонидан Вьетнамда қурилган суперфосфат заводида кадрлар юбориш лозим бўлиб қолди. Сайдмурод биринчи бўлиб рўйхатга ёзилди. У қаҳрамон

юрта қарий бир ярим йилча бўлиб, вьетнамлик дўстларига ўз касбининг сирларни ўргатди, амалий маслаҳатлар берди. Унинг бу хизматлари Вьетнам ҳукуматининг фахрий ёрлиғи ҳамда «Совет — Вьетнам дўстлиги» медали билан тақдирланди.

Сайдмурод Қаландаров Самарқандга қайтиб келгач, яна ўз иш жойини эгаллади. Ишлар аввалгидан ҳам жадаллашди. Кишлоқ хўжалигининг муттасил тараққиёти минерал ўғит ишлаб чиқариш миқдорини мумкин қадар кўпайтиришни тақозо қиларди. Сайдмурод бундай ўйлаб қараса, унинг кўз ўнгига корхонада жуда катта ўзгаришлар, айтиш мумкинки, ҳайратомуз ишлар рўй берибди. Масалан, 1976 йилга келиб фосфор экстракцияси цехи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш цехи махсулот бера бошлади, кўпгина технологик жараёнлар автоматлаштирилди ва ҳоказо. Заводнинг иккинчи навбати қурилиб, ишга туширилиши область индустрияси тараққиётида муҳим воқеа бўлди. Йилга 770 минг тонна фосфатли ўғитлар ишлаб чиқарадиган аммофос комплексининг иккинчи навбати қувватлари муддатидан олдин ўзлаштирилди. Аммофос ва фосфор кислотаси экстракцияси цехларидоги Барча технологик қувватлар лойиҳада белгиланган даражада ишлаб бошлади. Натижада, минерал ўғит ишлаб чиқариш миқдори анча ошиб, йилга 805 минг тонна ташкил этмоқда...

...Сайдмурод акани йўқлаб, у меҳнат қилаётган корхонага бордик.

— Ҳаёт жуда мураккаб,— деди у сўхбатымиз пировардида.— Қийинчиликлардан чўчимасдан курашган ва интилган одам ўз мақсадига албатта етади.

Ҳа, Сайдмурод Қаландаров бутун фаолияти давомида ўзининг мазкур фалсафасига амал қилиб келаётди. Шу босқанд ҳам унинг коллектив ўртасида ўз ўрни ва салмоғи бор. Дарвоқе, Сайдмурод Қаландаров ҳалол хизматлари эвазига Ленин ордени ва медаллар билан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, ВЦСПС ва СССР Химия sanoati министригининг Фахрий Ёриқлари билан тақдирланди. У айни пайтда— Самарқанд шаҳар партия комитети ҳамда касба союзулари область Совети президиумининг аъзоси. У фаол жамоатчи сифатида ҳам эл назарига тушган.

Самарқанд

Адҳам ҲАЙИТОВ

раб иш тутардим. Ҳатто тўйимиздан кейин у истамагани учун ишдан ҳам бўшаб олдим. У ҳам авваллари менга меҳрибон эди. Кўнглимга қараб иш тутарди. Кейинчалик нимага ўзгараётганини билолмай ҳайрон бўлардим. Унга ҳам осон эмас, иши оғир, деб ўйлардим. Лекин у кундан-кунга оиладан узоқлаша борди. Шундай кунларда қизчамиз дунёга келди. Мен умид билан чақалоққа Иқбол деб исм қўйдим. «Иқболнинг дунёга келиши зора оиламизни мусулманларга», деб ўйладим. Аммо фарзанд ҳам уни, мен ўйлаганчаки, қувонтира олмади. Гарчи у касалхонадан хабар олиб турган, чиқадиган кунимиз гуллар билан кутган бўлса ҳам, илгариги мен севган йигитга ўхшамасди. Қизчамиз бир ёш бўлай деса ҳамки, илмида. Кундан-кунга узоқлайверди. Ичиб келадиган одат чиқарди... Охири, сабрим тугаб, очикчасига гапллашиб олмакчи бўлдим.

— Сизга нима бўляпти ўзи, тобингиз йўқми ё ишингизда бирор ишқал жойи борми? Нима безовта қилляпти. Бундай кўнглингииз очсангиз—чи, ахир.

— Хавотир олма, Нигора, соғлигим ҳам, ишим ҳам жойида,— деганича чиқиб кетди у.

Орадан бирор hafta ўтгач, тасодифан эрининг ишхонасидаги бир аёл билан топшиб қолганини эшитдим. Кўз олдим қоронғилашиб кетди. Бирпас ҳеч нарсани англолмай қолдим. Атрофимдаги нарсалар чириллаб айлана бошлади. Ҳатто ер ҳам сирғалиб, оёқларим остидан чиқиб кетаётгандек туюлди. Мен ундан ҳамма нарсани кутсам ҳам, бундай бўлишини сира кутмаган эдим. Уни қанчалик севишимга қарамай, бу

қилмишини кечира олмадим. Қизчамни олдим уйдан чиқиб кетдим. Қонун буйича ажрашганимиздан кейин улар турмуш қуришди. Мен заводга ишга кирдим. Орадан шунча вақт ўтди. Мен уни ҳамон унутолмайман. Унутолмасам керак...

ЖЕЙИНАЛИК Сардор Нигорага бирон жиддий гап айтмас эди ҳам муносабатини ўзгартирмади... Бу орада Нигоранинг ота-онаси уни узатиш тарадудига тушиб қолди. Қизларининг тақдир уларни ташвишга соларди.

Бир кун Нигора ишдан келса, онаси жуда хурсанд, қайрияти чоғ, қизини ҳам минг ўргилиб кутиб олди.

— Биласаним, қизим,— дея гап бошлади она,— ҳар бир ота-она фарзандининг бахтини ўйлайди. Биз ҳам сенга ёмонлиқни раво кўрмаймиз. Ҳалиги— кўчамизнинг бошидаги Шавкат деган йигит бор-ку, ўша сени сўратиб одам киргизибди. Мен уни биламан, қизим. Ўзи инженер, одоблигини. Уни ундай дейсан, бун бундай дейсан. Жон қизим, беайб— парвардигор, дейдилар. Ўйлаб кўр!— Ойи, мен ҳеч кимни ёмон деярётганим йўқ, ахир. Турмушга чиқа олмаймиз. Туюшинг, ойи...

— Нимани тушуяни, сендек хотини, гулдек фарзанди бўла туриб, аллакимнинг орқасидан осилиб кетган ўша бетовфиқ хижимиди? Унинг нимасини унут олмайсан. Мен...

— Бас, ойи...

Нигора жаҳл билан ўридан туриб кетди... Шундан кейин у Сар-

дорни тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолди. Бир ёқда Сардор, бир ёқда уйдигилар ўз ҳолига қўйишмасди уни. ...Кўп ўтмай, Сардор билан Нигоранинг тўйлари бўлиб ўтди.

Нигора уй ишларига моҳир, озода, яхши пазанда эди. У Сардорни ҳурмат қилар, уй юмушларига ва заводдаги ишларига доимо улгурар, аммо қўпична хомуш юрарди. Сардор уни хурсанд қилиш учун ҳамма нарсасига тайёр эди. Кейинчалик хотинининг хомушроқ юришига кўникиб ҳам кетди...

Тўсатдан Сардорнинг тоби қочиб, қишлоқонага тушиб қолди. Унинг юраги болагидан бери шундай безовта қилиб турарди.

Нигора эртасига шифохонага оватқ олиб борганида, кечки пайт бўлгани учун касаллар ҳовлида айлиниб юришарди. Сардор ҳам ҳовлидаги ўриндиқда ўтирган экан.

— Узингизни қийнаб, шунча нарсани кўтариб келмасангиз ҳам бўларди,— деди Сардор Нигорага ачиниб.

— Ҳамроҳингиз билан ерсиз. — Ҳамроҳ қёвқеда, палатада икки кишимиз, холос.

Бир оз гапллашиб ўтиришгач, Сардор Нигорани касалхона дарвозасигача кузатиб қўйди.

Кечқурун Сардор шериги Аъзам билан анчагача гапллашиб ўтирди. Гап орасида Аъзам: «Ишингиз ўзингизга ёқадими?», деб сўради. Сардор унга ишми мактаб, охирироғида иши сабаб бўлиб, бахтини топангани, яъни ишхонада бирга ишлайдиган бир жувоини яхши қўриб, унга уйланигани, хотини ниҳоятда яхши эканлигини бир оз мактанчоқлик билан гапириб берди.

— Ҳа, сизнинг омадингиз бор

экан, дўстим. Дунёда хотин яхши бўлсин экан. Ишдан қарчаб келганида бир оғиз ширин гапу бир пиёла иссиқ чой тутса, чарчоғинг ҳам тарқаб кетади. Лекин кўпична бунга эътибор бермайми. Аёлларнинг вазифаси шу, деб билемиз. Бун ки кадрлаш керак экан. Мен бўлсам, ўз бахтини ўзим калтак олиб қуванман. Энди бир умр бахтсиз яшаялман. Ававалги хотиним жуда ажойиб эди. Қадрига ета олмадим. Мен аҳмоқ ўтиники бир хавасга алданиб, ундан воз кечиб, бошқа қизга ўйладим. Энди ўзим севган гўзалнинг жафоларига чидай олмай, шу дардини ортирдим. Бугун бир ҳафта бўлди касалхонага тушганимга, ҳали бирор марта хабар олгани йўқ. Мен унга фақат ишлаб пул топиб турсам яхшиман, холос. Кечирасиз, Сардор, юрагимни сал бўшати олдим.

У тили тағига дори ташлаб, ҳовлига чиқиб кетди.

...Эртасига Нигора ишдан чиқиб, касалхонага келганида эри ҳам, шериги ҳам ухлаб ётишарди. Нигора аста эрини уйғотди. Сардор шеригини уйғотди:

— Аъзамжон, ҳой Аъзамжон, туринг, келин аянғиз келдилар. Девор томонга қараб ётган Аъзам аста ўғирлиб ўридан турди. Нигорани қўриб, бир оёғига шиппагини кийганча қотиб қолди.

Пакетдаги олмаларни бўшатаётган Нигора ҳам Аъзамни қўриб, ҳаяжондан қўлидаги пакетни тушириб юборди. Қалбида нимадир ялт этди: бу йигит бир вақтлар Нигора учун жонидан азия бўлган, ҳамон қалбини бир четда яшаб келётган инсон, ёлғизгина қизи Иқболнинг отаси эди...

ГЎЗАЛЛИК АЛАНГАЛАРИ

Азиза САИДХУЖАЕВА,

фалсафа фанлари кандидати

Ҳозирги замон совет санъатининг назарий ҳамда амалий тараққиётидаги энг муҳим масалалардан бири миллийлик ва интернационалликдир.

Социалистик тузум миллатларнинг тобора яқинлашиши учун, самаралироқ ва ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш учун, моддий ҳамда маънавий бойликларни ўзаро алмашишлари учун барча шарт-шароитни яратиб берди. Совет санъати ҳар томонлама гуллаб-яшнагани шу тарихий ҳақиқатнинг мужассамидир.

Совет санъати ўз тараққиёти давомида миллийлик ва интернационалликни янги, ҳаётбахш ўзига кўчирди, миллийликнинг ўзига хослиги тўғрисидаги тасавури янада чуқурлашди, миллийлик бирор халқнинг кўп асрлик тараққиёти, ҳаёт тарзи, турмуши, иқтисодий-сиёсий ҳолати, дунёқараши ва ўзига хос табиати натижасида юзага келишини намоян қилди. Бу бой халқ ҳаёти тажрибасининг, урф-одатларининг, миллий характерининг, одамлар психикасининг, этик ва эстетик дидининг инъикосидир.

Миллий жиҳатлар асарнинг мазмуни ва шаклида намоён бўлади. Санъатнинг социалистик мазмунида миллий жиҳатларни очиб бериш учун асрлар мобайнида тўлган миллий шакл ифодаларидан фойдаланилади. Миллийлик — бу бир халқнинг бошқалардан ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятидир. Айрим халқлар санъатининг муҳим, бетакрор белгисидир. Айрим халқлар санъатининг муҳим ўзига хос хусусияти бўлишига қарамасдан, бошқа халқлар санъатида учрайдиган унсурларни ўзида муҳассамлаштирмаган ёки уларни ўзида такрорламайдиган «соф» миллийлик бўлиши мумкин эмас. Йўқса, бир халқ санъати иккинчи халқ томонидан мутлақо тушунилмас, уларда эстетик завоқ уйғота олмас эди. Эҳтимол, мана шу қондош-қариндош хусусиятлар, миллий маданиятларнинг муштарак томонлари сабаб бўлиб, интернационал белгилар раванк топар. Чунончи, музикада қарийб барча халқлар куй ривожини бир хил қабул қилади. Ўзбек рақсида классик балетнинг интернационал тили учун характерли бўлган кўл, оёқ ҳаракатлари, ҳолатлари учрайдир. Санъат тили интернационалдир, айна пайтда миллий ҳамдир. Миллий жиҳатлар бир марта ва мангуликка берилган — қотиб қолган нарса эмас. Рус ва жаҳон классикаси аъёналаридан фойдалана билиш миллий маданиятни юксалтириш омили бўлиб, уни интернационаллаштиради.

Санъат турларининг бадий ҳазинаси, хусусан, ўзбек музика санъати совет ва жаҳон музика ютуқлари билан мунтазам равишда бойиб бораётди. Худди шу асосда санъатнинг ягона профессионал тили ҳамда умумий интернационал маданиятининг жонли бадий аъёналари билан узвий қўшилиб кетиши нати-

жасида пайдо бўлган профессионализм бир халқ санъати асарининг бошқаларга ҳам тушунилшини осонлаштиради. СССР халқлари санъатининг асосий тараққиёт йўли мана шундай.

Ўзбек санъати совет ҳокимияти йилларида чинакамга камол топди, ижодда социалистик турмуш тарзининг қарор топишини, халқнинг қаҳрамонона меҳнاتини тасвирлайдиган, унинг туйғуларини янада тўлақонли тарзда ифодалай оладиган янги турлар ва жанрлар пайдо бўлди. Халқлар дўстлигининг қудратли кучи, шарофати билан миллий халқ маданияти, рус ва бошқа халқлар маданияти ютуқлари муҳитида раванк топаётди. Дарҳақиқат, рус ва жаҳон маданиятининг илгор аъёналарини ўз халқининг миллий маданиятига сингдира билиш ва шу орқали миллий музикани бойлата бориш зарур.

Ўзбекистонда замонавий музика маданияти ранг-баранг. У музика жанрининг чўққиси — опералар яратиш, унинг симфоник, хор, музикавий-сахнавий ва бошқа барча шакллари ривожлантириш босқичларини босиб ўтди. Фольклор музикаси аъёналари ҳамда мақом ва катта ашула сингари халқ озғани ҳофизлик аъёналари ўзбек замонавий музикасини шакллантиришда манба бўлиб хизмат қилди. Янги шаклни яратиш жараёни анча мураккаб ва қийин кечди. Ўзбек профессионал музикасининг шаклланиш даврида халқ музикачилари — музика жанрларининг пойдеворини қўйган муғанинлар, ҳофизлар, раққосалар, бастакорлар хизмати катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳофизлар ижоди эса ўзбек хонанделик санъатининг манбаидир. Халқ санъати усталаридан мақом ижроларини ёзиб олган Ю. Ражабий, Р. Романовский, В. Успенский, И. Акбаров, Ф. Кароматов, М. Аҳмедов, К. Аҳмедова, М. Юсупов ва бошқаларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу музикашунослар фаолияти авлодлар учун фақат музикалар туркуминингиз тақдид этган эмас, балки сурнай, танбур, ноғора, доира, дутор сингари халқ чолғу асбобларини чалиб ашула айтган созада ва машоқларнинг ижрочилик мактабларини ҳам сақлаб қола олдилар.

Маълумки, мақомларнинг ижрочилик маданияти ниҳоятда мураккаб. У қўшиқчидан ниҳоятда катта маҳорат талаб этади. Бинобарин, мақомларнинг замонавий жанриги ҳамиса ҳам табиий чиқарилмайди, музикавий тафаккурдаги фалсафий образлик билан ижрочиликдаги образлик кўпинча меърига етмайди. Бугунги мақомчилар баъзан овоз ва нафас кучини расамеда билан таъминлай олмайди ёки ижрочилик маҳорати нуқтани назаридан талаб даражасида бўлмайди. Шундай ҳоллар ҳам учрайдикки, ижрочи қарийб мақомнинг авж пардасига, энг ёрқин нуқтасига — гўзаллик меърожиге кў-

тариллолмайди. Чуқур билимли, кенг маълумотли, мақомлар мазмунини ва уларда халқ интилишлари, қайғуларни ва туйғуларининг ифодаланишини тўғри англайдиган мутахассислар — мақом ансамбллари раҳбарлари етишмаслиги сабабли мақом ижрочилари канчадан-канча аждодларимиз эстетик завқини асрлар бўйи қондириб келаятган жозибадорликни, айна пайтда замонамизга ҳамохан жангдорликни доимо ҳам топа билмаётдилар. Шунинг учун санъатшунослик институти томонидан ҳофизлар ижросида ёзиб олинган фольклор бойлиқларини нашр этиш ўзбек музикасининг раванкига, қўшиқ ижодиётининг такомиллига қудратли туртки берган ва ритмик-оҳанг миқёсини янгилаган, кенгайтирган, бойитган, бу билан опера сингари музика санъати турларини инқироз ҳолатидан қўқариб қолган бўлар эди.

Ўзбекистон ССР Радио комитети ҳузуридаги мақомчилар ансамбли ижро этаётган Бухоро шашмақомининг ҳозирги талқини, унинг бутун гўзаллигини ифодалай оладиган даражада эмас. Ҳофизларнинг овозлари ҳар доим ҳам умумий куй билан уйғунлашиб кетармайди. Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти фондида сақланаётган Ҳожи Абдулазиз Расулов, Домла Ҳалима Ибодов, Леви Бобохонов каби машҳур ҳофизлар томонидан ижро этилган, музикашунос М. Аҳмедов ёзиб олган катта ашула ва мақом санъати намуналарини қайта нашр этиб оммалаштирилса, ажойиб аъёналаримизнинг янада кенг тарқалишига, мақомга қизиқишнинг кучайишига, бебаҳо халқ бойлигининг иззата чиқишига ёрдам бериши шубҳасиздир.

Мақом музикасини яхши биладиган, яхши ижро эта оладиган истеъдодлари тарбиялаш ҳамда мақом жанрга эътиборни кучайтириш мақсадида ўтказилган биринчи мақомчилар кўриги ҳам шу жиҳатдан эътиборга молик воқеа бўлди. Айтиш мумкинки, бундай тадбирлар ҳам замонавий музика маданиятини янги босқичига қўтарилиш жараёнига мақом жанри ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлигини яна бир марта таъкидлайди ва хонандаларнинг ижрочилик маҳоратини кенгайтиришига қўмақлашади. Шунинг қайд этиш керакики, мақом хонандалари ишкани йўлини тўғри ижро этишса, опера солистлари куйига яқинлашадилар. Бундан шундай саволлар туғилади: хонанделик санъатида миллийлик ва интернационаллик тушунчаларини қандай тушуниш ёки қўллаш керак? Миллийликни қандай ажратиш мумкин, бу тушунчалар қандай унсурлардан ташкил топган?

Бу саволлар санъатшуносликда ҳали ўзининг тўла ва ёрқин илмий таҳлилини топганча йўқ. Бадий амалиётда эса у ички хис этиш орқали рўёбга чиқарилади. Чунончи, биз қайси ва қандай хусусиятга кў-

ра куйни миллий деб атаймиз? Қайси бир ҳофиз қўшиғида ўзбек миллий ижрочилик мактаби хусусиятининг энг юксак намунасини, умумийлашган ёки аниқроғи, характерли жилосини биз мезон қилиб олишимиз мумкин? Балки бу — Домла Ҳалима Ибодов, Маъмуржон Узоқов хонанделик маданиятида ёки бошқа хонандалар санъатидадир, Ҳалима Носирова, Ҳанифа Маълонова, Саодат Қобулова, Берта Давидова каби машҳур қўшиқчилар ижросидадир? Бу хонандаларнинг ҳар бири ўз шахсий ёрқин ижодига эга. Синчилаб ўрганишни талаб этадиган, кўпгина тарихий қисмлардан ташкил топган хонанда ижрочилигининг ўзига хос миллий хусусиятларини илмий таҳлил қилиш эса жуда ҳам мушкул.

Ўзбек ашулачилик мактабининг бирмунча яққолроқ белгилари санъат асарлари мазмуни ва шаклининг, оҳангларининг, товуш қурилишларининг, халқ чолғу асбобларининг ҳам ўзига хос хусусиятларга эътиборидир. Масалан, танбур жўрляги куйлашга ҳам таъсир этади, ижро этиш характерини белгилаб беради, ижронинг уриб турган юрагига айланади. Бундан ташқари, овознинг узун-қисқалиғида, тил фонетикаси ва бошқа хусусиятларда ҳам ўзига хос омилар мавжуд.

Кейинчалик ўзбек музикасида учрамайдиган романслар, опера ариялари сингари янги жанрларнинг кириб келиши ижрочилар овозининг ўзгаршини талаб қилди, янгича куйлаш усулларини шакллантирди, янгича куйлаш аъёналарини вужудга келтирди. Ашулачилик санъатида Саодат Қобулова, Насим Хошимов, Саттор Ярашев, Сасон Беньяминов, Асад Азимов ва бошқалар ўзларининг ёрқин ижрочилик санъатларини намойиш этиб, ўзбек хонанделигини юқори поғонага кўтардилар. Улар эстафетасини етишиб чиқаётган ёш истеъдодлар давом эттирмоқдалар. 1977 йили Тошкентда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ хонандалар кўриғида республикамиздан 16 хонанда катнашиб, шундан тўрттаси — Алла Облобердиева, Исмонил Жалилов, Мақсад Ҳужанматов ва Нозим Мухсиновнинг кўрик лауреатлари бўлиши фикримиз тасдиғидир.

Булар бари ўзбек миллий ижрочилик санъатида интернационал белгилар тобора кўпайиб бораётганлигини, ўзбек хонандалари Европа тингловчиларининг ҳам эътиборини қозонаётганлигини кўрсатади. Лекин бундай ижрочиларимиз жуда кам. Санъат шинавандалари хонанделик санъати тараққиётининг янги саҳифаларини очадиган, республикамиз ижрочилик маданиятида миллий ва интернационал жиҳатларни узвий қўшиб юбора оладиган янги юксалиш бўлишини, унинг ижрочилари доирасининг кенгайишига орқизиқ кутмоқдалар: зери, уларнинг ҳар бирининг қалбини гўзаллик алангалари қамрамоқда.

Уша шодиёна мулоқот они ҳамон ёдимда: 1983 йил 9 май — Ғалаба куни эди. Наманган обласстининг Тўрақўрғон райониди Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашув ташкил этилди. Уч фронтчи ҳамкасб дўстлар — Мумтоз Муҳамедов, Зоҳиджон Обидов ва шу сатрлар муаллифи учрашувда қатнашиб, қуролдош дўстларнинг меҳмони бўлдик. Биз жанговар дўстларни Ғалаба байрами билан муборакбод этиб, уларнинг ишлари ва ҳаётлари билан танишдик. Қуролдошларимизнинг кўпчилиги ҳамон меҳнат қилиб, ёшларга намуна бўлиб, бардам ҳаёт кечириётганликларини айтдилар.

Сухбат навбатида улар бизнинг ишларимиз билан қизиқиб, ижодимиздан сўз очдилар. Шу вақт радиодан дилрабо кўшиқ янгради. Даврада ўтирганлардан бири — кекса отахон кўшиқ тугагандан кейин сўзлаб, ҳозир радиодан янграган Зоҳиджон Обидовнинг шеъри эканлигини таъкидлади. Уни яхши жангчи, яхши кўшиқчи эканлиги билан, Ғалаба байрами билан табриклаб, шоирга узоқ умр ва янги ижодий парвозлар тилади. Сўнгра у: «Биз яхши кўшиқ тингласак, ўзимизни бардам, яхши кайфиятда ҳис қиламиз, кўшиқ ишимизга, юмушимизга ёрдам беради. Шунинг учун биз қария фронтчиларга ҳам янги-янги кўшиқлар ёзаверинг», деди.

Зоҳиджон қуролдош дўстларига янги ёзган шеърларидан ўқиб берди. Дала шийпониди, навбахор фаслида, жанггоҳларда мардлик кўрсатиб, бугун тинч, осойишта, бахтли дамларда, «оқ олтин» майдонларида меҳнат жасоратини кўрсатаётганлар даврасида оловли йиллар сатрлари янгради.

Дала шийпонидидаги учрашувдан кейин Зоҳиджон уруш ва меҳнат ветеранлари ҳақида янги кўшиқлар ёзиш нияти борлигини билдирди.

Зоҳиджон Обидов — кўшиқчи шоир. Улкан, жўшқин ҳаёт унинг илҳомига қанот бағишлайди. Зоҳиджон — тиниб-тинчимас ижодкор. Гарчи у Улуғ Ватан урушининг дастлабки йилида Буюк инқилобимиз бешиги Ленинград шаҳрини фашист босқинчилардан ҳимоя қилишда жасорат кўрсатиб, ногирон бўлиб, кўлтиқ тавқда қайтган бўлса ҳам, у она диёримизни кезишдан тўхтамайди, ҳаммаша ажойиб, қаҳрамон замондошларимиз ёнида бўлишга интилади.

Зоҳиджон Обидов анча йиллардан буён «Муштум» журналининг шеърият бўлимини бошқариб келади. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Ҳарбий-ватанпарварлик Советининг раиси муовини сифатида жамоат ишлари билан банд бўлишига қарамай, дилига илҳом берган қаҳрамонлари билан тез-тез учрашиб туришга вақт топади. Шунинг учун ҳам унинг дилида замондошларимиз ҳақида янги, дилрабо тароналар мавж уриб, хонандаларнинг репертуарларини бойитмоқда, кўшиқ шинавандаларини мафтун этмоқда.

Шоирнинг ижодий фаоляти асосан урушдан кейин Тошкент Давлат университетидида ўқиб юрган давридан бошланди. Бугун у кўтлуғ 60 ёшга қадам қўйди. Қарийб 40 йилдан буён қалам тэбратиб, ижод чаманига 20 дан ортиқ гулдаста тақдим этди. 1957 йилда унинг биринчи шеърлар тўплами «Яхши ният» номи билан китобхонлар кўлига етиб борди. Шундан кейин шоирнинг тўпламлари бирин-кетин китобхонлар жавонидан ўрин олди. Бу йил кўшиқчи шоирнинг табаррук ёшида «Куйла, дилкаш дуторим» ва «Муштум» кутубхонаси сериясида «Макрига учманг» шеърлар тўпламлари нашр этилди.

Зоҳиджон — дунё кезган жаҳонгашта шоир. Шунинг учун ҳам у инсонларнинг осойишта ҳаёти, жаҳон тинчлиги, халқлар бахт-саодати ҳақида шеърлар ёзишни ўзининг ижодий бурчи деб билади. Унинг тўпламларини арақласангиз, шарқу гарб — турли хорижий мамлакатларга қилган саёҳатлари таассуротлари, оддий кишиларнинг тинчлик ва осойишталик учун курашаётганликлари тўғрисида, янги уруш оловини ёқишга уринаётган империалистларнинг лўттибозликлари ҳақида жанговар сатрлар бунёдга келганлигини кўрасиз. Жангчи шоир дунёнинг осойишта бўлишини истайди, унга ўз ижодини бағишлайди. Шоир халқи олдиди, китобхонлар олдиди ўзини қарздор ҳис этади, кўп иш қилиш, ўз меҳнати ва ижоди билан фойда келтиришни ўйлайди. Эзгу ниятли қалбдан эҳтиросли, мунаввар ҳаёт тароналари янграйди.

Жангчи, фронтчи, кўшиқчи дўстимиз Зоҳиджонни муборак 60 ёши билан чин қалбдан табриклаб, янги кўшиқларингиз, янги ижодингиз гуллаб-яшнайсирсин, ўзингиз доим бардам бўлинг, деймиш.

НАЗАРМАТ,

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси



Зоҳиджон ОБИДОВ

Йиллар

Яна бир йил учди умримдан,
Яна бир йил учди умримдан.
Йироқлатиб ёшлик онларни,
Ҳарорати кўчди умримдан.

Ортага боқиб ўйга толаман,
Ўз-ўзимга ҳайрон қоламан.
Кечмишимдан гоҳо қойиниб,
Гоҳо юланиб, таскин оламан.

Таскинимдан зиёв армоним,
Кам-кўст кетган каби қарвоним.
Зое кетган онларни эслаб,
Оз қўриғар тўққан хирмоним.

Қани бўлса ўша шўх ёшлик,
Ўша олов, ўша оташлик.
Идрок кўзин каттароқ очиб,
Таъқиб этма дер эдим гашлик.

Бебошлигим пушмоним бўлиб,
Кўнгул хуши душманни бўлиб,
Кўзим очди мисоли сароб,
Дилга заққум қўшганим бўлиб.

Қай номарднинг вақтин этдим чоғ,
Кимни дилғир қилдим Бегуноҳ,
Гўрлик — кўрлик экан хижилман,
Ортага энди ташласам нигоҳ.

Учиб ўтди не йиллар қатор,
Улар қушмас қайтса қайта бор.
Аммо галга солинган бурчлар
Ҳамон мени тинч қўймас зинҳор.

Мана энди онлар ардоқда,
Ҳар бир лаҳза қатъий саноқда.
Зое кетган чоғлар учун ҳам
Жон қойитгум, қолмай деб доғда.

Умр — дарё, кечмишим — қирғоқ,
Унда чаман, гоҳо тақир қумлоқ.
Учқур йиллар яна олдиди,
Бўлма, кўнглим, бир лаҳза гумроҳ!

Очилавер, идроким ганжи,
Йўл олмасин армонлар ранжи.
Таскин толай қилсам сарҳисоб,
Келганида умр маҳражи.

Жонажон юртим

Сенга юртим, жон тасаддуқ,
Қанча суйсам шунча оз,
Борлиғимни этсам тортиқ
Бу ҳам камдир, сўзим рост.

Шарт айланиб тоғларингга,
Мен лол бўлиб боққим бор,
Жило бериб боғларингга
Сойдай жўшиб оққим бор.

Жайхун бўлиб ташна ерлар
Шўрин ювиб турсайдим.
Бағрингдан мен дашту қирлар —
Барин қувиб юрсайдим.
Кучоғингга Сирдарёдай
Сингиб кетгим келади,
Тупроғингдан шўх сабадай
Бўса олгим келади.

Қушлар мисол самоларда
Бўлгим келар гиргиттон
Баҳор берган сафоларда
Қучгим келар худди тонг.

Осмонингга қани ўзим
Тўп-тўп юлдуз қадамас,
Ҳали ҳеч ким айтолмаган
Сенга кўшиқ атасам.



Кўнглимдаги қуёшсан

Куз келганда кўлдан ўрдак, ғоз кетар,
Атрофидан ёз берган пардоз кетар.
Кетма, кўнглим баҳорисан, ёзисан,
Кетсанг, дилдан баҳор кетар, ёз кетар.

Билмас эдим сенинг йўғу бориғини,
Қайдин кўрдим бу рухсори олиғини.
Бир қўришда эс-хушим сайд этибсан,
Найладинг сен бу ошиғи зоринғи.

Қалбда кўклам қуёшидек юз очдинг,
Ишқ баҳорин бериб дилга нур сочинг.
Дил мулкига соҳибасан, эй санам,
Сароб бўлиб нечун кўзлардан қочдинг.

Сахро мисол юрак-бағрим доғлама,
Ғанимларнинг димоғини чоғлама.
Зоҳиджонча ҳеч ким сенга фидомас,
Фирог солиб, висол йўлин боғлама.

Тоғлар

Умрга умрлар қўшгай ҳавоси, Кексалик келтирмас, соадир сафоси. Афсона бекордир, нафаси чиндан Минг битта дәрдининг ҳам бўлмиш давоси. Муруват этмакка ҳотамдир тоғлар, Одамга ўрнакдек оламдир тоғлар.

Тенг камдир тоғларнинг маҳобатига, Водийга сойларни саховатига. Тенг камдир бисотин тугиб дамо-дам Йилдан-йил яшнаган тароватига. Ҳавасим ўрлатур қуёшли тоғлар, Иродем зиннатлар бардошли тоғлар.

Ҳиммати ҳолисдир, миннатни суймас, Фурури писанда қилмоққа қўймас. Тангилик одати шу боси унинг Эзгулик кўйида заҳмати куймас. Пасткашлик жар бўлса, саҳий бу тоғлар — Самога эш эрур, боқий бу тоғлар.

Баҳор бўронлари тўсат турса ҳам, Кузнинг суронлари гар қутурса ҳам, Бўралаб-бўралаб қор қунонлари, Қиш қаҳри музлардан нишлар урса ҳам Пинагин бузмасдан дош берар тоғлар, Галдаги синовга тўш қорар тоғлар.

Сабр этиб оқибат ёзга етади, Қўйнида қайта гул, гивёх битади. Жондорлар яйрашиб, қолдириб авлод, Қўйнида шўх қушлар хониш этади. Улувор бир туйғу бахш этур тоғлар, Юракка ўқтамлик нақш этур тоғлар.

Она-ер билан суҳбат

— Биз дунёга келмаган чоқда, — Дедим, — қандай эдинг, она-ер? Товуш берди: — Бундай сўроққа Фанда жавоб, фанга қулоқ бер!

— Бизлардан сўнг бўлғуси не ҳол, Жавоб йўқми, айт-чи, бунга ҳам? — Буни, билки, этгусидир ҳал Башар қўйган бугунги қадам.

Тилга кирди она-ер бу гал Бир хўрсиниб, тутақиб, ёниб. Ҳоргин эди товуши ҳам сал, Тўкаверди дәрдини ёриб:

«Ўз ҳолимча келдим ҳаётга Ва инсонни айладим бунёд. Сўнг қисматим шу одамзодга Тўтқаздим мен буткул, умрбод.

Не истасак менда муҳайб, Истаганин олсин одамзод. Вайроналар этмасин пайдо, Бойликларим бўлмасин барбод.

Самоватда чарх уриб чир-чир, Кезмоқдаман буқун асабий. Базиллар бор, бу эмасдир сир, Ор қилса ҳақ инсон насаби.

Истаб бойлик, мол, дунё, ўлка, Улар кўзгар қирғин, фалокат. Истиқболнинг қадри бир пулча Ҳар қадами шумлик, ҳалокат.


Зарбалардан борлигим маним Зирқирайди, жароҳатлар бор. Қуйма пўлат эмас-ку таним, Атом деган қабоҳатлар бор.

Ҳарбу зарбдан вужудим яғир, Устун келинг, одил одамлар. Бу дам сизга, менга ҳам оғир, Сергак бўлинг, оқил одамлар.

Агар бирор киши, мен Саҳрои Кабирда улкан тропик маржон қояларни, балиқлар ва бошқа сув ҳайвонларини кўрганман, деса, уни сўзсиз лофчига чиқарган бўларди. Лекин, аслини олганда, ўша кишининг гапи ҳақиқатга яқин. Чиндан ҳам Саҳрои Кабирнинг шимоли-ғарбий қисмида қарийб юз метр баландликда маржон қоялар қад ростлаб турибди. Тўғри, у энди жонсиз, тош бўлиб қотиб қолган. Унинг новб бойликлари бўлган ва ўзидан оҳаж ажратувчи маржон-маржон чиққ (полип)ларнинг ёши 300—400 миллион йилларга тенгдир. Тош-қояли саҳронинг юзаси ҳам қадимда — океан тағида лойқа ва қум билан қопланган. Ҳозир эса минглаб денгиз ҳайвонларининг қолдиқлари тош бўлиб қотиб қолган. Поёнсиз Саҳрои Кабир юзасининг учдан кўпроқ қисми геологик тарихий даврга оид ва кейинчалик тошга айланиб қолган денгиз қатламларидир. Саҳрои Кабирни сув босган даврда (бу давр 50—60 миллионлаб йилларга чўзилган) қадимги қитъалардан дарёлар оқимида ва кучли бўронлар таъсирида денгизга оқиб келган шағал ва қумлар кейинчалик денгиз тағидаги жонзотларнинг қолдиқлари билан қўшилиб, қалинлиги 100 метр ва ундан кўпроқ бўлган чўкиндиқларни ҳосил қилган.

Исоният цивилизациясининг сақланиб қолган барча қолдиқлари, айниқса, Тассилин тоғлари қояларидаги тасвирлар Саҳрои Кабир қачонлардир бутунлай бошқача бўлганигидан далолат беради. У саҳрога айланишга қадар бўлган баъзи даврларда денгиз, кейин эса тропик ўрмонзор, дарёлар ва қўллар билан ўралган яшил воҳа бўлган.

Саҳрои Кабирда миллион-миллион йиллар давомида юз берган туббий иқлимий ўзгаришларнинг излари унинг умумий манзарасида ҳам сақланган. Масалан, унинг энг йирик қумлоқ тоғ массиви бўлган Тассилин — Аджер бундан 250 миллион йил илгари пайдо бўлганда, саҳро улкан денгиз тағида қолган. Ушанда унга Африка қитъасидан қум оқиб келиб, сув тағига чўкиб қолган. Шунданг сўнг — денгиз фаслидан кейин унинг узоқ муддатга чўзилган яшил воҳалик даври бошланган, чинакам



Машҳур чех rassоми Зденек Бурнан Саҳрои Кабирнинг ўтмишини шундай тасаввур қилади.

ибтидоий жаннатга айланган. Ушанда ботқоқликлар, қўллар ва қуруқ жойлар бир-бири билан туташ бўлган. Лекин унинг бу яшиллик даври узоқ чўзилмаган. Мазкур зона секин-аста қурибборади, унда сўлим тропик яшиллик йўқолиши билан динозаврлар ҳам ҳалок бўлганлар.

Эраמידан беш аср бурун Саҳрои Кабир кенг миқёсда қуриб бошлайди. Бунга қадимги юнон ва римлик географларнинг бизгача етиб келган маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Қадимги юнон тарихчиси Геродот биринчи бўлиб Сирт бўғозининг жануб-

роғидаги мамлакатни эслатиб, қумтепалар, воҳа, жонзотсиз бўшлиқлар ва шўрхок ялангликлар ҳақида ҳикоя қилади.

Қуруқлашув жараёни кучайгач, эраמידан бир оз илгарироқ от ўрнига туялардан фойдаланишни шартли тақозо қилган. Туялар эса бу ерларга Арабистондан келтирилган. Хулоса қилиб айтганда, Саҳрои Кабир миллион-миллион йиллар давомидаги табиий ўзгаришлар ва офатлар натижасида ҳозирги ҳолатга келган.

Г. ХЕФЛИНГ

АМАЗОНЯ СИРИ

Бразилиянинг Амазония штатида тропик ўрмоннинг атмосфера ҳолатига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш мақсадида тажрибалар синиб кўрилатиб. Базиллар: «У ерда ўрганиладиган нарсаси йўқ, ҳаммаси аён; ўрмон — атмосферага кислород етказиб берувчи асосий манба, уни сайёрамизнинг «яшил ўпкаси» дейишлари бежиз эмас», деб ўйлашлари мумкин. Бироқ бунга қарамасдан, айрим олимлар ўрмонлар берадиган самара нулга тенг: ҳавога қанча фотосинтез ҳисобига кислород кўтарилган бўлса, тахминан шунча кислородни ўсимликлар қайтариб олади, демоқдалар. Улар ўсимликларнинг ёнгиргарчиликка таъсири бор, албатта, Амазонияда намгарчиликнинг тах-

минан ярмини атмосферага намликни буғлантириб чиқарган ўрмонларнинг ўзи беради, деб ҳисоблайдилар.

Ниҳоят, ўрмон ёнгинлари — муаммолар муаммоси бўлиб турибди. Бунда тасо-дифий тарзда ўт олиб кетишлар ҳам, қишлоқ хўжалик экинлари учун майдон очатган чоқда чиқадиган ёнгинлар ҳам назарда тутилади. Кундалар ёнган кезде улкан миқдорда углекислий газ ажралиб чиқади ва у «иссиқхона» вужудга келтириб, йиллик ўртача температурани ошириб юборди.

СУВДА ВА ҚУРУҚДА

«Қаққаймалар» — Марказий Америкада яшайдиган калтакесакларнинг игуан оиласига мансуб жонивор. Улар худди қоққан қоқиқдай, гўё қадимдан бери

турган тошдай қотиб қолиш қобилиятига эга. «Қаққаймалар» худди бошқа ўрмаловчилар сингари нафақат қоққан қоқиқдай қаққайб тура оладилар, балки ҳайратланарли тарзда югурадилар ҳам. «Қаққаймалар» шунчалик яшин тезлигида чопадик, ҳатто сув юзида югур-ишга ҳам қодир... Улар орқа оёқларида туриб олиб, шундай тез югурадики, кўрганларни ҳайрон қолдиради. Мислсиз тезлик «қаққайма»га икки тарафлама фойда келтиради. Биринчидан, у қуруқликдаги йиртқиқлардан ҳақиқат қутулиб кетади, иккинчидан, унинг ўзи ўлжаларини осонгина овлай олади. Барча майда паррандалар сув бўйлаб югуриб юрган «қаққайма» калтакесакни — гайритабиий қизиқ манзарани узоқдан кўриб, қотиб қоладилар ва унинг тайёр ўлжасига айланадилар.

МАРРА



Уктам ХАКИМАЛИ

ҲИКОЯ

КУЗ ЕМФИРИДАН кўпчи-
ган кенг майдон бугун
одамлар билан тўлган
эди. Улар факултода
бир томошани орзиқиб
кўтардилар. Уч томони
тепеликлар билан ўрал-
ган ва бир томони сой-
га бориб туташадиган майдонга сон-
сиз-саноксиз отлар гўё денгиз сат-
ҳидаги осойишта тўлқинлар англиг
кириб келишарди. Олақуроқ тўнлари
устидан белларини маҳкам боғлаш-
ган, пешоналарини белбоғ билан
тангишган чавандозлар бўлажак
улоқда голиб чиқадиган полвонлар
ва чопқир отлар ҳақида қизишиб
бахслашар эдилар. Гулдор тўн кий-
ган, кирғий бурун, кўзлари қизарган,
қовоқ ва жағлари ичига тортган
Олим чиноқ сафни бошқариб борар,
Қорақашқа отини ниқтаб, содиқ мух-
лисларининг олиқшларини қўл сил-
киб қаршилар эди. Югурти от ва
улоқ учун бор-будини ҳам тикиб
юбораверадиган бу машҳур чаван-
дознинг йигитлик кезлари ўнг улоқ-
гини от тиллаб узиб олган, шундан
бери унинг исмига «чиноқ» лақаби
қўшиб айтилар эди.

Бугун майдонда ёш гўдакнинг тўй-
и учун улоқ чопиларди. Умри бўйи
тракторчилик қилган Ашур беш қиз-
дан сўнг ўғил кўрган, чавандозлар
тўй ҳурмати учун йиғилишган эди.
Осмони кузги кўкиш булултур қоп-
лаган, салқин шабада эсар, бугдой-
дан бўшаган қорамтир ерларда чу-
ғурчуқлар чуғурлашар, қарғалар қе-
рилшар эди.

— Ана, Олим чиноқ келяпти!—
турли томондан хитоблар янгради.—
Бугун гаройиб томоша бўлади.

Олим чиноқнинг юраги беҳаловат
урар, ўзи эса, изтироб алангасида
атрофга алангилар, улоқнинг тезроқ
ега ташланишини бетоқатланиб ку-
тар, тезроқ олиб маррага етказиш
учун ошиқар эди. «Шу кўпқарини
ўз гаши бор-да!»—дея у ҳаёлидан
кечирди даврага кираётиб.— Ахир
улоқни деб бир қўлқондан, йиқилиб
бир қўлдан айридим. Кўнглим оғир
тортапти, хотиним улоқ чопишимни
истамагани. Э, бўлари бўлди. Ахир,
хотиникужа ҳам улоқсиз туролмасли-
гимни, мухлисларимни кўзим қий-
маслигини тушуниши керак-да...»

Улоқ ташланди. Отлар қамчилар
зарбидан ларзага келди. Чавандоз-
лар қамчиларини тиллашди, шид-
дат билан ерга эгилишди, кўллар
улоққа чўзилди. Совутилган отлар
кўкраклари билан бир-бирларини
итаришар, кучлилари кучсизларини
четга суриб чиқарар эди. Узангилар
учкун сачратиб қарсиллар, чавандоз-
лар улоқ учун жонларини жабборга
беришар эди. Томошабинлар эса
ҳаяжонда улоқ ташланган жойдан
кўз узмасдилар. Олим улоқни уш-
лар, кўтарар, от тўқларни устидан
босиб тушар, танаси эса от кўкрак-
лари орасида эзгиланар эди.

Чиноқ кутилмаганда пешонасига
узанги қири текканини сезди, кўз-
ларидан ўз қақнаб кетди. Урни ши-
линиб қон сиркиди, лекин у эйти-
бор бермади. Улоқни қайтадан кў-
тарган эди, шу лаҳзадаёқ уни бош-
қа бир чаққон қўл илтиб кетди.
Қўл—ёш йигитиники эканини чиноқ

дарҳол англади. Навқирон кўллари-
на шундай тез ва чаққон ҳаракат
қилиши мумкин. Атрофни отларнинг
гўнг ва тер ҳиди қоплаган эди.

«Мана, бу текинхўр қаёқдан ке-
либ қолди!», дея ўйлади у ёнидаги
нотаниш йигитнинг юзига енгилгина
назар ташлаб, кейин яна жон-жаҳди
билан улоққа ёпишди.

— Улоқ, қаққонини кўтар!—де-
ган қандайдир хириллоқ овоз эши-
тилди.— Сендан кутулармиз кун борми!
Жонга тегдинг-ку!

— Бетамиз, оғзингга қараб га-
пир!—дея тўнғиллади чиноқ боши-
ни кўтармай.— Бу ер—майдон. Май-
дон—мардники. Сен ёшларни яхши
биламан. Тез ёпишиб, тез шаштла-
рингдан тушасанлар. Биз кексалар
ёпишдикми, фақат қўлимизни кеси-
б, улоқни оласан. Қаққонини кўтармай-
ман. Истасанг шу. Сенга ўхшаган зў-
равонлардан ўрилдим. Икки қўл
бутун бўлганда, онангни Учқўрғон-
дан кўрадинг...

Нотаниш йигит силтаб, улоқни
кўллاردан ажратди, лекин яна ўзи-
ни ўнглаб олди. Чиноқ улоқни так-
рор-такрор силкиди, лекин ололма-
ди. «Олимай, илгариги шаштинг
йўқ,—деган фикр уриди миясига,—
мана бу тўнғиз қаёқдан келди ўзи!
Ҳой, тўнғизвачча, мен ҳам сенга
улоқни осонликча бериб бўлман...»

Улоқ кекса чавандознинг гўшсиз,
қадоқ кўллари ва ёш йигитнинг куч-
ли, серпай бармоқлари орасида
талаш бўлар, бошқа улоқчилар улар-
нинг атрофида уймалашар эди. Ни-
ҳоят, отлар икки томонга ажралди.
Ўртада Олим чиноқ ва ёш йигитгина
қолди. Олим бутун кучи билан аса-
бий улоққа ёпишиб тортар, ёш йиг-
ит эса аксинча совуққонлик билан
ҳаракат қилар эди. Кекса ва ёш
чавандоз ҳозирча баробар олишга-
тганиди. Йигит бари бир ёшга
борди, пайт пойлаб қаттиқ силкиган-
да, улоқ чиноқнинг қўлидан узилди
ва йигит уни дарҳол тақинига бос-
ди. Олим эса ғазаб билан рақибни
—елкалари кенг, кўкраклари лорсил-
лаган, бўйни йўғон, қошлари қалин
ва туташ, бурни муштай, қип-қизил
юзидан қон томаман, деб турган
йигитга қаради. Қошлари ўртасини
хўснбузар қоплаган, шишган қовоқ-
лари орасидаги эҳтиросли кўзларида
ёш қоплон кўзларидеги каби мени-
симасликча ўхшар аломатлар ак-
с этаётган йигит сония сайин Олимнинг
ҳавасини келтирар, сусайган қалби-
да янги, лаззатли иштиёқлар кўзга-
тар эди. Йигит эса унинг ҳаракатла-
рига мутлақо лоқай эди, бу ҳол
чиноқни баттар ҳайрат ва таажжубга
соларди.

— Ҳой, зўравон,—кекли тиржа-
йиш билан мингирлади чиноқ,—шу
улоқни деб ўзимни не балоларга ур-
мадим... Осонликча сенга жон бера-
диган аҳмоқ йўқ. Сен кучлисан, мен
эса текрибали...

Олим кутилмаган бир шашт би-
лан улоқни силкиди, бу гал улоқ
чиндан ҳам йигитнинг тақимидан си-
тилди. У буну шу қадар чаққонлик
ва осонлик билан бажардики, йигит
рақибига ҳайрон термулди, ҳатто
юрагида кекса чавандозга нисбатан
меҳр туйғуси кўзгалди. Кейин у ҳам
бало-қазодай ўчакишиб улоққа

ёпишдию чиноқдан ҳам кўра уста-
лик билан улоқни тортиб олиб та-
қинига босди. Олим гангиб қолди.
Начора! Улоқнинг темир қонуни
шундай! Уни кучли, чаққон ва э-
чил одамгина олиб маррага етказ-
ди. Йигитнинг отасига раҳмат! Тан
бермасликнинг асло иложи йўқ. Чи-
ноқ улоққа тирмашди, ушлади ва
отининг жиловини бурди. Атрофдан
эса қичқирликлар кўтарилди.

Кекса ва ёш чавандознинг отлари
олдинга чиқшди. Олим шиддатга
минар, вужуди гўё тошга, қўли эса
ширачга айланиб қотиб борар, энди
улоқни на тортиб олиш ва ажрати-
шнинг иложи йўқдай туйлар эди.

«Ҳой, беўхшов йигит!—дея у
кўнглидан кечирди.— Сен мен билан
ҳали кўп мушук-сиққон ўйнайдиган-
га ўхшасан. Қаридим, лекин таж-
рибам қаригани йўқ. Қари чавандоз
ҳам қари тулқидай гап. Бу ёнга
соғ бўл...»

Ўртага ингичка юзли одам суқил-
ди, ёш йигит уни тирсаги билан ор-
тига суриб ташлади. Олим йигитга
қаради. Йигит унинг назарида тенг-
сиз бир куч-қудратга эга бўлиб кў-
ринар, ўзининг ёшлигини эслатар
эди. Унга бугун чиноққина бас ке-
лиши мумкин. Йигит Олим чиноқдай
донгдор чавандоз билан улоқ торти-
шадиганидан фахрланар, шу кекса
улоққининг унинг ташналигини қон-
дираётган эди. Гўё икки тўлқин но-
гаҳоний бир нуктада учрашган-у,
бирок қайси томоннинг энгиш-енг-
маслигини қаромат қилиш маҳол
эди. Нафаслар кескин олинарди, от-
лар эса бир ерда тинмай айлани-
шарди.

— Олим! Нимага илгариги шаш-
тинг йўқ! Нима, қўлинг қаришиб
қолганими!

«Айтишга осон,—дея у ҳаёлан
мухлисларига жавоб қила бошла-
ди.—Сенлар оғзинларингга келганини
қайтармай валдирайверасанлар. Ма-
на бу полвон билан улоқ тортишиш
осонмас, ахир, мenden бошқа ода-
ми у аллақачон саранжомларди. Бу
аблаҳ на қарашини, на каттини ҳур-
мат қилишни билади...»

Чиноқ оғир-оғир хўрсинди. У ра-
қиб билан тинмай олишарди, лекин
қуввати етмасди. Начора, кекса
бошлади-да. Боз устига, бир қўли
йўқ. Оҳ, қариллиқдан ҳам бедаво
дард борми?

— Олим! Торт, ахир!

«Тортялман, тортганда ҳам ҳўкиз-
дай тортиялман,—дея ўйларди у аф-
сус билан.—Менга ҳам осон тут-
манлар. Хотиним: «Бормай қўя қо-
ли», деганда нимага қўлоқ солма-
ди-а...»

Ёш йигитдан улоқни тортиб олиш
чиноқ учун осон бўлмаётганиди. Ни-
мага қариганида ёш йигит билан
тўқнаш келди-ят!

Йигит қўлдан бери Олим чиноқ-
нинг номини эшитиб, унга ғойибдан
ошиқу беқарор бўлиб юрар, белла-
шиш мақсадида бугун кўшни ки-
шодан бу ерга таширф бўурганди.

— Олим!—галдаги хитоб чиноқ-
нинг қўлоқларига бамисоли тигдай
санчилди ва сескантирди юборди.
«Тезроқ йигитни бир ёқлик қилма-
сам,—дея алам билан ҳаёлидан ўт-
казди у,—одамлар жуфтаникни рост-

лашади. Томошабинсиз улоқ тор-
тишнинг қизиги йўқ...»

Улоқ қўллар орасида эзгиланар-
ди. Бу пайтга етиб Олимнинг сабр
косаси мутлақо тўлган, йигит ҳам
безовталана бошлаган эди. Улар
учун шу кез ерга тушиш, мушташ-
лаш, шу тариқа хумордан чиқиб
тарқалиш осон туюларди гўё.

— Ҳой, азаматлар, келишинлар,
совринни бўлашиб оларсизлар!—ча-
вандозларнинг қўлоқларига узоқдан
бўғиқ овоз чалинди.

«Ютуғинг бошингдан қолсин,—
деб ичда гўлдиради Олим чиноқ
рақибини диққатидан қочирмай.—
Мен ҳеч қачон ютук учун майдонга
тушмаганман. Лекин доим марра
меники бўлиб келган. Бу сафар ҳам
олсам, марра меники, ололмасам,
жимгина майдондан чиқиб кетаман.
Кейин майдонни тованонинг кири
кўрсин. Аммо-лекин ана у қора кўз-
ларни ранжитмаслигини керак. Ахир,
улар мени деб бу ерга келишган».

Маррага етдилар. Кекса ва ёш ча-
вандоз бари бир ажрим бўлишма-
ди. Улоқ маррага қайтадан ташла-
нишга қарор қилинди.

— Олим, умрингдан берака топ,—
деди мункайган бир чол чиноқ ор-
тига қайтаётганида.—Бир қўл билан
ҳам пахлаван йигитга улоқни бер-
маясан.

«Мана шу чолгина мени тушуна-
ди,—деган фикр ярқ этди уриди
Олимнинг миясига.—Асли хуб ҳам
мен томонда».

Улоқ қайтадан ерга ташланди.
Гавдалар ерга эгилди. Қўллар улоқ-
қа ёпишди. Яна узанги овозлари, от
кишнашлари, томошабинларнинг хи-
тоблари майдонни тўлдирди. Олим
чиноқ мутлақо раҳм-шафқат бил-
майдиган ёш қоплондай ўчқорлик
билан улоққа чанг солди. Сиқди.
Кўтарди. У майиб қўли томон оғиб
борар, бир қўли йўқлиги мана энди
ошқор сезила бошлаган ва бу ҳол
уни ҳаддан зиёд ўқинтираётган эди.
У гавдасини ўнг томонга хиёл эғиб,
отнинг қорнига тованонни ниқтаганча
секин олдинга чиқиб олди, кўпчилик
буну сезмади.

— Оҳ, отжон!—деб юборди у
шодикларин қалтираб.—Чоп, жонивор,
оёқларинг дард кўрмасин...

Қора қашқа оғзини катта очиб,
эгасининг ундови билан зўр бериб
олган интилар, пишиқиб ёнига ақил-
лашган отларни четларга эди. Олим
кутилмаганда, қўлоқлари остида оли-
нмаётган кескин нафасни сезди ва
бирдан бесўнақай қўллар яна улоқ-
қа ёпишди. Чиноқ нафрат билан
ёнига назар ташлар экан, афти му-
нқиб тиришиб кетди. Йигитнинг ме-
тиндай қўллари улоқни қисиб ул-
гурди. «Йўлаш ўша совуқ турқининг
худо тескари қилсин!»—у ҳаёлан ра-
қибини сўқди. У сўқинар, рақибига
қарамасликча тиришар, узанги би-
лан отини ниқтаб, йигит эса ҳеч нар-
сага эътибор бермас, ранжисма,
улоқни силтар, кекса улоққини эр-
кин ҳаракат қилишга, отни бемалол
чопишга қўймади эди. Чиноқ ўзича
режа тузди: от жиловини ўнг то-
монга буради, унинг фикрича, рақи-

бининг кўллари улоқдан узилши керак эди. От муқиди-ю, бироқ йигитнинг кўллари улоқдан узилмади. Олим бошқа томонга жиловни бурди.

— Ҳайт, ҳайт!!!— дея мағрур ҳайқирди рақиб кўли улоқдан узилгач.— Ҳа, жонивор! оёқларингдан ўргилай.

Атрофдан кўтарилга бошлаган оқ-қизлар чиққининг кучига куч қўшар, ҳаяжондан вужуди силкинар эди. У марра чегарасига яқинлашганда, бўксаси устида яна ёш йигитнинг кўдрати кўллари кўрди.

Уша толмас кўлар улоққа тирмашиши билан у от жиловини гилжиллади. Олим улоқни эгар қошига оширганди, бари бир йигитнинг кўллари улоқни қидириб топди. Ушлади. Чиноқ эса кек ва ўчкорлик ҳисси билан рақибига тикилди, йигит эса одетий бевозорлиги билан жилмайди ва беминнат бир қиёфада улоқни силкишга тутинди. Чиққининг назарида йигит гоҳ раҳим-шафқат билмайдиган йиртқич тимсолади, гоҳ куч-қудратда тенгисиз бир шердай жонланар, баъзан эса афсонавий паҳлавонлардай гавдаланар эди. У ёш йигитга гоҳ ҳавас, гоҳ иштиёқ, гоҳ эса кек ва ўчкорлик ҳисси билан термуларди. Шу лаҳза чиноқ учун йигит енгилмас полвонга айланганди. «Дунёда битта ярамас бўлса— у ҳам сен! Битта кучли бўлса— у ҳам сен!»— дея у кўнглидан кечирди.— Битта балон азим бўлса— у ҳам сен! Битта мәрд бўлса— у ҳам узинг сен! Наҳ ёшлигимни эслатсан...»

— Ҳа, жонивор!— йигитнинг жарангдор овози уни ҳушига келтирди ва улоқ тақимидан қандай чиққинини ҳам сезмай қолди. «Овозинг ўчсин!»— деди у ҳавлан рақибига.— Олимбой, эшитясанми?! Овозида ҳам ёшлик шиддати барқ уриб турибди.»

Йигит улоқни ундан тортиб олганди. Чиққининг кўллари тиниб, боши айланарди. Назарида кўллари елкасини, бармоқлари эса бунинларидан ажралаётгандай туюлар, боз устига суяклари ҳам узлуксиз сирқираб эди. Марра яқинлашганди.

Олим чиноқ бу гал ҳам улоқни ололмаслиги, маррага етолмаслигига тахминан ишонди. Илк бор қаригани, иродаси ҳам сусайганини ҳис этди-ю, хўрлиги келиб, кўзига ёш қалқиди.

— Олим!

— Ҳу, онангни...— қичқирди у аламзада оҳангда ва от бошига аёвсиз қамчи тушира бошлади, йигитнинг отини ҳам савалади.

— Отда нима гуноҳ! Нимага менинг отимни урасиз!— бўқирди йигит. Олим йигитга эътибор бермай, улоққа ёпишди-да, қўйиб юбормади. Маррага етдилар. Улар бу гал ҳам ажрим бўлишмади.

Яна улоқ ташланди. Машҳур чавандознинг вужуди қайтадан ўртана бошлади. Бу қаҳрланиш, ғазабланиш, ўз-ўзи ва муҳлисари, ундан ҳам кўра рақиб олдига хижолат тортаётгани, оғир дамларида ўзини ҳимоя қилиш— ўч олиш сабабли қўзғалган туйғу аломати эди! Олади! Олганда ҳам ҳаммани койил қолдириб олади ва унинг бу ғалабаси одамлар хотирасида абадий сақланади. Истасас муштлашади, бари бир олади! Ахир, у ўзини бирор вақт ғалабасиз тасаввур қилмаган, қилолмайди ҳам. Ёшлигида бекорга шу улоқни деб хотини билан қўйди-чиққига бормаганди-да...

У қадр билан қамчини тишлади, шу қадр қаттиқ тишладики, тишлари зирқираб кетди, лекин у оғриққа эътибор қилмай эгилди. Биринчи эгилгандаёқ улоқни ушлаб кўтарди. Енида дафъатан яна ўша барзанги пайдо бўлди. У оғир бир қайғу билан рақибига термулди. Йигит назарида гўё қонхўр қоплонга айланиб ҳамла қиларди. «Умримда бунақа улоқчини кўрмагандим,— дея ўйлади у тўлқинланиб.— Ёшлигимда дуч келганда улоққа қўшиб суякларини синдириб ташлардим...»

— Ярамас, тирсагингни торт!

— Акаҳон, менга қаранг,— тутуқди йигит.— Кексалигингизни инобатга олиб, индамайман. Сўксиз, ҳақоратлайсиз... чидасангиз, улоқ тортишинг. Улоқни чиданганга чиқарган. Ургилдим сиздақа тантиқ, бачкана чавандоздан.

— Кечир, ука,— деди чиноқ бу гал елкасини қисиб.— Чавандоз чавандозни кўролмаслигини билсан-ку. Лекин дўкннгдан кўрқмайман. Қаридим шекилли, ҳаммаси қариликнинг инжиқлиги...

Йигитнинг гапи машҳур чавандозни сергалантирди. Кўллари катта очилиб, вужудига янги бир қудрат туйғуси қўзғалганини сезди. «Мана энди, укагинам, сен билан орани очди қиладиган палла етди,— дея кўнглидан ўтказди у.— Энди ўзингдан кўр. Кексалигимни ҳисобга олмадинг...»

У кўзларини юмиб, улоқни қаттиқ сикди-да, силкиб бошлади, учинчи бор силкинганда улоқ рақиб кўлларида ажради. Чиноқ улоқни дарҳол ўнг томонига ошириб тақимига босди. Қора қашқа шу заҳоти қўшдай олдинга интилди.

— Қойил! Боппладинг, чиноқ!— бирдан томошабинлар хитоби кўтарилди.

«Энди ана у барзангига омонлик бермаслигим аниқ,— деган фикр қамради унинг миасини.— Мана энди, оғайни, иккаламиз ҳам пешонадагини кўрамыз...»

Улдинга ўтиб олган Қора қашқа кўлоқларини чимириб, бурун катакларини кериб, чопгандан чопар, полвон эса эҳтирос хуружидан ўртаниб, отни ниқатгандан ниқатди. Қора қашқа тўдадан узоклашиб борар, эгаси билан бирга шодлик нашидасини сураб эди. Оҳ, Олим чиноқ қанчалар бахтиёр! Улоқни олди, кечикиб бўлса-да, ҳар ҳолда олди. Бироқ у бахт туйғусидан энтикиб, марра чегарасига яқинлашиб қолган кезде кўксига ханжар урилган қулдундай ихраб юборди. Бунга яна йигитнинг улоққа ёпишган кўллари сабаб бўлди. Чиноқ бари бир отни ниқатйверди.

«Олимбой! Ўлсанг ўласанки, улоқни маррага етказасан!»— у тинмай ўзига уқтирар эди. Йигит улоқни чангаллаб сикар, чиққининг афти тиришиб, кўллари олайиб борар эди. От туёқларининг тезлиги тобора сусаяр, ордан эса отлар тўдаси яқинлашиб

келар эди. Йигит бу гал астойдил— мутлақо қўйиб юбормайдиган— бир ваҳдатда улоққа ёпишди. Гўё жон талваса қилаётгандай туюлаётган чиноқ яраланган оҳудай ўқтин-ўқтин рақибига қарарди. «Бу барзангидан ҳали-бери кутуладиганга ўхшамайман,— деган ўй уриди унинг миасини.— Начора... улоқ. Улоқни тортишади. Улоқ— тортишув дегани. Улоқ— куч, ҳа, куч... кучингни кўрсатмасанг, тортишмасанг, уни бир ўзинг маррага олиб бориб ташласан— қизиги йўқ-да! Улоқ— ҳақиқий кураш... ахир, ҳаётда ҳам кучлилар— кучсизлар, голиблар— мағлублар, олижаноблар— олочқлар, сахийлар— сотқинлар, тубанлар— мардлар, зотимлар— бечоралар, катталар— кичиклар мавжуд-ку. Улар бир-бирлари билан абадий курашадилар. Бари енгеди, бошқаси енгилди. Бир олиндинга чиқади, иккинчиси ортда қолади. Ғалабага эришиш ҳам шундай гап. Бу йўлда баъзан ён беришга, эгилшга мажбур бўласан... Аммо-лекин майдонда, улоқда ҳақиқат бор: кучли, чапдаст, ҳалол бўлсанг, ғалабага эришасан. Ҳаётнинг темир қонуни шундай, ахир. Ҳаётда мард, самийий инсонлар бари бир енгиб чиқади-лар». Чиноқ ҳаёт курашдан иборатлигини англашда етарли тажриба орттирганди. Бунга унга ёш йигит яна бир бор эслатди. Инсон курашда чиққинишга бугун у яна бир бор инонди.

Унинг вужуди тобора куч-қувватга тўлиб борар, энди у на қўлоқлари остида хуштак чалаётган шамолга, на оёқлариغا урилаётган узангилар зарбига, на рақибининг қийноқларига эътибор берарди. Олам кўзларига ёшлигидигидай гўзал, навқирон кўринар, қулф-дилчини очар эди. Йигит эса гангиб рақибини кузатар, уринишлари ақсари бекор кетар, кекса чавандознинг кутилмаганда ғайритабиий шиддатга минини уни ҳайрат ва таажубга солар эди. Улар бир-бирларига тан бермай ҳатматан ёнма-ён боришар, майдон четидаги томошабинлар эса томоқлари ёрилгудай қичқиришар, Олим чиноқни шарафлашар эди. Қайтиб майдонга тушмайдиган кекса чавандоз сўнги маррасига талпинаётганди. Йигит эса ёш эди, уни ҳали кўп иситиболлар чорларди, ғалабалар кутарди...

Отлар гўё бир-бирига қапишиб қолганди. Бошқа отлар уларнинг ёнларига яқинлашолмас, тортилавериб қилвираб кетган улоқ эса узиллиб кетгудек эди. Марра! Маррада катта, баҳайбат тут дарахти қаққайиб турар, мана шу марра— дарахтгина уларни ажратиши— голиб ва мағлубни аниқлаб бериши керак эди... Тут дарахти! Маррага интилган Олим чиноқ мутлақо совуққонлик билан от бошини бурди.

— Олим! Дарахт!

Кучли тезликда чопётган от пишиқиб бир неча бор жиловни силкиди, бироқ эгаси жиловни бўшатмади. Худди шу пайт «гуп!» этган овоз эшитилдию қора қашқа оламни ёргудай дард-алам билан кишнаб юборди. Олим чиққининг миаси ва юрагига эса катта бир олов ловилаб ёнди ва бир неча сония вужудини куйдириб турди-да, аста-секин сўна бошлади. Атрофдан юракни қонга тўлдирадиган ғам-ғуссали, қайғу-ҳасратли фарёд кўтарилди. Кейин олам бир нафас жимиди, оғир-оғир сукутга толди...

— Акалар,— гўлдиради оёқ-қўли шикастланган ёш пахлавон йигит йиғилганларга.— Ютуқ ҳам, ғалаба ҳам Олим ақаники... Тан бердим... У чиндан ҳам мард, олижаноб чавандоз эди... Нар и туринглар, юздан бир ўлай...

Йигит сурилиб, судралиб зўрга лабларини Олим чиққининг қонсиз, сўлгин юзига босди. Чавандозлар Олим чиноқни кўтаришди. Лекин қувватлари етмади. Олим чиққининг қўли улоққа ёпишганча қотиб қолганди. Улоқни кесиб, чиққининг қўларини бўшатишди...



Расмини Н. ИБРОҲИМОВ чизган



ДИНОЗАВР ИЗЛАРИ

Бразилиянинг Паранба штатида бундан 100 миллион йил муқаддам яшаган улкан динозаврнинг излари топилди. Тошга айланган ботқоқлойдан бу қадимий ҳайвоннинг Лотин Америкаси қуруқлигида яшаганлигини тасдиқловчи қимматбаҳо материаллар топилди. Олимларнинг фаразларига кўра, бу изларни узунлиги 10 метргача етадиган динозаврлар қолдирган. Ҳайвонларнинг оёқ излари шу қадар яхши сақланганки, тадқиқотчилар махсус асбоблар ёрдамида қадимий жониворнинг оғирлигини ва қанчалик тезлик билан юришини аниқлай оладилар. Бразилияда ҳақиқатан «Вежа» журналининг ёзишига қараганда, динозаврлар бу мамлакатнинг шимоли-жанубий қисмига Африкадан ўтган бўлса, ажаб эмас. Шундай фаразлар ҳам борки, бундан 100 миллион йиллар аввал Африка билан Жанубий Америка ягона қитъа бўлгандир.

ВУЛҚОН УЙҒОНДИ

Токиодан 180 километр жанубда — Миякэдаиша оролидаги Ояма вулканидан яна лава отилиб чиқа бошлади. Лава оқимлари маҳаллий аэропортини ва 523 та уй-жойни явойрон этди ва, шунингдек, ўрмон ёнғинига сабаб бўлди. Лава отилиши пайтида юксак баландликка тошлар ва кул сачраб, зилзила юз берди.

Мусибат районидан тезлик билан оролининг 1 минг 300 аҳолиси бошқа жойларга кўчирилди. Япония метеорология агентлигининг хабарига кўра, қурбонлар йўқ.

ИФЛОСЛИК — ХАВО

Кўпгина мутахассислар Женева кўлининг яқин келажакда кўлик резервуарига айланиб қолишидан хавфсирмоқдалар. Женевада

булиб ўтган ва 12 та мамлакатнинг олимлари қатнашган конгресс материаллари шундан доллат беради. Ҳисоб-китобларга кўра, кўлга оқиб тушадиган сувдаги фосфат миқдори йилга 250—500 тоннадан ошмаслиги лозим. Амалда эса, кўлга ҳар йили 1 минг 200 тоннага ҳақ ана шундай зарарли модда оқиб тушаётир.

ДИНОЗАВРЛАР НЕГА ҚИРИЛИБ КЕТГАН

Қадим-қадимларда яшаган улкан динозаврларнинг қирилиб кетишининг сабаблари ҳақида озмунча фаразлар айтилгани йўқ. Яқинда айрим олимлар янги бир фаразни ўртага қўйдилар. Бу фаразга кўра, динозаврларнинг, хусусан Шимолий Америкада қирилиб кетишлари катта майдондаги сувлик кенгликларнинг қуриб қолиши оқибатидаги (бу майдонлар суратда қора бўёқ билан кўрсатилган). Бу ҳолат 80 миллион йил муқаддам бўлиб ўтган ва ҳозирги Кўшма Штатлар территориясининг ғарбий қисмидаги катта майдонларни эгаллаган.

Мабодо, динозаврлар бизнинг давримизгача сақ-



ланиб қолишганда эди, мутахассис палеонтологларнинг таҳмин қилишларича, улар иккита орқа оёқда юрган бўлардилар ва уларнинг мияларининг ҳажми ҳам каттагина бўларди.

БАМИСОЛИ КОПТОК

Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Зуҳал (Сатурн) сайёрасининг зичлиги шу қадар сийракики, агар сайёра ҳажмини улкан океан деб тасаввур этсак, унинг ўзи ана шу океанда бамисоли резина тўпдек сузиб юрар эди. Америкада ҳақиқатан «Сайенс дайжест» журнали ана шу ҳақда хабар беради.

ИККИ БОШЛИ ИЛОН

Уч бошли илон ҳақида гап кетса, ҳа, бу афсонада, деган бўлардик. Аммо икки бошли илонга бемалол ишонса бўлади. Мана, уч йилдирки, Американинг Майами шаҳридаги серпантарийда икки бошли сув илони яшаб келаётир. У дастлаб бу ерга келтирилганида, етти сантиметрлик икки илон боласи эди, ҳозир эса унинг узунлиги бир метрга етди.

ДУНЁ ЧЎҚҚИЛАРИ

Ҳимолай тоғларининг юксаклигини қайтадан ўлчаш ҳақидаги хабарни бутун дунё альпинистлари зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар. Олиб боришга тадқиқотлар натижасида, деб хабар беради Франс Пресс агентлиги, 122 та чўққидан 72 тасининг аниқ баландлиги баён этилган каталог нашр этилган. «Дунё чўққиси» Жомолунгма (Эверест)нинг баландлиги шубҳасиз 8 минг 348 метрлигича қолган. Айрим ёндош тоғлар ўлчанган пайтида эса, айрича ҳолларда беш юз метргача тузатишлар киритилган.

ТАБИЙ ОФАТ ОҚИБАТИ

Япония тизма ороллари-нинг жанубий қисмига босиб кирган тўфон бу мамлакатнинг 32 та район (префектураси) иқтисодига катта зарар етказди. Кучли ёмғир туфайли юзага келган сув тошқини ва ер чўкиши оқибатида, тахминий ҳисоб-китобларга кўра, 14 киши ҳалок бўлган, 20 киши беда-ран йўқолган. Мамлакат жанубидаги кўпгина автомобиль йўлларида транспорт ҳаракати тўхтаб қолган.

ОМАДЛИ БАЛИҚЧИЛАР

Коннектикут штатидан овга чиққан балиқчиларнинг омадлари келиб қолди. Океанда ов қилаётган бу балиқчиларнинг тўрига улкан оқ ақула тушди. Унинг узунлиги 5 метрдан ортқ бўлиб, оғирлиги 1 тонна 360 килограмм эди.

СИР СИРЛИГИЧА ҚОЛАЁТИР

Тинч океанидаги Пасхи оролининг қадимги кишилари 4—6 метрли, оғирлиги 40 тоннага етадиган баҳайбат тош ҳайкаллари кўп километрли жойлардан ўз манзилларига қандай қилиб олиб борганлар. Олимлар ана шу жумбоқни ҳалигача еча олганлари йўқ. Кўпгина фаразлар ўзига хос «чана» ёки «роликлар» сифатида қўлланган ёғочлар ишлатилиши билан боғлиқдир.



Суратда: баҳайбат тош ҳайкаллар.

Бироқ бутун оролни дов-дархтлар қоплаб ётди. Шундан кейин бошқа гоҳ ҳам туғилди: тош қояларни кўп кишилар у томонга, бу томонга итариб [бамисоли оғир бочкаларни олдинга сургандек], манзилга етказганлар. Хўш, аслида бу иш қандай юз берган! Ҳозирча бу савол жавобсиз қолмоқда.

ОЛТИНЧИ ТЎФОН

Шу йил октябрь ойи бошларида Шимолий Вьетнамда қўзғалган навбатдаги тўфон натижасида уч кечакундуз давомида ёмғир ёғиб турди. Мазкур табиий офат бу йилги тўфонларнинг олтинчисидир. У 1 октябр кuni эрталаб Тонкин кўлига районига—Тхайнгь ва Ханаминь вилоятлари қирғоқларига етиб келди. Бу пайт денгиз сувининг кўтарилишига тўри келиб қолган учун тўфон ортиқча қийинчиликлар туғдирди. Сув баъзи жойлардаги тўфонларни кўчириб юборди, ҳосили пшиб турган шолзорларни сув босиб кетди. Тўфон бошқа виёронларчиликлар ҳам олиб келди: деҳқонларнинг уй-жой-

лари, электр тармоқлари, боғлар бузилди. Кўпгина балиқчилик қайиқлари чўкиб кетди. Вьетнамлик метеорологлар мамлакатнинг марказий қисмида янги тўфон бўлишини олдиндан айтмоқдалар. Вьетнам меҳнаткашлари бўлиб ўтган тропик циклон оқибатларини туғатиш билан кейинги зарарларнинг олдини олиш чораларини кўрмоқдалар.

ҚИММАТБАҲО ТОПИЛМАЛАР

Иордания университети-дан олинган хабарга кўра, Аммон шаҳри яқинида олиб борилган қазилмалар пайтида тош асри [палеолит]га доир эркаклар, аёллар ва болалар ҳайкалчалари топилган. Бу бебаҳо тарихий топиламалар Иордания пойтахтининг шимоли-шарқий тарафида бундан тўққиз минг йил аввал пайдо бўлган кишлоқлардан бирдаги қазиб маҳалида топилди.

МУЗИКАЛИ УСТУНЛАР

Қадимий ҳиндларнинг Карнатака штатидаги Витала ва Махешвала қасрлари узоқ вақт олимлар учун ечилмас жумбоқ бўлиб келар эди. Бош залдаги тош шифтга қадалиб турган гранит устунларга қафт билан урилганда, фақат ногораларнинггина эмас, ҳатто пуфлаб чалинадиган созларнинг ҳам овозлари тараларди. Усталар бамбук таёқчалари ва кўллари билан устунларга уриб куй чиқаришга ҳам эришар эдилар. Шунингдек, бошқа айрим қасрлардаги устунларнинг ҳам шундай антиқа овоз чиқариши аниқланди.

Эҳтимол, саккиз аср, балки ундан ҳам бурун Ҳиндистонда галати «музыка асбоблари» овозини чиқарадиган бинолар қурши аънаданаси ҳужж сурган, мейморлар эса уларни бунёд этишда нозик санъатга эга бўлгандирлар.

Қурилиш техникаси бўйича замон мутахассислари тарихчиларнинг антиқа ҳодисалар табиатини текширишларига кўмаклашмоқдалар. Бу аломат овозлар сирли устунлар ўрнатилган пойдеворлар конструкциясига яширилган экан. Сунзий тошлар худди енгил вулкон жиниси йўнғиртош сингари говак-говак ишланган, лекин етарли даражада маҳкам бўлган. Улар устунларга маълум оғирлик тушиб тургандагина жаранглайди.

САДОҚАТ

Мозирь авторемонт заводи ишчи-си Вячеслав Струповец ишдан уйга қайтаётганда, катта кўчада бехосдан чўчиб тушди. Дайдаб юрган озгин бир кўппак унга қараб югурди, яргиллаб келдию тумшуги билан Вячеславнинг тиззаларини искай бошлади. Ингич қўриб кетганидан итти қувлаб урмоқчи бўлди-ю, бироқ қўл

кўтарганича тўхтаб қолди. Кўппак унга эркаланар, кўзларида қандайдир бир меҳрга ўхшаш нарса порлар эди. Вячеславнинг диплода севинч учқунланди. Уч йил бурун йўқолган Баҳор лақабли тозиси унинг қарши-сида турарди. Този таниб бўлмас даражада озим-тўзим кетган эди. У беихтиёр чўнқайиб ўтирди, кўппак эса шу заҳот оёқларини унинг елка-сига қўйди.

Вячеславнинг бир оғиз сўзини унутиши бу тозанинг йўқолиб қолишига сабабчи бўлган эди. 1979 йили унинг

ота-онаси Волга бўйидаги Куйбишев шаҳридан Белоруссиядаги Мозирь шаҳрига кўчиб кетади. Ота-онасини кўчиришиб борган Вячеслав кўппагига: «Шу ерда тур», деган сўзини айтиб хайрлашишни эсдан чиқарди. У Куйбишевга қайтиб келгунича този йўқолиб қолди.

Вячеслав яна икки йил Куйбишевда қолиб ишлади. Бироқ Баҳор лақабли тозидан дарак бўлмади. Сўнг-ра у Мозирда яшаётган ота-оналари олдига кўчиб борди. Мана, уч йилдан кейин у ўзининг този ити билан уч-

рашиб турибди. Эгасининг ишга кетатуриб: «Шу ерда тур», дейишга ўр-ганган Баҳор, ушанда индамай йўқ бўлиб қолган эгасининг изидан занжирини узиб излаб кетган экан!

Уч йиллик саргузаштдан кейин қандай қилиб бу този ўз хўжайинини топди! Итшунос олимларнинг ҳисоб-лашларича, у инстинкт туфайли эгасини топган. Вячеслав эса ўз тозисини бу саргузаштнинг садоқат туфайли деб туюнтиради. Энди у ишга кетатуриб ҳеч қачон: «Шу ерда тур», деб тайинлашни унутмайди.



ТИНЧЛИК ЕНГАЖАК!

Жаҳон халқларига тинчлик керак. Ер юзиде барқарор тинчлик бўлишини, лаянати ядро қуроли осойишталикка таҳдид солмаслигини, эртанги кунга қомил ишонч билан боқишини истайди улар! Шунинг учун ҳам улар миллион-миллион сафларга жамланган, тарихда мисли кўрилмаган тинчлик намоийшлари ўтказмоқдалар, ирқи ва миллати, қайси ижтимоий тузумга мансублигидан қатъий назар, тинчликка бўлган ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этмоқдалар.

АҚШ ва унинг Шимолий Атлантика шартномасидаги иттифоқчилари Европада янги ракета­ларни жойлаштириш орқали СССРдан анчагина ҳарбий устунлиқни таъминлаб олишга уринмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Юрий Влади­мирович Андропов «Правда» газетасининг савол­ларига жавоб бериб, тинчлик манфаатлари учун қал­тириб келинган ядровий фалокатнинг олдини олишга доир изчил ва равшан йўл-йўриқларни яна бир бор ўртага ташлади.

Европадаги ядро қуролларини чеклашга бағиш­ланган Женевадаги Совет-Америка музокара­ларида содир бўлаётган ишларнинг аҳолига тўхталиб, ўр­тоқ Ю. В. Андропов: «У ерда ҳамон боши берк кўчадан чиқилмапти», деб таассуф билдирди. «Қўшма Штатлар ўз хатти-ҳаракатлари билан бир битимга келишни мутлақо иложсиз қилиб қўйгу­нича, Совет Иттифоқи бир битимга келиш йўлларини қидиришдан воз кечмайди, деди партия ва давлати­миз раҳбари.

Лекин Вашингтон ўзининг «Першинг­лари ва қанотли ракета­ларини Ғарбий Европада жойлашти­риш олишга киришини кўлаб, қайсарлик билан иш олиб бораётган бир вақтда, ўз-ўзидан равшаник, Совет Иттифоқи ўз хавфсизлигини ва ўз итти­фоқ­чиларининг хавфсизлигини таҳлика остида қолдириши мумкин эмас ва қолдирмайди ҳам. Уртоқ Ю. В. Ан­дроповнинг «Правда» газетаси савол­ларига жавобла­рида бу нарсга аниқ ва равшан қилиб ифода этилди.

Уруш ва тинчлик масаласи — жаҳон халқларининг ҳаёт-мамот масаласи, инсоният ва цивилизация тақ­дири масаласи бўлиб қолди. Ушбу масала ҳақ қачон кун тартибига шу йўсинда кескин қилиб қўйилмаган эди.

Маълумки, XX асрининг 80-йиллари тарихга Аме­рика империализмининг айби билан халқаро ва­зият ўта кескинлашган, ядро-ракета уруши хавфи кучайган, давлатлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкор­ликка раҳна этган йиллар бўлиб кирди. АҚШ давлат департаменти дипломатлари ва Пентагон генерал­лари Вашингтоннинг кўрсатмаси билан ер кура­сининг жуда кўп нуқталарида, жумладан, Осиё ва Африка­да, Яқин Шарқ ва Марказий Америкада янги-янги кескинлик ўчоқларини вужудга келтирди.

Чад ва Ливанда қон тўқилиши, революцион Ниге­рагуага қарши ҳужумлар ва Совет Узоқ Шарқи­да — мамлакатимиз осмонда қилинган илгобарлик... Имперализм жиноятлари рўйхатини яна давом эт­тириш мумкин!

Айниқса, Оқ уйга АҚШнинг қирқинчи президенти сифатида Р. Рейган келганидан сўнг Америка им­периализмининг сиёсати ниҳоятда хавфли ва хатарли тус олди. Уч йил­лари, Рейган маъмурияти оқи­часига тинчликка қарши сиёсат юргизмоқда. «Совет раҳбарлари,— деб кўрсатилди шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андропов­нинг Баёноти,— АҚШнинг ҳозирги маъмурияти халқаро ишларда ўтказиб келаётган йўлга қандай баҳо бераётганликлари совет киши­ларига, бошқа халқларга ва давлатларнинг сиёсатини белгилаш учун маъ­сул бўлган барча кишиларга маълум дилини за­рур деб ҳисобладилар. Қисқа қилиб айтганда, бу

йўл — тинчликка жиддий хавф солаётган милитарис­тик йўлдир. Бу йўлнинг моҳияти бошқа давлатлар ва халқларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмай, Америка Қўшма Штатларига дунёда устун позиция­ларни таъминлашга уриниб қуришдан иборатдир».

Расмий Вашингтон доиралари ер шарининг деяр­ли ҳамма нуқталарини Америка миллий манфаат­лари ва мудофасига алоқадор районлар деб эъло­н қилмоқда ва шу баҳона билан ўша ерларга қўшин­лар жўнатмоқда, ҳарбий база ва таянч пунктлари вужудга келтирмоқда.

Шу сабабли тинчлик учун кураш ниҳоятда оғир шaroитда кечмоқда. Бунга империализмининг халқаро ҳаётни захарлаётганлиги, коммунизмга қарши «салб йуриш­ларини авж олдираётганлиги, ядровий қурол­ланиш ва милитаризмни беқийс даражада кучайтира­ётганлиги сабаб бўлмоқда. «Тинчлик масаласи, ядро уруши хавфини тугатиш учун, қуролсизланиш учун кураш масаласи,— деган эди шу муносабат билан Ш. Р. Рашидов Тошкентда бўлиб ўтган ЮНЕСКО ком­муникацияни ривожлантириш халқаро программаси Хукуматларга кенгаширини тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида,— ҳозирги замоннинг энг ўткир ва зарур масаласи бўлиб қолди. Ҳарбий устунликка эришиш миқдослари жиҳатидан мисли кўрилмаган қуролланиш пойғасини авж олдириш йўлини ошқор­та эъло­н қилган, ижтимоий тараққийтиш ҳар қандай йўл­лар ва воситалар билан тескари бўриб юборишга уринаётган агрессив кучлар тобора жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар. Иккинчи жаҳон уруши­дан кейин ҳали ҳақ қачон халқаро аҳвол бу қадар ташивиши ва хатарли бўлмаган эди».

Ҳозир ер юзиде ҳар йили оқликдан 40 миллион киши нобуд бўлмоқда, бир миллиард киши энг од­дий медицина ердამидан маҳрум, бир миллиард аҳоли саводсиз, ярим миллиард одам ишсиз. Ана шу шароитда империализмининг милитаристик сиёса­ти туфайли табиат ва инсониятнинг моддий ресурси ва бойлиги ҳайта қуролланишнинг тубсиз уммонига ва бойлиги ҳайта қуролланишнинг тубсиз уммонига жинояткорона қўштириб юборилмоқда. Масалан, жа­ҳонда ҳарбий мақсадларга ҳар мин­туда бир миллион доллар сарфланмоқда, давлатларнинг йиллик ҳарбий бюджети эса 650—700 миллиард долларга тенг бўл­моқда.

Империализм инсониятга қарши жиноятлари ва ваъдасини оқлаш учун, жамоатчилик фикрини чал­ғитиш учун ҳар қандай мақорлик ва лўттибозликдан қайтмаётир. Уруш ва агрессия сиёсатини назарий асослашга уринаётган империализм мадҳохлари «Совет ҳарбий хавфи» ҳақиқиде арсонани тўқиб чи­қардилар. Ана шу шароитда агрессив доираларнинг миллион-миллион омгани чалғитишга қаратилган барча хатти-ҳаракатларини фош қилиб ташлаш хо­зирги куннинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Чунки халқаро империализм антисоветизм ва анти­коммунизм ҳуружларини кучайтириш билан бирга, Совет Иттифоқи, қардош социалистик мамлакатлар­нинг тинчлик ташаббусларини атайлаб жаҳон халқ­ларидан яширишга, бу олжанго ниятларни об­ру­силантиришга ҳаракат қилмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда социалистик мамлакатлар тинчлик ташаббусларининг, Европада ядро қуролларини чеклашга бағишланган музокара­ларда СССР тақлифларининг моҳиятини кенг халқ­аро жамоатчиликка тушултириш алоҳида аҳамиятга моликдир.

Дарҳақиқат, идеали тинчлик ва қуролсизланиш бўлган социализм халқлар тинчлиги ва сайёраимиз осойишталигининг буюк омил ва ишончли посбо­нидир. «Бизнинг давримизда,— деди ўртоқ Ю. В. Ан­дропов КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленумида сўзлаган нутқида,— аниқ соци­ализм халқаро муносабатлардаги соғлом нишон­лар­нинг энг изчил ҳимоячиси бўлиб, кескинлигини юм-

шати ва тинчлик манфаатларининг, ҳар бир халқ, бутун инсоният манфаатларининг ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқмоқда».

КПСС ва Совет ҳукумати шу мақсадларга эришиш йўлида ядро ҳалокатининг реал хавфини англаётган турли сиёсий ва ижтимоий кучлар билан актив ҳам­корлик қилишни давом эттирмоқда.

Мисолларга мурожаат этайлик.

Европа тинчликка ташна қитъа ҳисобланади, ле­кин Америка империализми бу қитъани кескинлик ўчоғига айлан­тириб юбормоқда. Расмий Вашингтон ҳозир Европада Американинг 600 та Першинг-2 ва қанотли ракета­ларини жойлаштириш ҳақиқиде агрес­сив НАТО блокнинг 1979 йилдаги қишқи сессияси қарорини амалга оширишга интилмоқда.

Ана шу мақсадда Совет — Америка учрашу­лари чоғида сиёсий найрангбозликлар қилиб, музокара­ларни боши берк кўчага киритиб қўймоқда. Бу йўл билан АҚШ томони вақтни чўзиб, ана шу муддат ичида Пентагон ракета­ларини тезроқ Ғарбий Европа мам­лакатларига жойлаштириб олишга уринмоқда. Бу хавфли хатти-ҳаракат жаҳон жамоатчилигини сер­гаклантириши керак: янги қирғин ядровий ракета­ларининг жойлаштирилиши Европадаги уруш хавфи­ни янада кучайтирган бўлур эди.

Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи АҚШ томони­нинг социализм устидан ҳарбий устунликка эришиш мақсадларидаги ушбу хатти-ҳаракатларини ўз вақти­да фош қилиб ташламоқда ва халқлар қатта умид­лар болган музокара­ларда икки томон манфаат­ларига мос ва, демак, тинчлик ҳамда хавфсизлигини кўзловчи хилсонга тақлифларни ўртага ташламоқда.

Совет Иттифоқи қуролсизланиш масаласида ҳам ниҳоятда адолатли йўлни танлади. Жумладан, биз­нинг социалистик Ватанимиз ядро қурол­лини биринчи бўлиб ишла­тмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олди. Америка томони эса, бу ҳақда ўйлагани ҳам йўқ. Аксинча, президент Рейган янги-янги қирғин қуролларини ишлаб чиқариш ҳақиқиде байўрларга имзо чекаётир. Бугун Америка ҳарбий заводларида ишлаб чиқарилаётган нейтрон ва химия қурол­лари, МХ, Першинг—2 ва қанотли ракета­лар шулр жум­ласидандир.

Америка империализмининг тинчликка энд сиёсати туфайли Яқин Шарқ халқлари чорак асрдан буюн кескинликда яшамоқдалар. Ке­ча Ливанга тинчлик ўрнатиш баҳонаси билан келганлар бугун ливан халқ­ининг қонини тўқмоқдалар. Исроил сионистларининг Ливан ва Фаластин халқ­ларига қарши жинояткорона агрессиясини кўлаб-қуватлаган Америка расмий доиралари энди ўзлари ушбу жиноятда бевосита иштирок этмоқдалар. Ливан қирғоқларида АҚШнинг 30 дан ортиқ ҳарбий кемалари изгиб юрибди, бу ерга келтирилган Америка денгиз пив­да аскарлари со­ни 14 минг кишидан ортиб кетди. Америка артил­лерияси мамлакат шаҳар ва қишлоқларини ўққа турмоқда, денгиз пив­да қўшинлари эса, Байрутнинг жанубий чегарасидаги районларга ҳужум қилмоқда.

Мана сизга Американинг жабрдийда Ливан тул­проғидаги «тинчлик миссияси»!

Ер юзиде тинчлик ва хавфсизликнинг тантана қи­лишидан ўта манфаатдор бўлган жаҳон халқ­лари эса Советлар мамлакатининг СССР билан АҚШ ўртасида­ги муносабатларни нормал изларга солиб юбориш борасидаги фаолиятини қизгин маъқуллаш билан бирга, АҚШ раҳбар доираларидан ҳам худди шун­дай сиёсат юргизилиши талаб қилмоқдалар.

Советлар мамлакат­ли тинчликнинг содиқ посбони бўлиб, унинг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати инсоният манфаат­ларига хизмат қилмоқда. Совет Иттифоқининг барча куч-қудрати ҳам, бутун халқаро об­руйи ҳам тинчликка хизмат қилмоқда.

Инсоният кузатиб қўяётган 1983 йилда СССР халқ қўялигининг турли тармоқлари бўйича план топшириқлари ошириб бажарилди, ижтимоий ишлаб чиқариши ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръ­атлари ортди. Шунинг асосида Совет кишиларининг фаровонлиги ҳам янада оқсалиб борди.

Совет Иттифоқи ҳозир йилга ўртача 150 миллион тонна пўлат, 700 миллион тонна қумир ишлаб чиқар­моқда. Бу — мислсиз суръат. Чунки 1917 йилнинг октябрда янги социалистик дунёнинг ягона вакили бўлган революцион Россия жаҳон саноат мах­сулотининг атиги уч процентинингига ишлаб чиқарган эди, холос.

Жаҳон афкор оммаси Совет Иттифоқи, қардош социалистик мамлакатлар қўлга киритаётган ютуқ­лардан фараҳланмоқдалар. Социалистик мамлакатлар­да амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари халқ­лар тинчлиги ва хавфсизлигини сақлашга, импери­ализмининг шум ниятлари барбод бўлишига хизмат қилмоқда.

Жаҳонга тинчлик! Инсониятнинг баш шиори мана шу. Осиё ва Европа, Африка ва Лотин Америкаси ядровий фалокат ўчоқлари эмас, тинчлик ва ҳам­корлик, хавфсизлик ва дўстлик қитъалари бўлиб қо­лиши керак. Оламда тинчлик барқарор бўлиши ло­зим!




Каспаровдан умид катта

Навбатдаги жаҳон шахмат тожи учун Анатолий Карпов билан ким беллаша олади, деган муаммо ишқи-болларнинг эътиборини тортқоқда. Даввогарларнинг дастлабки ўйинларида ёш гроссмейстер Г. Каспаровнинг қўли устун келди. У жуда ёш бўлишига қарамадан, саралаш ўйинларида жуда катта маҳорат кўрсатди. Ҳозирча жаҳон чемпиониликка даввогар аниқланадиган ҳал қилувчи ўйин ниҳолга етгани йўқ. Лекин кўпчилик Г. Каспаровнинг кучига умид боғламоқда. Шу ўринда у қатнашган баъзи ўйинларни таҳлил қилиш ўринлидир.

Г. Каспаров — М. Таль
1. d4 Kf6 2. c4 e6 3. Kf3 d5 4. Kc3 c6 5. Cc5 dс.

Томонлар қўллаган дебют, яъни ўйиннинг бошланғич қисми назарий қўлланмаларда славянча ҳимоя номи билан юритилади ва ўз навбатида у ҳам қозилган бўлиши кетади. Қоралар охириги юриши билан Ботвинник вариантини танлади. Бу вариантнинг тарихи ҳам муҳлислар учун қизиқ бўлса керак:



1945 йили СССР ва АҚШ шахматчилари ўртасида радиоматч ўтказилгани эсингиздадир. Ушанда, ўнта тахтада икки давра ўйин бўлиб, мамлакатимиз вакиллари 15,5:4,5 ҳисобда галабага эришдилар. Бунда АҚШ чемпиони Денкерни иккала ўйинда ҳам мағлуб этган Михаил Ботвинникнинг

ҳисса катта бўлди. Ана шундай кўра доналарни сурган совет чемпиони славянча ҳимояда 5...dс юриши билан бошланувчи мураккаб вариантга асос солган эди.

Асосий мавзуга қайтайлик. Г. Каспаров — М. Таль баҳси куйидагича давом этди.

6. e4 b5 7. e5 h6 8. Ch4 g5 9. K:g5 hg 10. C:g5 Kbd7 11. ef Ch7 12. g3 c5 13. d5 Fb6 14. Cg2 o-o-o 15. o-o b4 16. K:a4 Fb5 17. e3 Kb8 18. ed bd 19. C:c3 C:d5 20. C:d5 L:d5 21. F:e2 K:c6 22. L:c1.

Михаил Таль ушбу юриши билан куйидагича янгилик киритди:

22... Ke5! Шундай қилиб, от тахта чеккасига эмас, Балки марказга сакради.

23. b3 c3 24. K:c3!

Агар бу юришда қўриқланган олди очиқ с3 пивдаси қурбон бўлмаса, охири бориб оқларнинг аҳволини танг қилиши мумкин. Лекин Талдек комбинацияларнинг моҳир устасига бир сипоҳ итуҳфа этгани ҳар ким ҳам жўрват қилолмайди.

Шахмат тахтасида баъзан шундай чғвал вазиятлар содир бўладики, унда бирор дадил юриш (айниқса, у сипоҳни қурбон бериш билан боғлиқ бўлса) қилиш учун шахматчи ўзига ишонган бўлиши керак. Худди шундай ҳолларда Каспаров ўзининг зарбадист рақибига бир сипоҳни қурбон қилаётганлигини кўрган шахмат ишқибозлари: «Бу қанақаси бўлди», деб ҳайратланишди.

24... bc 25. L:c3 Kрb8.

Шунча юришга Таль 20 минут, Каспаров эса 70 минут сарфлади. Ҳозир 25... Kрd8 бўлса, 26. L:a7! F:e2 27. C:d+ дан сўнг қоралар мот бўлади.

26. F:c2 C:b6 27. C:a7 Kрb7 28. b4.

Г. Каспаров оқларнинг бу юришига жавоб топиши учун 40 минут керак бўлди. Ҳозир қораларнинг ихтиёрида 28... Ld3 ёки 28... Lа8 тарзида юриш имкониятлари мавжуд эди. Иккаласида ҳам таҳминан моддий тенгликда мураккаб позициялар вужудга келарди. Таль кутилмаган юриш қилиб (28... K:c6), ҳарифини қурбонлар беришга чорлади ва айна вақтда ўз шохини хавфли вазиятга солиб қўйди. 28... K:c6 29. C:c3 C:e5 30. L:c6 C:a1 (30... F:c6! 31. Lа7+ ва фарзин кетади) 31. Lс7+ Kрb8 32. Cа7+ Kрb8 33. C:e3 Kрb8 34. Cа7+ Kрb8. Дурангни! Йўқ. Бир руҳи кам бўлишига қарамай, Каспаров дадил, қалтис юришлар қилди.

35. C:e5! Kрb8 36. L:l7 C:e5 (36... Ld7! бўлса, 37. C:d6+ тамом-вассалом) 37. Cа7+ Kрb8 38. Cа7 Ld7.

Оқлар, чамаси, ўз имкониятларига ортқича тош қўйиб юборганга ўхшайди: бир руҳи кам-а! Бироқ кейинги

юриш неча юришлар, ҳар қалай, улар дурангни қўлдан чиқармаганлигини тасдиқлайди.

39. F:e2 Kрb8 40. Cа7+ Kрc8 (40... Kрb7 41. F:e6 Ld8 42. C:b6 вариантини ўзингиз таҳлил қилиб кўринг). 41. F:e6 Fd5 42. Fаb6+ Kd7 43. Fc4+ Fc7 Дурангга рози бўлдилар. Қоралар 43... Kрd8 тарзида жавоб берса бўлардию, лекин бу ерда ҳам 44. L:l7+ F:d7 45. C:b6 C:c7 46. C:c7+ F:c7 47. Fd5 дан кейин ўйин дуранг бўларди.

Тарафлар қанақа шиддатли жанглар оқибатида битимга қолишгини кўриб чиқдик.

Айтмоқчи, бу баҳс СССР халқлари VIII ваги Спартакиадасида юз берган эди. Эртасига кечиктирилган партиялар давом эттирилмаган кун эди. Кечиктирилган учрашувлари бўлмасада, Каспаров билан Таль залда пайдо бўлдилар, бир чеккадаги столга ўтириб, кечаги партияни таҳлил қилишга тушдилар. Дарҳол уларнинг атрофини гроссмейстерлар ва мастерлар қуршаб олдилар. Уша томошабинлар орасида қамча ҳам бор эди. Бир ярим соатча давом этган таҳлил пайтида, билмадими, неча юзлаб юришлар текшириб кўрилди, аммо уларни ҳеч ким ёзиб олишга улгурмади. Таҳлилда айнақса Каспаров чекқонлик кўрсатар, номдор гроссмейстерларнинг лўқмаларини зудлик билан инкор этишга улгурар эди. Уни баҳисоли бир электрон-ҳисоблаш машинаси деса бўларди. Шу ўринда бундан икки йилча олдин юз берган воқеани эслаш ўринлидир.

1982 йили кузда Швейцарияда ўтказилган жаҳон XXV юбилей Олимпиадасининг ўнинчи турида майдон эгалари совет шахматчилари билан доня суришди. Биринчи тахтада В. Корчной билан Г. Каспаров учрашди. Бир пайт мутахассислар афзаллик оқ доналарни сурган ватандагидо Корчной томонида эканлигини айтдилар. Ҳа, Каспаровнинг марказдаги оти ҳужум остида қолган, уни олиб кетиш эса қора сипоҳларнинг кечинишдан нишон эди. Каспаров етти юриш давомида отини зарбадан олиб қочмади, мураккаб вазиятда шундай қалтис йўлларни топдики, бунга оддий томошабинларгина эмас, балки гроссмейстерлар ҳам тэн бердилар. Тактик яширин имкониятлар, бой ички динамикага эга бўлган позицияда Каспаровга хос истезод намоён бўлди. Корчной эса отни олишга мажбур бўлди. Оқибатда, улоқ Каспаровда кетди. 37-юришда Корчной таслим бўлганда, улкан зал қарсақ садосидан ларзага келганди. Ушанда Г. Каспаров жаҳоннинг 1982 йилги энг яхши шахматчиси деб топилиб, «Оскар» мукофоти билан тақдирланди.

Яқинда соҳиб жаҳон чемпиони М. Таль, Т. Петросян, Б. Спасский, шахсий коэффицентини жуда юқори гроссмейстерлардан Л. Портиш, Я. Тимман, Б. Ларсен, Я. Сейраван, Э. Майльс ва бошқалар иштирокида Югославияда бўлиб ўтган улкан халқаро турнир ҳам Г. Каспаровнинг қалабаси билан яқунланди. Галаба қилганда ҳам, у иккинчи ўринни эгаллаган Бент Ларсендан бир эмас, икки очко ўзиб кетди. Каспаров 9 ўйинни ютиб, тўрттинсиди дуранг қилди ва атиги бир бор бой бериб, 14 имкониятдан 11 очко жамғарди. Мусобақа тугагач, 9 гроссмейстер иштирокида бир кун давом этган блиц-турнир, яъни ҳар ўйинга жами 10 минут вақт берилмаган қаҳқоқ тевлигидаги ақлий баҳсда ҳам Каспаровга ҳеч ким тенг келолмади: 16 учрашувда 13,5 очко тўллаб, иккинчи ўринда бўлган Корнойдан 3 очко ўзиб кетди. Буниси ҳам майли-я. У билан бўлган шахсий учрашувнинг иккаласида ҳам Каспаров ғолиб қилди.

Бу икки шахматчи ўртасида жаҳон биринчилиги учун ярим финал матчи 1983 йилнинг ёзида ўтиши керак эди. Бироқ ФИДЕ президенти Кампома-несинг ноҳўя тижирлиги билан матчи вақтида ўтмай қолди. Лекин жаҳон шахмат жамоатчилиги ҳақ иш қарор топишини қаттиқ туриб талаб қилди. 1983 йил октябрда Филиппинда бўлиб ўтган ФИДЕ конгресси талабни қондиради.

Фараз қилайлик: агар Каспаров саралаш мусобақаларининг ҳаммасида ғолиб чиқса, 1984 йили Анатолий Карповнинг яхши ягона ҳарифи бўлади. Жаҳон шахмат тарихида ҳали ҳеч кимга 21 ғолиб бевосита тош учун курашиш бахти nasib этмаганлиги аважидан Гарри Каспаров ўзинга ҳос элдик рекорд қўйган бўлади.

Бир вақтлар, шахматчи 30—40 ёшларда энг юксак натижага эришади, деган фикр ҳукм суради. Ҳақиқатан ҳам В. Стейниц, Х. Р. Капабланка, А. Алехин, М. Эйвс, М. Ботвинник, В. Смилов, Т. Петросян, Б. Спасский, Р. Фишер ана шу ёшда жаҳон чемпиони бўлган эдилар. У замонлар энди ўтиб кетганга ўхшайди! Бир суҳбатда Г. Каспаров, Карпов билан ким ўйнаринки, деган саволга шундай жавоб берди: «Бир оз илгарироқ М. Таль: менинг ҳаммиша навқирон тенгқурларимдан бири бўлди, деган бўлса, мэн энди: Корчной ҳам, Смилов ҳам, Портиш ҳам эмас, балки улардан анча ёш бош тош талабгоринда бири бўлди, деб ўйлайман. Биздаги яхши куч ўзини кўрсатиш керак. Гал — бизники!»

Мамажон МУҲИДИНОВ,
СССР спорт мастери

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Тошкентда Мухаммад Мусо ал-ХОРАЗМИЙга ўрнатилган ҳайкал (авторлар: ҳайкалтарош Р. Немировский ва архитектор С. Одиллов).

Иккинчи бет: Андижон область, Пахтакор районидagi «Пахтакор» колхози меҳнаткашлари улкан «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳисса қўшдилар.

Суратда: колхоз правлениеси раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турдужон САТТОРОВА ҳўжалик оқсоқолини Абдураим Ҳайдаров, Мамасидиқ Ҳасанов, Абдулла Аҳмедовлар билан ўзаро суҳбатда.

Р. Ашуров фотоси [ЎзТАГ]
Туямайин гидроузели смена бошқарув пултининг бошлиги Раҳмон Маткаримов ва навбатчи монтер Сафар Эгамбердиев.

Қ. Отаев фотоси [ЎзТАГ]
Тўртинчи бет: Республикамиз пойтахти Тошкентнинг 2000 йиллиги шодиёналари дўстлик, қардошлик байрамга айлиниб кетди.

Н. Шарипов фотоси

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари, «Наука и жизнь» журналдан ҳам фойдаланилди.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

10-СОНДА БЕРИЛГАН ЧАЙНВОРДИНИНГ ЖАВОБИ:

1. Пахта. 2. Агроном. 3. Маккажўҳори. 4. Инженер. 5. Ромитон. 6. Нўхат. 7. Тошкент. 8. Тарвуз. 9. Зарафшон. 10. Нурута. 11. Арпа. 12. Амри. 13. Ишқом. 14. Мираҳмедек. 15. Вилт. 16. Тарқи. 17. Қувёш. 18. Шоли. 19. Илич. 20. Чорвачлик. 21. Картошка. 22. Андижон. 23. Нок. 24. Каноп. 25. Пивё. 26. Звено. 27. Олма.

Беш редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош расмом), Маҳмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Мухаммадали ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), Ислидин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳақим ҲУСНИДДИНҲУЖАЕВ.

«Гулистон» — ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке]

Адресимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда расомлар бўлими — 325832.

Босмахонага туширишди 14.10.83 й. Босингга руҳсат этилди 15.11.83 й. Р — 02281. Қозғ 70×108¹/₁₆. Вотиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 244980. Вуюртма № 2013. Нашр В — 120.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000. Тошкент, ГСП. «Правда Востока» кўчаси, 26.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов бошлиқ бригада пахта теримидаги илгорлиги учун кўча вимпел билан тақдирланди.

Л. Гусейнов фотоси



Пахта — фахримиз!



Л. Гусейнов фототюди



ISSN 0134-2207
Баҳоқи 35 тўйини
Индекс 75233.